

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
ЖАХОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**“ЎЗБЕКИСТОННИНГ МДХ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН
АЛОҚАЛАРИ (1991-2016 йй)” МАВЗУСИДАГИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 5120300-тарих таълим йўналиши
битирувчи 4-курс талабаси
Ашуров Бобур Курбонович _____

Илмий раҳбар: к.ўқ.З.Аннаева

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
_____ сонли баённомаси “ _____ ” _____ 2017 йил

Термиз-2017

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
-------------------	----------

Асосий қисм:

1.Боб.Ўзбекистоннинг МДХ давлатлари билан алоқаларининг йўл қўйилиши

1.1.МДХ давлатлари билан ҳамкорлик.....	7
1.2.МДХ давлатлари билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқалари...	10

II.Боб.МДХ давлатлари таркибига кирган Марказий Осиё давлатлари билан яқин қўшничилик алоқалари

2.1.Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши.....	34
2.2.Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликнинг ривожланиши ва истиқболлари.....	55

Хулоса.....	66
--------------------	-----------

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	68
--	-----------

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: XX асрнинг 80-йиллар охири ва 90 йиллар бошида рўй берган “реал социализм”нинг емирилиши энг улкан воқеа сифатида тарихдан жой олди. Бу билан 1917 йилда Россияда бошланган ва коммунистик қайта қуришга бўлган сўнгги тарихий уриниш ниҳоясига етди.

Мустақил Ўзбекистон ҳалқаро алоқаларни йўлга қўйиши ва ўз истиқболлари учун қулай географик-стратегик имкониятларга эга. Ўрта Осиёда географик-сиёсий жиҳатдан марказий ўрин тутган Ўзбекистоннинг ушбу минтақада кучлар нисбати ва мувозанатини сақлаш, барқарорликни таъминлаш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятлари бор.

XX асрнинг 90- йилларига келиб, сотсиалистик дунёнинг етакчиси бўлган улкан империя — СССР пароканда бўлди, сотсиалистик система ҳалокатга учради. Варшава Шартномаси блоки тарқалиб кетди. Дунёда янги мустақил давлатлар вужудга келди. Биргина СССР нинг парчаланиши натижасида 15 та мустақил давлат, жумладан мустақил Ўзбекистон давлати бунёд этилди. „Совуқ уруш“ сиёсати барҳам топди.

1991 йил 8 декабрда Минскда уч славян республикаси - Россия, Украина, Беларусь раҳбарлари бўлди - Б. Ельцин, Л. Кравчук, С. Шушкевичларнинг учрашуви бўлди. Ўша куни Беловежское Пушчеда уч давлат бошлиқлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)ни тузиш тўғрисида Шартнома имзоладилар. Шартномада ягона иқтисодий макон, ягона валюта ва молия - банк системаси бўлади, Фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинади, ташқи сиёсат ва армия соҳасидаги сиёсат келишилган ҳолда юритилади, деб белгиланган эди.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари: Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон миллий манфаатларига мос келадиган пухта ташқи сиёсати йўлни белгилаш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, хорижий мамлакатлар билан сиёсий, дипломатик иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар ўрнатиш масалалари долзарб вазифалар деб белгиланди. Чунки иттифоқ даврида Ўзбекистон тўғридан-тўғри алоқа қила олмайдиган

мамлакат бўлиб, ташқи сиёсат юритиш тажрибасига ҳамда бу соҳадаги кадрларга эга эмас эди. Шунинг учун ушбу масалаларни амалга ошириш имконияти вужудга келди. Бу ёритилган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мавзунинг янгилиги ва аҳамияти: МДХ нинг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат:

-Ҳамдўстлик қатнашчиларининг ўзаро алоқалари улар ўртасидаги тенглик асосида тузилган битимлар ҳамда битимлар белгиланган тартибда доирасида фаолият юритадиган мувофиқлаштирувчи муассасалар орқали амалга оширилади:

-МДХ давлат ҳам эмас, давлатлар устидаги тузилма ҳам эмас:

-халқлар стратегик барқарорликни ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳарбий-стратегик кучларнинг бирлашган қўмондонлиги ва ядро курули устидан назорат сақлаб қолинади:

-МДХ очикдир, унинг барча аъзолари ва бошқа давлатлар ҳам унга қўшилиши мумкин:

-Умумий иқтисодий макони, умумевропа ва Европа-Осиё бозорларини вужудга келтиришда ва ривожлантиришда ҳамкорлик қилишга содиқлик тасдиқланди:

-МДХнинг тузилиши билан СССРнинг мавжудлиги тўхтатилади:

-Ҳамдўстлик қатнашчилари ўз Конституцияларидаги тартиб қоидаларга биноан шартномалар ва битимларидан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятининг бажарилишига кафолат берадилар.

Мавзунинг аҳамияти: Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил қилувчи мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Ҳамдўстлик ғоясини қўллаб-қувватлади, унинг ташкилотчилари таркибига кирди, барча қатнашчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш кераклигини қаттиқ туриб ёкламоқда.

Танланган объектлар ва тадқиқот усуллари: Ўзбекистоннинг МДХ давлатлари билан алоқаларини ёритиш бўйича Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ва Президентимиз Ш.М.Мирзиёевларнинг фикрлари, нутқлари, асарлари, матбуот материалларига таянган ҳолда ёритиб бериш мавзунинг предмети ва объектини ташкил этади.

БМИнинг тузилиши: Кириш, асосий қисм 2 боб ва 4 та режа, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

Адабиётлар таҳлили: Битирув малакавий ишини ёзишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, энг янги тарихнинг долзарб масалаларига бағишлаб ёзилган кўплаб монография, дарслик, ўқув кўлланма, вақтли матбуот нашрлари, оммавий ахборот воситалари материаллари, ушбу мавзуга яқин тадқиқот ишлари ва интернет материаллари методологик асос бўлиб хизмат қилди. Жумладан, Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”- Тошкент:“Ўзбекистон”.,1992. “Ўзбекистон XXI бўсағасида:хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997. “Ўзбекистон буюк келажак сари” 1999,“Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз” Тошкент:“Ўзбекистон”1999, “Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз” Тошкент:“Ўзбекистон”2001, “Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак” Тошкент:“Ўзбекистон”2002, “Ўзбекистон мустақиликка эришиш оstonасида” Тошкент:“Ўзбекистон” 2011, “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” Тошкент:“Ўзбекистон”2013 номли ва бошқа кўплаб китоблари муҳим ўрин тутди.

Шунингдек М.С. Гафарли А.Ч. Касаевларнинг Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси.(2001) ., Кичкилов Ҳ. МДХ тарихи:ютуқлар, муаммолар ва зиддиятлар. (1989-2009). “Янги нашр” Т.2010. У.Носировнинг Президент Ислам Каримов: “Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик учун”(2002) Қ. Ражабов Б. Ҳасанов Б. Қандовларнинг Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик солномаси. Т. “Ўзбекистон

миллий энциклопедияси” 2011 китобларида ҳам Ўзбекистоннинг тинчлик ва хавфсизлик масалаларига оид сиёсати ҳақида баъзи маълумотлар келтирилган.

Бундан ташқари “Жамият ва бошқарув” журнали, “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”¹, ва бошқа газеталарда нашр этилган мақолалардан фойдаланилди. Хусусан, Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари жаҳон мамлакатлари диққат эътиборини тортаётган тинчлик ва хавфсизлик ҳамда терроризм, диний экстремизм ва фундаментализм каби иллатларга қарши кураш олиб боришда барча мамлакатларга тааллуқли бўлган масалалар берилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мана шу жиҳатдан бу асарнинг қимматли жиҳатлари БМИда ўз ифодасини топган. Умуман ушбу БМИда мавзуга оид кўплаб адабиётлар ва манбалардан фойдаланилган.

Битирув малакавий иш мавзуси янги, илгари илмий тадқиқот ишлари муомаласида бўлмаган янги мавзу бўлганлиги сабабли, кўпроқ оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлар, статистик маълумотлар ҳам таҳлил қилинди.

¹ Каримов И. “Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Т.”Ўзбекистон”, 1997, “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т.”Ўзбекистон”, 1999, “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз” Т.”Ўзбекистон”, 2001, “Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз” Т.”Ўзбекистон”, 2002, “Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак” Т.”Ўзбекистон”, 2002, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Т.”Ўзбекистон”, “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” Т.”Ўзбекистон”, 2013, М.С. Гафарли А.Ч. Касаев. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. Т.”Ўзбекистон”, 2001, У.Носиров, Президент Ислам Каримов: “Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик учун”, 2002, Ражабов Қ. Ҳасанов Б. Қандов Б. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик солномаси. Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” 2011. “Жамият ва бошқарув” №2, 2010, “Халқ сўзи” 1995-2013, “Ўзбекистон овози” 1995-2013.

1.Боб.Ўзбекистоннинг МДХ давлатлари билан алоқаларининг йўл қўйилиши

1.1.МДХ давлатлари билан ҳамкорлик

1991 йил 8 декабрда Минскда уч славян республикаси - Россия, Украина, Беларусь раҳбарлари бўлди - Б. Ельцин, Л. Кравчук, С. Шушкевичларнинг учрашуви бўлди. Ўша куни Беловежское Пушчеда уч давлат бошлиқлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)ни тузиш тўғрисида Шартнома имзоладилар. Шартномада ягона иқтисодий макон, ягона валюта ва молия - банк системаси бўлади, Фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинади, ташқи сиёсат ва армия соҳасидаги сиёсат келишилган ҳолда юритилади, деб белгиланган эди. Ҳужжатда СССРнинг мавжудлиги ва СССР Конституцияси тўхтатилади деб эълон қилинди.

Украина, Белоруссия, Россия Парламентлари МДХ ҳақидаги шартномани ратификация қилдилар ва 1922 йил 30 декабрдаги СССРни тузиш тўғрисидаги шартномани бекор деб ҳисобладилар. Республиканинг СССР Олий Советидаги депутатлари чиқариб олинди. СССР Президенти бўлмиш М.С.Горбачевнинг Иттифокни Янги шаклда сақлаб қолиш йўлидаги уринишлари барбод бўлди. Мамлакатда уни қувватловчи бирорта сиёсий куч топилмади.

Қозоғистон,Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Президентлари 1991 йил 13 декабрда Ашгабадда учрашдилар ва Минскда имзоланган МДХ ҳақидаги шартнома муносабати билан вужудга келган аҳволни муҳокама қилдилар. Учрашувда Баёнот қабул қилинди. Баёнотда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳуқуқий асосда, собиқ ССРдаги барча

республикалар томонидан ихтиёрий ва тенг асосларда тузилиши лозим, уларнинг барчаси МДХ этник принципи асосида ёки инсонлар ҳуқуқини бузиш асосида қурилмаслиги керак, дейилган эди. Беш давлат бошлиқлари МДХга, уни этувчилар ролида киришга тайёр эканлигини билдирдилар.

1991 йил 21 декабрда Россия (Б.Ельцин), Украина (Л.Кравчук), Беларус (С.Шушкевич), Қозоғистон (Н.Назарбоев), Ўзбекистон (И.Каримов), Қирғизистон (А.Акаев), Тожикистон (А.Муталибов), Арманистон (Тер-Петросян), Молдова (М.Снегур) давлат бошлиқларининг кенгаши бўлди. Ўша куни 11 давлат бошлиқлари Беловежское Пушче шартномаси юзасидан протоколни имзолаб, “Тенг ҳуқуқли ва ахдлашаётган олий томонлар” мақомида МДХ муассасиси бўлдилар². Кенгашда Алмати Декларацияси қабул қилинди. Декларацияда қуйидагилар ҳақида баёнот берилди.

-Ҳамдўстлик қатнашчиларининг ўзаро алоқалари улар ўртасидаги тенглик асосида тузилган битимлар ҳамда битимлар белгиланган тартибда доирасида фаолият юритадиган мувофиқлаштирувчи муассасалар орқали амалга оширилади:

-МДХ давлат ҳам эмас, давлатлар устидаги тузилма ҳам эмас:

-халқлар стратегик барқарорликни ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳарбий-стратегик кучларнинг бирлашган қўмондонлиги ва ядро қуроли устидан назорат сақлаб қолинади:

-МДХ очикдир, унинг барча аъзолари ва бошқа давлатлар ҳам унга қўшилиши мумкин:

-Умумий иқтисодий макони, умумевропа ва Европа-Осиё бозорларини вужудга келтиришда ва ривожлантиришда ҳамкорлик қилишга содиқлик тасдиқланди:

-МДХнинг тузилиши билан СССРнинг мавжудлиги тўхтатилади:

² Ўзбекистоннинг янги тарихи (Тузувчи) Н.Жўраев, Ф.Файзуллаев, Т. “Шарқ” 2000. 560-б.

-Ҳамдўстлик қатнашчилари ўз Конституцияларидаги тартиб қоидаларга биноан собиқ СССРнинг шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятининг бажарилишига кафолат берадилар:

-МДХ қатнашчилари мазкур Декларация қоидаларига оғишмай риоя этиш мажбуриятини оладилар.

МДХ давлатлари бошлиқлари Алмати кенгашида қуролли кучларнинг ислоҳ қилинишига қуролли кучларга қўмондонлик қилишини маршал Е.И.Шапошниковга топшириш ҳақида протокол туздилар.

МДХ давлатлари бошлиқларининг Алмати кенгаши махсус қарор қабул қилиб Ҳамдўстлик аъзолари бўлган давлатларнинг БМТ Низоми бўйича мажбуриятларини бажариш ниятида эканлигини ва БМТга аъзо бўлиш истакларини билдирдилар.

Бизга маълумки, 1991 йилнинг охирида Белоруссия республикасининг ҳукумат қароргоҳида Россия Федерацияси, Украина ва Белоруссия республикаларининг президентлари МДХ давлатлари иттифоқини тузиш тўғрисида битимни имзолашди. Кейинроқ эса Болтиқ бўйи давлатларидан ташқари барча собиқ иттифоқ республикалари МДХга қўшилишди. Жумладан, 1991 йилнинг 21 декабрида Олма – Ота шаҳрида 11 та мустақил давлатларнинг раҳбарлари (Латвия, Литва, Эстония ва Грузиядан ташқари) Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Молдовия, РФ, Тожикистон, Туркменистон, ва Украина республикалари МДХнинг тенг ҳуқуқли давлатлари эканлигини қайд этувчи Баённомани имзолашди. Бундан икки йил кейин яъни, 1993 йилда эса, Грузия давлати ҳам МДХ га аъзо бўлиб кирди.

МДХ ўз аъзоларининг суверен тенглигига асосланган бўлиб, аъзо-мамлакатлар халқаро ҳуқуқнинг мустақил ва тенг ҳуқуқли субъекти ҳисобланади.

Ташкилотнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- сиёсий, иқтисодий, экологик, гуманитар, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш;

- аъзо-мамлакатларни умумий иқтисодий макон доирасида ҳар тарафлама ривожлантириш, шунингдек давлатлараро интеграция ва кооперацияни кучайтириш;
- инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш;
- халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда ҳамкорлик;
- ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;
- давлатлар ўртасидаги келишмовчилик ва баҳсли мунозараларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш.

Аъзо-мамлакатларнинг ҳамкорликдаги фаолияти қуйидагилар доирасида амалга оширилади:

- инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш;
- ташқи сиёсий фаолиятни мувофиқлаштириш;
- умумий иқтисодий ҳудудни, божхона сиёсатини шакллантириш ва ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш;
- алоқа, транспорт тизими ривожланишида ҳамкорлик қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- ижтимоий ва миграцион сиёсат бўйича масалаларни ҳал қилиш;
- уюшган жиноятчиликка қарши курашиш;
- мудофа сиёсати ва ташқи чегараларни сақлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш.

Ташкилотнинг юқори органи бўлиб, МДХ давлат раҳбарлари Кенгаши ҳисобланади. Давлат раҳбарлари кенгаши йилига икки марта йиғилишга тўпланадилар. Шунингдек, МДХ низомида мамлакатларнинг унга аъзо бўлиш шартлари, мақсад ва тамойиллари белгилаб берилган.

Ташкилотга аъзо – мамлакатлар³

³ <http://ru.wikipedia.org/wiki/CHГ>

Давлатлар	МДХни ташкил этиш тўғрисидаги битимнинг тасдиқланиш санаси (1991 йил 8 декабрда)	МДХни ташкил этиш тўғрисидаги битимга қарор тасдиқланиш санаси (1991 йил 21 декабрда)	МДХ устави тасдиқланиш санаси
 Озарбайжон	имзоланмаган	24 сентябр 1993 йил	14 декабр 1993 йил
 Арманистон	18 феврал 1992 йил	18 феврал 1992 йил	16 март 1994 йил
 Белоруссия	10 декабр 1991 йил	10 декабр 1991 йил	18 январ 1994 йил
 Грузия	имзоланмаган	3 декабр 1993 йил	19 апрел 1994 йил
 Қозоғистон	23 декабр 1991 йил	23 декабр 1991 йил	20 апрел 1994 йил
 Қирғизистон	имзоланмаган	6 март 1992 йил	12 апрел 1994 йил
 Молдавия	8 апрел 1994 йил	8 апрел 1994 йил	27 июнь 1994 йил
 Россия	12 декабр 1991 йил	12 декабр 1991 йил	20 июль 1993 йил
 Тожикистон	имзоланмаган	26 июнь 1993 йил	4 август 1993 йил
 Туркманистон	имзоланмаган	26 декабр 1991 йил	имзоланмаган
 Ўзбекистон	4 январ 1992 йил	4 январ 1992 йил	9 феврал 1994 йил
 Украина	10 декабр 1991 йил	10 декабр 1991 йил	имзоланмаган

МДХ ташкил қилинган дастлабки кундан бошлаб, Ўзбекистон республикаси иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, ҳамкорлик алоқаларини мутаҳкамлаш ва кенгайтириш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тарафдори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олди.

МДХга аъзо-мамлакатлар билан муносабатда Ўзбекистоннинг ўрни куйидагилардан иборат:

- МДХнинг барча аъзо-мамлакатлари манфаатларини тенг ҳуқуқлилигини эътиборга олган ҳолда, иқтисодий интеграциянинг устувор йўналишда бўлишини таъминлаш.

- Ўзбекистон Республикаси ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишда интилувчи ихтиёрийлиги тамойилини сақлаш тарафдорлиги ва бошқалар.

Ҳозирги кунда МДХ доирасидаги ҳамкорликнинг иқтисодий асосларидан шуни айтишимиз мумкинки, МДХ давлатлари билан иккиёқлама ва шунингдек ҳар томонлама олиб борилаётган муносабатларнинг барча соҳаларида ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиш учун барча имкониятлар мавжуддир. Шу билан биргаликда МДХ ёрдамида янги мустақил давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишлари учун ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар ҳам яратиб берилмоқда.

МДХ доирасида давлатлараро ўзаро иқтисодий ҳамкорлик муносабатларининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

- МДХ доирасида мақсадлар амалга ошгунга қадар интеграцияга сакраб ўтмасдан, секин-асталик билан эркин иқтисодий ҳудудни ташкил қилиш;

- МДХ доирасида савдо – иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги салоҳиятни кўтариш;

- МДХ доирасида товарларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли алоқаларни таъминлаш ҳамда бошқалар.

МДХга аъзо давлатлар ҳамкорлик алоқаларида ҳамда иқтисодий интеграция даражасига боғлиқ ҳолда интеграцион жараёнларнинг кейинги босқичларида ва минтақавий бирлашмаларда қатнашиш тўғрисида мустақил қарорлар қабул қилишади, қабул қилинган қарорларнинг амалий бажарилиши эса МДХ доирасида самарали ҳамкорликда намоён бўлади.

Шунингдек интеграцион жараёнларни ривожланишига мос келмайдиган иқтисодий характерга эга бўлган омилларни куйидагилар асосида кўриб чиқиш мумкин. Интеграциянинг асосий элементларидан

бўлиб, аста-секинлик билан божхона божларини пасайтириш, қўшма корхоналар тузиш, товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва капиталнинг эркин ҳаракати учун шарт-шароит яратиш ҳисобланади. Бироқ ҳозирда МДҲ ҳудудида божхоналарни жорий этиш, квоталар белгилаш, ўзаро савдони лицензиялаш ва бошқалар каби тескари жараёнлар содир бўлмоқда. Бундай ҳолатга қуйидаги иқтисодий сабаблар ундаган: бозорга турли хилдаги тезкорликдаги ҳаракат, иқтисодий ислохотларни ўтказиш хусусиятларидаги тафовут, хом-ашё, озиқ-овқат ресурслари ва малакали кадрлар билан таъминланишнинг турли хил даражаси. Собик иттифоқ республикалари нархларни эркинлаштириш хусусияти ҳамда нархлар даражаси бўйича сезиларли даражада фарқ қилади, бу ҳолат ресурсларни бир жойдан бошқа жойга кўчиб ўтишига сабаб бўлади ва бунинг натижасида бунга қарши божлар ва бошқа чекловлар киритилади.

Ушбу мураккаб ҳолатга қарамасдан МДҲга аъзо бир қатор мамлакатлар пухта ўйланган режа асосида ҳаракат қилишлари натижасида интеграция жараёнларининг аста-секинлик билан жадаллашуви юзага келмоқда.

Марказий Осиё мамлакатларини ўзаро бир бирига интеграция қилувчи ташкилотлардан бири бу Шанхай ҳамкорлик ташкилотидир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти – халқаро минтақавий ташкилот бўлиб 2001 йилда Хитой, Россия, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлат раҳбарлари томонидан ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида стратегик манфаатларини такомиллаштириб бориб, дунёнинг турли жойларида ва айниқса, Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйди. Тажовуз ва таҳдидлар барча учун умумий эканлигини, Марказий Осиё ва унда яшовчи халқларнинг тақдири учун зиммасидаги масъулиятни англаб, мамлакатимиз 2001 йил июнь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо бўлиб, унинг муассиси ва тенг ҳуқуқли қатнашчисига айланди.

Ташкилотнинг асосий вазифалари аъзо-давлатларни қамраб олган кенг миқёсдаги ҳудудда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, экстремизм, наркомания ҳамда терроризмга қарши курашиш, ўзаро илмий ва маданий алоқаларни, энергетик шерикчиликни ҳамда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш.

ШХТнинг салоҳияти ва дунё ҳамжамиятида тутган ўрни ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун қуйидаги маълумотлар ҳам етарли бўлади.

ШХТ таркибига кирувчи давлатларнинг ҳудуди Евроосиё умумий ҳудудининг 61 фоизини, яъни 30,2 млн км²ни ташкил этади. Демографик жihatдан эса дунё аҳолисининг тўртдан бирини ташкил этади.

ШХТ аъзо – мамлакатлари раҳбарларининг учрашувлари		
Сана		Ўтказилган жойи
1	14-15 июнь 2001	 Шанхай
2	7 июнь 2002	 Санкт-Петербург
3	28-29 май 2003	 Москва
4	17 июнь 2004	 Тошкент
5	5 июль 2005	 Остона
6	14-15 июнь 2006	 Шанхай
7	16 август 2007	 Бишкек
8	28 август 2008	 Душанбе
9	15-16 июнь 2009	 Екатеринбург

Сўнгги йилларда ташкилотнинг нуфузи янада ортиб бормоқда. Минтаканинг Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Мўғулистон каби давлатларининг ШХТга қизиқиши ортиб бораётганлигининг ўзи ҳам бунинг исботи бўла олади.

МДХ, АСЕАН давлатлари, Афғонистоннинг ШХТ саммитларига таклиф этилиши, Белоруссия, Шри-Ланка давлатларининг мулоқот ҳамкори сифатида танилгани ташкилотнинг истиқболидан дарак беради. Шунинг ҳам айтиш жоизки, Покистон, 2008 йилнинг мартда эса Эрон Ислом Республикаси ШХТга аъзо бўлиш истагида расман мурожаат қилган.

2009 йилнинг 15-16 июнь кунлари Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида ҳам давримизнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

Жумладан, минтақада кечаётган жараёнлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш, бу борада қўшма саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва фаоллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Шу билан бирга, хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида ҳамкорлик, трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашиш масаласи муҳокама қилинди.

МДХ – кенг қамровли ҳамкорликдаги фаолиятга ва белгиланган ташкилий таркибга эга мустақил давлатлар бирлашмасидир. МДХнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унинг умумий мақсадлари ва тамойиллари, компетенцияси, таркиби, ўзаро ва умумий манфаатлар соҳалари келишилган шартномавий асосга эга. Бундай асосни, авваламбор, МДХ доирасида қабул қилинган таъсис ҳужжатлари – Устав ва кўпёқлама ҳужжатлар (шартномалар, битимлар, қарорлар ва ҳ.к.) ташкил қиладики, булар Россия, Беларуссия ва Украина ўртасида имзоланган МДХни тузиш ҳақидаги битим (8 декабрь 1991й., Минск ш.), ва ушбу битимга Баённома (21 декабрь 1991 й., Олма-ота ш.) бўлиб, унга мувофиқ МДХга яна саккиз мамлакат – Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон кирди. 1993 йилнинг декабрида Ҳамдўстликка Грузия қўшилди, 2008 йили эса МДХдан чиқишга ариза берди.

21 декабрь 1991 йилдаги (Олма-ота ш.) МДХнинг мувофиқлаштирувчи институтлари тўғрисидаги Битимга мувофиқ Ҳамдўстликнинг таркиби ҳам

белгиланди. МДХнинг олий органлари бўлиб 1993 йилнинг 22 январиди қабул қилинган МДХ Уставада белгиланган МДХга аъзо давлатлар бошлиқлари кенгаши ҳамда Ҳукумат бошлиқлари кенгаши ҳисобланади. Бу ташкилотлар Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг уларнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб, фаолиятларини мувофиқлаштириш, ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари бўйича қарор қабул қиладилар.

Ҳамдўстликнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- демократик ҳуқуқий давлатлар тузиш, улар ўрасидаги муносабатлар давлат мустақиллигини ва суверен тенгликни ўзаро тан олиш ва ҳурматлаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ажралмас ҳуқуқи, тенг ҳуқуқлилиқ ва ички ишларга аралашмаслик, ҳар қандай тазйиқлардан воз кечиш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу жумладан кичик миллатлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, мажбуриятларни ва бошқа умум тан олган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларини ҳалол бажариш асосида ривожланади;
- бир-бирларининг ҳудудий бутунлиги ва мавжуд чегаралар бузилмаслигини тан олиш ва ҳурмат қилиш:
- чуқур тарихий илдизларга эга бўлган халқларнинг туб манфаатларини ҳамда қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш;
- фуқаролар сулҳини ва миллатлараро тотувлиқни сақлаш.

Ҳамдўстлик қатнашчиларининг ўзаро муносабатлари тенглик асосида шакллантириладиган улар ўртасидаги ўзаро битимлар билан белгиланган тартибда иш олиб борадиган мувофиқлаштирувчи муассасалар орқали тенг ҳуқуқлилиқ тамойили асосида амалга оширилади.

1993 йил 22 январда Минскда қабул қилинган МДХ Уставининг энг муҳим тамойилларидан бири умумий иқтисодий майдонни, умумевропа ва евроосиё бозорларини шакллантириш ва ривожлантириш, транспорт ва алоқа

тизимларини, шунингдек энергетика тизимларини ривожлантиришда ҳамкорлик қилишдир. Уставда шунингдек асосий мувофиқлаштирувчи ҳужжатлар - мустақил давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилайдиган икки томонлама шартномалар бўлади деб белгиланган.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг МДХга аъзолиги унга бир қатор муҳим вазифаларни миллий иқтисодиёт манфаатларига мувофиқ ҳал этиш имконини беради:

- ишлаб чиқаришни, аҳоли таъминотини қўллаб-қувватлашни таъминловчи қўламда кооператив хўжалик алоқаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- МДХнинг бир қатор товарларининг бозорда, айниқса анъанавий маҳсулотларни сотиш соҳасида етакчи мавқени сақлаш;
- Собиқ иттифокчи республикалар эга бўлган хом ашё ресурсларидан баҳраманд бўлишни таъминлаш;
- Ўзбекистоннинг учинчи мамлакатларга экспорт-импорт товар оқимиغا хизмат кўрсатувчи транспорт коммуникацияларидан кафолатли ва хатарсиз фойдаланиш.

МДХ мамлакатларига нисбатан фаол иқтисодий сиёсат миллий иқтисодиётни соғломлаштириш ва уни жадал ривожлантириш учун шароит яратиш омилларидан бири деб қаралиши керак. Ўзбекистоннинг МДХ давлатлари билан иқтисодий ҳамкорлиги механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари иқтисодиётни эркинлаштириш, уни бозор тамойилларига изчиллик билан ўтказиш, хўжалик тузилмасини қайта қуришдан иборат уммий йўл билан белгиланади. Тўлов-ҳисоб-китоб ва молия-кредит муносабатлари соҳасида Ўзбекистон яқин хорижий давлатлар билан тўлов балансини босқичма-босқич мувозанат ҳолатига келтириш ва молиҳвий нобудгарчиликка йўл қўймаслик мақсадида халқаро тажрибада қабул қилинган қоидаларга ўтказишни тугаллаш йўлида изчиллик билан бормоқда.

МДХда интеграция соҳасида қабул қилинган йўлни ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш алоқалари янги жараёнларининг моддий асоси, кейинчалик эса товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни сифат жиҳатдан янгилашнинг энг муҳим соҳаси бўлиб қолиши керак. Шу сабабли ишлаб чиқариш имкониятларини ривожлантиришда ўзаро муносабатларининг йўналишларини ва шакллари стратегик жиҳатдан тўғри танлаш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

МДХдаги ҳамкорлик интеграциянинг кўп поғонали ва турли тезликдаги моделига асосланади. Бу ҳолат интеграцион бирлашмага кирган мамлакатлар корхоналарининг микродаражадаги реал, иқтисодий асосланган манфаатларидан келиб чиқиб белгиланади.

2003 йили Ялтада имзоланган Ягона иқтисодий маконни шакллантириш тўғрисидаги Битим ва Концепция асосида бир нечта субрегионал тузилмалар яратилдики, Беларуссия ва Россия давлат иттифоқи, Евроосиё бирлашмаси (Россия, Беларуссия, Қозоғистон, Қирғистон, Тожикистон, Ўзбекистон), 2005 йили Евроосиё бирлашмаси билан қўшилган Марказий Осиё иқтисодий бирлашмаси (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғистон, Тожикистон), ГУАМ (Грузия, Украина, Азәрбайжон ва Молдавия), ЕЭП (Россия, Беларуссия, Украина ва Қозоғистон) ташкилотлари шулар жумласидандир. Шундай қилиб МДХнинг энг ривожланган тўрт мамлакати сифат жиҳатдан юқорироқ интеграция даражасига чиқдилар. Бироқ Украина мутахассислари билан миллатлар ташкилотлар тузиш ҳамда ЕЭП иштирокчи давлатларнинг учинчи мамлакатлар билан божхона режимларини унификациялаш масалалари бўйича баъзи келишмовчиликлар мавжуд. Айниқса Россия, Беларуссия ва Қозоғистон эркин савдо зонасини яратиш билан чекланиб қолмай, интеграция жараёнларини чуқурлаштиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларни белгилаб олдилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, МДХ доирасида миллий хўжалик тизимлари корхоналари ва ташкилотлари ҳамда давлатларнинг реал

хамкорликда бевосита манфаатдор бўлганларидагина интеграцион жараёнларнинг ривожланиши мумкин, акс ҳолда қўйилган мақсад ва вазифалар нуқтаи назаридан қанчалик жозибадор бўлмасинлар давлатларaro қарорлар қоғозда қолиб кетиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан 2007 йилнинг 10 июнида Санк-Петербургда МДХ давлатлари раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди, унда МДХни ислоҳ қилиш қилиш зарурати тўғрисидаги давлат раҳбарларининг қарори асосий ўринни эгаллади. Ушбу форумда Россия, Грузия, Украина, Тожикистон, Ўзбекистон президентларининг учрашуви мобайнида ушбу МДХ давлатларининг Россия билан интеграциясининг устуворлиги ҳақида эълон қилинди.

Ҳозирда МДХ мамлакатлари бутун хўжалик механизмини ислоҳ қилиш йўлидадирлар. Барча “миллий” хусусиятлар ва фарқларга қарамай иқтисодий ислохотларда умумий йўналишлар мавжуд: ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулк ва тадбиркорликни иқтисодиётнинг етакчи институтлари сифатида қарор топдириш, хўжалик фаолиятини либераллаш, бозор инфратузилмаси ва иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмларини яратиш ва такомиллаштириш. Бугунги кунда ушбу жараёнлар барча мамлакатларда бир хил тартибда ташкил этилган деб бўлмайди, албатта.

Иқтисодиётни либерализация қилиш Ҳамдўстлик мамлакатларининг барчасида деярли бир вақтда бошланди. Бироқ ушбу жараённинг суратлари ва ҳажмида анча фарқлар бор. Давлат корхоналарини тижоратлаштириш ва хусусийлаштириш, ички ва ташқи савдо баҳоларини эркинлаштириш, марказий иқтисодий ва тармоқ идораларининг роли ва таъсирини чеклаш, уларни расмий қайта ташкил қилиш ёки тугатиш ислохотларнинг асосий йўналиши бўлди. Ислохотларнинг бу йўналишлари иқтисодий ўзгаришларнинг асосий йўналиши, маразлашган режали иқтисоддан бозор иқтисодига ўтишнинг негизи деб эълон қилинди.

Бироқ хўжалик фаолиятини бутунлай давлат тасаруффидан чиқариш Ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳеч бирида содир бўлмади. Давлат маълум даражада иқтисодиётнинг асосий соҳаларида, энг асосийси – мулкни, молиявий ва моддий-техника ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда, ташқи савдо ва инвестиция оқимларини бошқаришда назорат ва таъсир доирасини белгиловчи такрор ишлаб чиқаришнинг бевосита иштирокчисининг функцияларини сақлаб қолди.

Бозор хўжалигининг асосий институтларини яратиш жараёнлари иқтисодиёт субъектларини давлат тасаруффидан чиқариш босқичлари билан тўғри келган ва хўжалик фаолиятининг янги агентларининг эҳтиёжлари билан белгиланди. Шунинг учун биринчи навбатда бозорга йўналитирлган молия-кредит ва биржа институтларини ташкил қилишга асосий аҳамият берилди. Барча МДҲ давлатларида кредит-молия соҳасининг мулкчилик шакллари ва функционал мақсадларига кўра деярли бир хил таркиби ташкил топди – марказий (миллий) эмиссион банк, хўжалик фаолиятининг асосий соҳаларига хизмат кўрсатиш бўйича давлат-акционерлик (ташқи савдо, саноат-қурилиш, агросаноат, жамғарма) банклари ва тижорат банклари – хусусий, улушли, акционерлик, шу жумладан хорижий капитал иштирокида.

Бозор инфратузилмасининг институтлари сифатида биржа тузилмалари ҳам жуда нобарқарор ва нотекис ривожланмоқдалар. Улар йиллик оборотининг тахминан 30% товар-хомашё ресурслари ва валюта билан операцияларга, 25% - кўчмас мулк савдосига ва 15% - фонд операцияларига тўғри келади.

Фонд биржалари МДҲ мамлакатларининг ҳаммасида ҳам хусусий мулк ҳуқуқлари ва қарз мажбуриятлари оборотини ҳамда уларни бозор қиймати бўйича баҳоланишини таъминлайдиган мустақил бозор субъектлари сифатида ажралиб чиққанлари йўқ.

Молия-инвестиция тузилмалари (молия компаниялари, инвестиция фондлари, холдинг корпорациялари) энди ташкил қилинмоқдалар.

МДХга аъзо давлатларда бозор ислохотлари учун энг салбий ҳол шундан иборатки, янги ташкил этилган бозор тузилмаларининг ҳеч қайси бири ишлаб чиқаришни таркибий ва технологик қайта қуришнинг, реал капитални жамғаришнинг воситасига, кризисга қарши бошқарувнинг “таянч нуқтасига” айланмади.

Шунингдек улар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар ярата олмадилар. Умуман олганда МДХга аъзо давлатларнинг ислохотлар тажрибаси бозор тузилмаларини шакллантиришда давлат иштирокининг заруратини яққол намоён қилди.

Кичик ва ўрта тадбиркорликни рағбатлантириш, рақобат муҳитини ҳамда хусусий инвестиция фаолияти самарали механизмини яратиш бўйича ҳам талайгина муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусийлаштириш давомида “самарали мулкдорлар” институти шаклланмади. МДХдан ташқарига маҳаллий капиталнинг чиқиб кетиши давом этмоқда. Миллий валюталарга нобарқарорлик, инфляцияни оширишга сабаб бўладиган хавфли тебранишлар хосдир.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларнинг охиригача ҳал этилмаганлиги ҳамда бозор хўжалигини шакллантириш масалаларининг ҳал этилмаганлиги МДХ доирасида интеграцион жараёнларнинг ривожлантириш ва янада чуқурлаштиришнинг чекловчи омилларига айланмоқда.

Шунинг учун МДХ мамлакатларида замонавий бозор ислохотларини охирига етказиш зарурати бирламчи ва долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Интеграциянинг пировард мақсади Ҳамдўстлик мамлакатларининг жаҳон бозорига киришида миллий корхоналар ва компанияларнинг иқтисодий манфаатдорлигини сақлаган ҳолда барқарор ривожланиши ва

ижтимоий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун уларнинг рақобат афзалликларидан биргаликда фойдаланиш ва уларни ривожлантиришдир.

Ҳамдўстликнинг асосий хусусияти шундан иборатки, МДХ доирасидаги битимлар кўпчилик давлатларга собиқ СССРдан чиқиш натижасидаги йўқотишларни юмшатиш имконини берди. Хусусан, Озарбайжон, Қозоғистон, Россия Федерацияси ва Туркменистон Ҳамдўстлик орқали ва икки ёқлама битимлар асосида энергетик ресурсларни жаҳон нархларидан паст нархларда қарзга тақдим этиб, ва МДХдан ташқарида рақобатбардош бўлмаган маҳсулотга айирбошлаш орқали бошқа мамлакатларни қўллаб қувватлайдилар .

Ҳамдўстлик давлатларига ёрдамнинг бундай шакли кўп ҳолларда ноиложликдан кўрсатилдики, чунки ҳали чегаралар аниқ белгиланмаган, йўлга қўйилган чегара, божхона ва виза назорати, ёқилғи юklarини ташиш учун альтернатив транспорт йўналишлари мавжуд эмас эди. Энергия ҳам ашё ресурсларни ташишнинг қўшимча вариантлари ХХІ асрнинг бошида Озарбайжон, Қозоғистон ва Туркменистонда пайдо бўлди.

Албатта, бу масалаларни ҳамкорликда, жумладан, асосий энергетик ресурслар ишлаб чиқарувчилари ва экспортчиларининг альянсларини яратиш шаклида ҳал этиш самаралироқ бўлар эди. Шунинг учун 2007 йилнинг майида В.В.Путиннинг, 2008 йили ва 2009 йилнинг бошида Россия Президенти Д.Медведевнинг Марказий Осиё давлатлари бўйлаб сафари муҳим аҳамиятга эга. Ушбу сафар чоғида Туркменистон ва Ўзбекистон газини транспорт қилиш, Россия, Қозоғистон ва Туркменистоннинг каспий бўйи лойиҳасидаги иштироки масалалари кўриб чиқилди.

ХХІ аср бошланишидаги бозор ислохотларининг янги босқичи, хўжалик алоқалари асосларининг ўзгариши, микро даражага йўналганлик МДХ доирасидаги аввалги ўзаро муносабатлар тизимини тубдан ўзгартирди. Ҳозирда дала тасаруффида бўлмаган корхоналар хўжалик алоқаларининг

асосий иштирокчиларига, энергия ресурсларни етказиб берувчиларига, иш берувчиларга ва ҳ.к. айландилар. Ҳамдўстлик давлатлари корпорацияларга ўз маҳсулотини паст нархларда, қарзга ёки бартерга сотишга буйруқ бера олмайдилар. Дефицит ресурсларни бошқа МДҲ мамлакатларига паст нархларда сотиш кўпинча солиқдан бош тортиш шакли бўлиб хизмат қилади. Бундай шароитда Ҳамдўстлик давлатлари фақатгина божхона экспорт божларини, экспорт қилинаётган маҳсулотларга ҚҚСни бекор қилиш, кредитлаш ва суғурталашнинг имтиёзли шартлари каби иқтисодий усуллар ёрдамидагина ўз фирмаларини МДҲ доирасида иқтисодий алоқаларни сақлаш ва ривожлантиришдан манфаатдор қилишлари мумкин.

Бундан ташқари Ҳамдўстлик давлатлари интеграцияси масалан, ЕИга нисбатан бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчидан, иқтисодий ривожланиш даражаси анча фарқланадиган мамлакатлар бирлашмоқда. Белоруссия, Қозоғистон, Россия аҳолисининг реал даромадлари Тожикистон ёки Грузияга нисбатан анча юқори. Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, бундай мамлакатлар ЕИ каби бирлашма туза олмайдилар ва одатда Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси каби эркин савдо ва капиталлар ҳаракати ҳудудини яратиш билан чекланишлари мумкин. Ушбу вариант миллатлараро ташкилотларни яратиш билан бирга кейинчалик чуқурроқ интеграция учун етарли бўлган бирламчи асосни яратади.

Иккинчидан, МДҲга савдо ҳажми дунёнинг бошқа давлатларига тўғри келадиган мамлакатлар кирган. Асосий шериклари уларнинг бирлашмаларига кирмаган ривожланган давлатлар бўлган ривожланаётган мамлакатлар интеграцион бирлашмалари жаҳон тажрибасидан маълум (масалан, МЕРКОСУР гуруҳига Аргентина, Бразилия, Уругвай ва Парагвай киради, бу давлатларнинг ўзаро савдо улуши уларнинг АҚШ билан савдолари улушидан бир неча баробарга кам). Бироқ интеграциянинг бу шакли яқин келажакда иқтисодий бирлашма даражасига етиши амри маҳол.

Иқтисодий бирлашманинг асосини божхона ва валюта иттифоқини яратишни талаб қиладиган ягона ички бозорни шакллантириш ташкил қилади. Бу, ўз навбатида, мамлакатлар ўртасидаги товар айланмасини кўпайтиришни тақозо қиладиган, бу интеграцияни ўз-ўзидан ривожланидиган жараёнга айлантириб, божхона ва валюта сиёсатини мувофиқлаштиришга бўлган қизиқишни орттиради.

Учинчидан, ҳозирда МДХга катта хом ашё салоҳиятига эга (Озарбайжон, Россия, Қозоғистон) ҳамда бой ёқилғи –энергетика ресурслари бўлмаган (Белоруссия, Украина, Молдавия) давлатлар бирлашган. МДХдан фарқли ЕИ – бу ривожланган ишлов бериш саноатига, замонавий транспорт ва ахборот инфратузилмасига эга ривожланган мамлакатлар бирлашмасидир (баъзи янги аъзолар бундан истисно).

Ягона иқтисодий макон – МДХга кировчи давлатлар реал интеграциясининг зарур шартидир. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳозирда Ҳамдўстлик ташкил қилинишининг бошланишидаги бирлашма эмас. мақсадлар, вазифалар ва тамойиллар ўзгармаган бўлсада, аъзо давлатларнинг шарт-шароитлари тубдан ўзгарди. Кўп йиллик мустақиллик мобайнида Ҳамдўстлик давлатлари шунга ишонч ҳосил қилдиларки, ҳар бир давлатнинг ўз бозорларини етишмайдиган товарлар, хизматлар, капиталлар билан тўлдиришига, янги иш ўринларини яратилишига бўлган манфаатдорлиги маҳсулотлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг умумий бозорини шакллантириш, кейинчалик эса, иқтисодий фаолиятнинг тенг шарт-шароитларини, бир хил қонунчилик базасини ва унификациялаштирилган миллий хўжалик механизмларини талаб қиладиган, ягона иқтисодий маконни яратиш орқалигина амалга оширилиши мумкин.

Шунинг учун яқин келажакда Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида товарлар ва хизматларнинг эркин ҳаракатланишига имкон берувчи шароитларнигина эмас, МДХга аъзо давлатлар корхоналари маҳсулотларини

жаҳон ҳўжалик тизимиға мувофиқлаштирилган киришини таъминловчи механизмларни ҳам яратиш зарур.

1.2.МДХ давлатлари билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқалари

Давлат мустақиллигига эришиш, БМТга ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириш Ўзбекистонга ўзининг ташқи сиёсатини мустақил равишда ўтказиш, жаҳон ҳамжамиятига киришнинг ўз йўллариини ишлаб чиқиш, давлатлараро муносабатларнинг йўналишлари ва устуворлигини белгилаш имконини берди.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатини амалга ошириш — давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва ғоят муҳим воситасидир⁴.

Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш - давлат фаолиятининг янги ва амалда қўлланилмаган йўналишларидан биридир. Яккаҳокимлик тизими шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан-тўғри ва очик чиқиш имкониятидан маҳрум этилган бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий давлат идораларига, етарлича дипломатларига ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларига эга эмас эди. Сўнгги вақтларгача республикада шундай кадрлар тайёрлайдиган биронта ҳам институт йўқ эди.

Республика, унинг корхоналари тўғридан-тўғри ташқи алоқаларни мустақил равишда ўрнатиш имкониятидан амалда маҳрум қилинган эдилар, ташқи савдо соҳасида Марказ яккаҳокимлигининг қаттиқ тазйиқини доимо сезиб турардилар. Ҳамма валюта ҳисоб-китобларини фақат иттифок идоралари амалга оширар эдилар.

⁴ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий Истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т.1996. "Ўзбекистон".-Б 50

Республика табиий, хом ашё ресурслари ва етиштирган маҳсулоти каёққа кетишини, уни экспорт қилишдан тушган маблағ кимга тегишини билмасди. Айни вақтда хорижий техника ва технологияни, халқ истеъмол молларини етказиб бериш борасида батамом қарам эди.

Ўзининг халқаро обрў-эътиборини қозониш ва мустақамлаш, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзини қарор топтириш учун кўп ишларни қилиш, баъзида эса умуман бошидан бошлашга ҳам тўғри келади. Қуйидаги асосий принциплар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, уни амалга ошириш йўллари билан белгилашга негиз қилиб олинган.

Биринчиси. Ўзининг миллий-давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш. Бизнинг мустақил давлатимиз бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш ниятида эмас. Ўзбекистон яна кимгадир бўйсунтириш учун мустақил бўлгани йўқ.

Иккинчиси. Республика одамлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умумбашарий қадриятларни устун қўйиб, халқаро майдонда тинчлик ва ҳавфсизликни мустақамлаш учун, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун курашади. Ўзбекистон ядросиз минтақа бўлиб қолади, тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кириш нияти йўқ.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, ҳужум қилмаслик ҳақидаги, низоли масалаларни ҳал этишда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш тўғрисидаги Халқаро ҳужжатларни тан олади ва уларга оғишмай риоя қилади.

Учинчиси. Республиканинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилиги ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида қурилади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида, бутун ташқи сиёсатда ҳам бизнинг шиоримиз - тенглар орасида тенг бўлиш, "катта оға"нинг қош-қовоғига қараб иш тутишдан узил-кесил ва абадул-абад ҳалос бўлишдир.

Тўртинчиси. Мафкуравий қарашлардан қатъи назар ташқи сиёсатда очик-ойдинлик принципини рўёбга чиқаришга ва барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилади.

Бешинчиси. Ўзининг миллий-ҳуқуқий тизимини вужудга келтираётган ёш мустақил Ўзбекистон ички миллий қонунларидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олади. Бизнинг мустақил давлатимиз ўз қиёфасини йўқотмай, жаҳон ҳамжамиятига Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий Истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура кирар экан, халқаро талабларга риоя қилишга тайёрдир.

Олтинчиси. Ўзбекистон тўла ишонч принциплари асосида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш учун, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ҳаракат қилади.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда юқорида айтиб ўтилган принципларга қатъий риоя қилади, уларни бойитиб ва кенгайтириб бориб, ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишларини қатъият ва изчиллик билан турмушга татбиқ этади.

Ўзбекистоннинг ғоят хилма-хил давлат, тарихий, иқтисодий, маданий, миллий ва диний анъаналари, манфаатлари дипломатиямизнинг устувор йўналишларини танлаб олишга таъсир ўтказмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил қилувчи мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан биридир⁵. Ўзбекистон Ҳамдўстлик ғоясини қўллаб-қувватлади, унинг ташкилотчилари таркибига кирди, барча қатнашчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш кераклигини қаттиқ туриб ёкламоқда.

МДҲ таркибида ўз мақсадимизга, яъни чинакам мустақилликка тезроқ эришиш мумкин. Бунинг учун Ҳамдўстлик ўзининг номига тўла-тўқис мос

⁵ A.Jalolov.Q.Xonazarov.Mustaqillik izohli ommabop lugʻat.T."Sharq".2000 –Б300.

келиши лозим. МДХ давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг Тошкентдаги учрашуви Ҳамдўстликнинг келажаги борлигини кўрсатди. Мустақил давлатларнинг ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорликка, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этиш йўллари биргаликда излашга, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга интилиши сақланиб қолинган.

Бир қарашда қанчалик ғайритабиий бўлиб кўринмасин, айти тўлақонли давлат мустақиллиги ҳозирги куннинг ғоят мушкул вазифаларини биргаликда, ҳамкорликда ҳал этиш ва Ҳамдўстликни ривожлантиришдан иборат табиий интилишни кучайтириш имконини беради.

Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий Истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура иштирокини қуйидаги ҳолатлар белгилаб беради⁶:

1. Янги мустақил республикалар илгари ягона давлатнинг таркибий қисмлари эди. Улар ҳам ҳудудий, ҳам жаҳон миқёсидаги сиёсий, ҳам ташкилий жиҳатдан бир бутун эдилар. Кўп йиллар мобайнида улар ўртасида таркиб топган муносабатлар ва алоқаларнинг кескин узилиши республикаларнинг ўзидагина эмас, шу билан бирга халқаро майдонда ҳам вазиятни чигаллаштиришга олиб келган бўлур эди.

2. Республика иқтисодиёти ягона транспорт ва энергетика тизимига эга бўлган собиқ умумиттифоқ иқтисодий макони доирасида шаклланди ва ривожланди. У бошқа минтақалар билан хўжалик алоқаларининг чамбарчас тугуни орқали боғланган бўлиб, улар юзасидан ўзаро ҳисоб-китоблар рубль маконида амалга оширилмоқда. Бу муносабатларни жаҳон хўжалик алоқалари билан тегишлича тўлдирмай узиб қўйиш (шундай алоқаларни ўрнатиш учун узоқ вақт талаб этилади) ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиб кетишига, иқтисодий аҳволнинг ёмонлашувига, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин ва ҳозирдаёқ шунга олиб келмоқда.

⁶ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий Истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1996. "Ўзбекистон".-Б 53

3. Барча мустақил республикаларда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам собиқ Иттифоқ кўламида яқин қариндош-уруғчилик алоқаларига эга бўлган кўп миллатли аҳоли яшайди. Ҳамдўстлик доирасида чегараларнинг очиклигини, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга бориши ва ахборот узатиш эркинлигини сақлаб қолиш республикада фуқаролар ҳамда миллатларaro тотувликни таъминлаш шarti, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

4. Ёш мустақил давлатлар ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муносабатларда ҳали етарлича обрў-эътиборга эга эмаслар. Уларнинг халқаро мақомини мустаҳкамлаш учун вақт зарур. МДХга аъзолик хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишни заррача ҳам чекламайди, дипломатия соҳасидаги фаоллигимизга эса салмоқ қўшиши аниқ.

Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасида бошқа мустақил мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилаётганлиги туфайли Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий Истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура қуйидагилар таъминланмоқда:

- Бирлашган Қуролли Кучлар орқали миллий мудофаани мувофиқлаштириш, миллий ҳудуд яхлитлигини ва давлат чегарасини ҳимоя қилиш;
- Ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг фан-техника тараққиёти ютуқларидан, янгиликларидан, технологиялари, телекоммуникациялар, космик алоқа воситаларидан баҳраманд бўлиш, зарур хом ашё ва тайёр маҳсулотни, шу жумладан халқ истеъмол молларини жаҳон нархларидан паст нархларда сотиб олиш, шунингдек, ўз маҳсулотини сотиш учун кенг кўламдаги бозорнинг мавжудлиги;
- транспорт тармоғидан фойдаланиш, денгиз портларига чиқиш, хорижий мамлакатларга молларни транзит йўли билан етказиб беришда имкониятнинг кенглиги;
- кескин экология муаммоларини ҳал этиш чора-тадбирларини биргаликда амалга ошириш, табиий офатлар ва фалокатларнинг оқибатларини тугатишда ўзаро ёрдам бериш.

Ўзбекистон Ҳамдўстликдаги шериклар билан ўз муносабатларини кўп томонлама давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар доирасида ҳам, шунингдек тўғридан-тўғри икки томонлама мулоқотлар, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ўрнатиш асосида ҳам йўлга қўйиш ниятидадир.

Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан ўзаро муносабатларидаги энг муҳим масала - суверен Россия билан тенг ҳуқуқли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда унинг потенциалига таянишдир. Ўзимизнинг ички ва ташқи сиёсатимизни белгилар эканмиз, шуни ҳисобга олмаслик мумкин эмаски, 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ўзбекистон билан Россия собиқ Иттифоқ таркибида бўлиб, ҳаётнинг барча соҳаларида, иқтисодиёт ва маданият соҳасида бир-бири билан чамбарчас боғланган бу алоқаларнинг илдизлари яна ҳам олисроқ ўтмишга бориб тақалади⁷. Россиянинг Ўзбекистон ҳаётига, унинг тақдири ва келажагига реал таъсирини эътиборга олган ҳолда ҳамкорлигимизнинг аҳамияти етарли даражада катта эканлигини ҳолисона эътироф этиш керак.

Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий Истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура

Оёққа мустаҳкам туриб олиш, иқтисодиётга жўшқин тус бериш, халқимиз ва ўлкамиздаги мавжуд имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш учун ижтимоий-сиёсий барқарорлик, чегараларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарур. Республика ичкарасида куч-қудратимиз ишончли ва мустаҳкам бўлиши керак. Хонадонимизни авайлаб-асраш, мавжуд чегараларни сақлаб қолиш учун қудратли потенциалга эга бўлган Россия томонидан мадад ҳам зарур.

Иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, тангликдан чиқиш йўлларини белгилашда ҳам ўзаро таъсир ғоят катта. Ўзбекистоннинг иқтисодиётини соғломлаштириш учун Россиядан республикага ҳаётий муҳим ресурслар -

⁷ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий Истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1996. "Ўзбекистон". -Б 54

металл, нефть, ёғоч ва тахта, транспорт воситалари, технология ускуналари ва бошқа моллар узлуксиз етказиб берилиши алоҳида аҳамиятга эга. Айни вақтда Ўзбекистон Россияга пахта толаси, кунжара, хом ипак, мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларни етказиб бераётган асосий республикадир.

Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги Россия билан дўстликни сақлаб қолишни истаётганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Собиқ марказ билан эмас, балки айни Россия билан дўстликни сақлаб қолишни хоҳлашмоқда. Аслини олганда, Россия ҳам собиқ Иттифоқдаги бошқа республикалар каби мустақил эмас эди. У эндигина мустақил бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг тузилганлиги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришда қудратли омил бўлиб хизмат қилади, ҳар иккала мустақил давлат халқларининг туб манфаатларига мос келади.

Мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон билан дўстона, қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш, улар билан қалин ижтимоий-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва янада ривожлантириш илмий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ғоят муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Ҳамкорликка интилиш шу минтақа мамлакатларига тарихан хосдир. Буни умумий чегараларгина эмас, балки аввало миллий маданиятларнинг, тил, урф-одатлар ва анъаналарнинг яқинлиги белгилаб берган.

1991 йил 8 декабрда Минскда уч славян республикаси-Россия, Украина, Белорус раҳбарлари- Б.Ельцин, Л.Кравчук, С.Шушкевичларнинг учрашуви бўлди. Ўша куни Беловежское Пушчеда уч давлат бошлиқлари мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)ни тузиш тўғрисида шартнома имзоладилар. Шартномада ягона иқтисодий макон, ягона валюта ва молия-банк системаси бўлади, фан, таълим. Маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинади. Ташқи сиёсат ва армия соҳасидаги сиёсат келишилган

холда юритилади, деб белгиланган эди. Хужжатда СССР нинг мавжудлиги ва СССР Конституцияси тўхтатилади, деб эълон қилинади.

Украина, Белоруссия, Россия парламентлари МДХ ҳақидаги шартномани ратификация қилдилар ва 1922 йил 30 декабрдаги СССР ни тузиш тўғрисидаги шартномани бекор деб ҳисобладилар. Республикаларнинг СССР Олий Советидаги депутатлари чақириб олинди.

СССР Президенти бўлмиш М.С.Горбачевнинг Иттифокни янги шаклда сақлаб қолиш йўлидаги уринишлар барбод бўлди. Мамлакатда уни қувватловчи бирорта сиёсий куч топилмади.

Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон Президентлари 1991 йил 13 декабрда Ашгабадда учрашадилар ва Минскда имзоланган МДХ ҳақидаги шартнома муносабати билан вужудга келган аҳволни муҳокама қиладилар. Учрашувда Баёнот қабул қилинди-ю Баёнотда мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳукукий асосда, собиқ СССРдаги барча республикалар томонидан ихтиёрий ва тенг асосларда тузилиши лозим, уларнинг барчаси МДХни тузувчилар бўлиб қолиши керак деб, таъкидланди. Баёнотда МДХ этник принцип асосида ёки инсонлар ҳуқуқини бузиш асосида қурилмаслиги керак, дейилган эди. Беш давлат бошлиқлари МДХга уни таъсис этувчилар ролида киришга тайёр эканлигини билдирдилар.

1991 йил 21 декабр Россия (Б.Елцин), Украина (Л.Кравчук), Белорус (С.Шушкевич), Қозоғистон (Н.Назарбоев), Ўзбекистон (И.Каримов), Қирғизистон (А.Акаев), Тожикистон (Р.Набиев), Туркменистон (С.Ниязов), Озарбайжон (А.Муталибов), Арманистон (Тер-Петросян), Молдавия (М.Снегур) давлат бошлиқларининг кенгаши бўлиб ўтди. Ўша куни 11 давлат бошлиқларининг Беловежское Пушче шартномаси юзасидан протоколни имзолаб, “Тенг ҳуқуқли ва ахдлашаётган олий томонлар” мақомида МДХ муассиси бўлдилар⁸. Кенгашда Олмаота Декларацияси қабул қилинди. Декларацияда қуйидагилар ҳақида баёнот берилди:

⁸ Q.Usmonov. O'zbekiston tarixi. T. "O'qituvchi"2003.-B 355.

- ҳамдўстлик қатнашчиларнинг узаро алоқалари улар ўртасидаги тенглик асосида тузиладиган битимлар ҳамда битимларда белгиланган тартиблар доирасида фаолият юритадиган мувофиқлаштирувчи муассасалар орқали амалга оширилади:

МДХ давлат ҳам эмас. Давлатлар устидаги тузилган ҳам эмас.

- халқаро стратегик барқарорликни ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳарбий стратегик кучларнинг бирлашган қўмондонлиги ва ядро қуроли устидан ягона назорат сақлаб қолинади?
- МДХ очикдир. Унинг барча аъзолари розилиги билан собиқ СССР нинг аъзолари ва бошқа давлатлар ҳам унга қўшилиши мумкин:
- Умумий иқтисодий маконни, умумевропа ва Европа-Осиё бозорларини вужудга келтиришда ва ривожлантиришда ҳамкорлик қилишга содиқлик тасдиқланади.
- МДХнинг тузилиши билан СССРнинг мавжудлиги тўхтатади:
- Ҳамдўстлик қатнашчилари ўз Конституцияларидаги тартиб қоидаларга биноан собиқ СССР нинг шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларнинг бажарилишига кафолат берадилар.
- МДХ қатнашчилари мазкур Декларация қоидаларига оғишмай риоя этиш мажбуриятини оладилар.

МДХ давлатлари бошлиқлари Олмаота кенгашида қуролли кучларнинг ислоҳ қилинишигача қуролли кучларга қўмондонлик қилишни маршал Е.И.Шапошниковга топшириш ҳақида протокол туздилар.

МДХ давлатлари бошлиқларининг Олмаота кенгаши махсус қарор қабул қилиб ҳамдўстлик аъзолари бўлган давлатларнинг БМТ Низоми бўйича мажбуриятларни бажариш ниятида эканлигини ва БМТга аъзо бўлиш истакларини билдирдилар.

Шундай қилиб, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил топди. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи деб аталмиш империя тугади. СССР қон тўқилмасдан, тинч йўл билан емирилди, унинг юзлаб вазирликлари ва идора органлари тарқатиб юборилди. СССР тарихига охирги нуқта қўйилди.

МДХ олдида катта муаммолар турарди. Бу муаммоларни ечиш учун Ҳамдўстлик мамлакатлари давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқлари тез-тез учрашиб, муҳим ҳужжатлар ва тадбирлар ишлаб чиқдилар.

1991 йил 30 декабрда Минскда МДХ давлатлари бошлиқларининг Кенгаши бўлди. Кенгашда МДХ мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган муҳим масалалар кўриб чиқилди. Имзоланган ҳужжатлар орасида “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлар бошлиқлари кенгаши ва ҳукуматлар бошлиқлари кенгаши тўғрисида муваққат битим” алоҳида ўрин тутди⁹.

Битимда давлатлар бошлиқларининг кенгаши олий орган бўлиб, унда Ҳамдўстликда қатнашувчи барча давлатларнинг вакиллари умумий манфаатлар соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун давлат бошлиқлари даражасида қатнашдилар, деб таъкидланди. Унда давлатлар бошлиқлари Кенгаши билан ҳукуматлар бошлиқлари кенгашининг фаолияти ҳамдўстлик аъзоларининг давлат суверенитетини ва суверен тенглигини, ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат дахлсиз ҳуқуқини, ички ишларга аралашмаслик, куч ишлатмаслик ва дўқ қилмаслик, низоларни тинч бартараф этиш. Оз сонли миллатларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида амалга оширилади, деб белгилаб қўйилди. Битимда: “Кенгашда ҳар бир давлат бир овозга эга бўлади. Кенгашнинг қарорлари ҳамманинг розилиги-яқдиллик билан қабул этилади”,-деб таъкидлаб қўйилган.¹⁰ Давлатлар бошлиқларининг кенгаш йилида амида икки марта, ҳукуматлар бошлиқларининг Кенгаши уч ойда камида бир марта мажлисга йиғилади. Ҳамдўстликдаги давлатларнинг давлат тиллари кенгашларнинг расмий тилларидир, иш тили рус тилидир, деб белгилаб қўйилди.

Минск кенгашида муҳокама қилинган бошқа масалалар бўйича қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

⁹ Кичкилов Ҳ. МДХ тарихи: ютуқлар, муаммолар ва зиддиятлар. (1989-2009). “Янги нашр” Т.2010.-Б75

¹⁰ Ўша асар.- Б 70.

- куролли кучлар ва чегара қўшинлари тўғрисида битим:
- космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш соҳасида биргаликдаги фаолият ҳақида битим:
- собиқ СССР нинг чет эллардаги мол-мулки тўғрисида битим:
- МДХ кенгашларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳини тузиш тўғрисидаги протокол.

1992 йил 9 февралда Москвада МДХ давлат бошлиқларининг навбатдаги кенгаши бўлиб. Унда қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

- экология ва теварак атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўзаро алоқалар ҳақида битим:
- бир-бирларининг ҳудудларидан юкларни бемалол ўтказиш ҳақида битим (унда юклар божхона солиғи. Бож ҳужжатларини расмийлаштирганлик учун солиқлар ва йиғимлар солмасликка келишилди, аммо битимни Украина имзоламади).
- Гидрометеорология соҳасидаги ўзаро алоқалар ҳақида битим:
- Темир йўл транспорти йўловчилар ва юк ташишнинг янги ягона тарифлари ҳақида ахднома.

1992 йил 20 мартда Киевда МДХ давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлди. Унда СССР нинг мулки ҳақида. Давлат архиви, қарзлари, СССР Давлат банки ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Киев учрашувида давлатларнинг чегараларини ва Ҳамдўтликнинг денгиз иқтисодий зоналарини қўриқлаш ҳақида битим имзоланди¹¹.

1992 йил 15 майда Тошкентда МДХ мамлакатлари раҳбарларининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди. Унда бир қатор масалалар-Ҳамдўстлик доирасида молиявий аҳвол ва бу соҳадаги ҳамкорлик, ҳаво бўшлиғидан фойдаланиш, космик дастурларни бажариш, ягона бюджетни шакллантириш ва чегара қўшинларини пул билан таъминлаш тартиби, коллектив хавфсизлик, ягона ахборот макони ва бошқа даромадлари, қарзлари ва мол-мулклари тўғрисидаги ахборотлар тингланди.

¹¹ Q.Usmonov, N.Jo'rayev. O'zbekiston tarixi. T. "Sharq" . 1999,2011 .

Тошкент кенгашида 13 та муҳим муаммо юзасидан битимга эришилди. Имзоланган ҳужжатлар орасида “Коллектив хавфсизлик, тинчликни сақлаш, коллектив кучларнинг мақоми ҳақида битим” алоҳида аҳамиятга эга бўлиб. Ҳамдўстлик давлатлари хавфсизлигини кафолатлайди.

Тошкент кенгашида яна бир қатор ҳужжатлар имзоланди. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- молиявий аҳвол ва бу соҳадаги ҳамкорлик ҳақида битим:
- ҳаво бўшлиғидан фойдаланиш ҳақида битим:
- космик дастурларни бажаришга пул ажратиш тўғрисидаги битим:
- чегара қўшинларини пул билан таъминлаш тўғрисидаги битим:
- куролли кучларни қисқартириш тўғрисидаги битим:

1993 йил январда Минскда МДХ давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлди. Унда МДХнинг Низоми имзоланди ва МДХ ни ҳуқуқий расмийлаштириш жараёни якунланди. Кенгашда давлатлараро банк ва иқтисодий ҳамкорлик маслаҳат кенгашини тузиш, Афғонистон билан Тожикистон ўратасидаги чегарани мустаҳкамлаш учун МДХ нинг тинчлик ўрнатувчи ҳарбий бўлинмаларини юбориш масалалари муҳокама қилинди ва тегишли ҳужжатлар қабул қилинди. МДХ нинг зарурлиги, уни мустаҳкамлаш кераклиги ҳамма Президентлар томонидан таъкидланди. Минскда имзоланган ҳужжатлар иқтисодий аҳволни барқарорлаштиришга, тинчликни мустаҳкамлашга, танглик жараёнларини бартараф қилишга қаратилган.

1993 йил 14 майда Москвада МДХ давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлди. Учрашувда МДХнинг мувофиқлаштириш-маслаҳат қўмитасини ҳамда ижроия котибиятини тузишга қарор қилинди. Тожикистонга ёрдам беришга келишилди.

1993 йил 24 сентябрда Москва шаҳрида МДХ давлатлари бошлиқларининг Кенгаши бўлиб ўтди. Унда муҳим масала- МДХ доирасида Иқтисодий иттифоқ барпо этиш масаласи муҳокама этилди ва Иқтисодий иттифоқни тузиш ҳақидаги шартнома имзоланди. Бу шартнома Ҳамдўстлик фаолиятининг муҳим натижаларидан бири бўлди. Кенгашда 18 та масала

кўрилди: МДХ аъзолари бўлган давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгаши тўғрисидаги Низом, МДХ бирлашган курулти кучлари бош кўмондонлигини кайта тузиш. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлар ҳақидаги баёнотомаси, Тожикистонга доир масалалар. Тожикистонда тузиладиган Бирлашган мудофаа кучлари тўғрисидаги Низом, давлатлараро Евроосиё кўмир ва металл бирлашмасини тузиш ва бошқалар. МДХ давлатлари ўртасида ягона валюта-рубль зонасини сақлаб қолиш ҳақидаги ахднома барбод бўлди. Ҳар бир давлат ўзининг миллий валютасини жорий этди.

1993 йил 24 декабрда Ашгабатда МДХ давлатлари бошлиқларининг Кенгаши бўлди. Унда Грузия раҳбари Эдуард Шеварнадзе қатнашди ва Грузия МДХга аъзо этиб қабул қилинди¹². 1993 йил 24 сентябрда имзоланган Иқтисодий иттифоқ шартномасининг парламентларда тасдиқланишини кутиб ўтирмай, уни кучга киритиш ҳақида Битим имзоланди.

МДХ давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида Ашгабат Декларацияси қабул қилинди. Ашгабадда жами 21 та ҳужжат имзоланди.

1994 йил апрелда Москвада Ҳамдўстлик давлат бошлиқларининг навбатдаги кенгаши бўлди. Унда коллектив тинчликни сақлаш кучларнинг Тожикистонда бўлиш муддати. Таркиби ва вазифалари ҳақида битим имзоланди ва коллектив тинчликни сақлаш кучларнинг кўмондони ҳақида битим имзоланди. Аҳолининг кўчиши ва кўчиб келганларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш, фашизмга қарши уруш иштирокчилари ва ногиронлари, бошқа давлатлар ҳудудидаги уруш ҳаракати қатнашчилари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари учун ўзаро имтиёзлар ва кафолатлар тўғрисида битим имзоланди.

1994 йил 21 октябрда Москвада МДХ давлат бошлиқларининг Кенгаши бўлиб ўтди. Унда 10 га яқин масалалар муҳокама қилинди. Асосий эътибор МДХ мамлакатларининг иқтисодий интеграциясига доир масалага

¹² Кичкилов Ҳ. МДХ тарихи: ютуқлар, муаммолар ва зиддиятлар. (1989-2009). “Янги нашр” Т.2010.-Б 150

каратилди. МДХ давлатлари ўртасида интеграцияни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида меморандум имзоланди. Унда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳақида меморандум имзоланди. Унда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, интеграциявий тараққиётнинг истиқбол режалари белгилаб берилди. Мазкур кенгашда иқтисодий иттифокнинг Давлатлараро иқтисодий қўмита (ДИК) тузилди. ДИК нинг мақсади - иқтисодий иттифок фаолиятини шакллантириш ва самарадорлигини таъминлаш, МДХ аъзолари ўртасида иқтисодий алоқаларни тартибга солиш, интеграция жараёнларини самарали ривожлантириш таъминлашдан иборат деб белгиланди. ДИК нинг вазифаси иқтисодиётни, ислохотларнинг боришини таҳлил этиш. Хужалик қонунларини бир-бирига яқинлаштиришни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантиришни прогнозлаштириш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларни ривожлантириш бўйича қўшма дастурлар ишлаб чиқиш. Транснационал характердаги тармоқлар, бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш каби умумий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдан иборат. ДИК нинг штаб квартираси Москва шаҳри деб белгиланди. ДИК га тартибга солиш билан бирга назорат қилиш функцияси ҳам берилди. ДИК иқтисодий иттифокни шакллантириш учун қуйидаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва имзоланишини таъминлаш зарур деб белгиланди: ўзаро тулов иттифоқи, эркин савдо ҳудудлари барпо этиш, бож иттифоқи, товарлар, хизматлар. Сармоя ва ишчи кучи умумий бозорини вужудга келтириш, валюта иттифоқи ва бошқалар. Кенгашда МДХ аъзолари ўртасида ўзаро тўлов иттифоқи тузиш ҳақида битим имзоланди.

1995 йил 10 февралда Алматида МДХ мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашуви бўлиб ўтди, унда МДХ аъзолари бўлган мамлакатлар чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш концепцияси муҳокама қилинди.

МДХ давлатлари ҳукумат бошлиқларининг Кенгаши ҳам бўлди, унда 15 та маса муҳокама қилинди. Улар орасида Иқтисодий иттифок аъзолари

бўлган давлатларнинг хўжалик муносабатларини-ўзаро ҳуқуқий тартибга солиш концепсиясининг лойиҳаси, давлатлараро транспорт катновида қатъий баҳо белгилаш сиёсатини такомиллаштириш ва бу соҳадаги ўзаро ҳисоб-китоб ва бошқалар бор эди. Алмати учрашувида 13 та битим имзоланди. Россия Федерацияси Бош вазир ўринбосари А.Большаков давлатлараро иқтисодий қўмита коллегиясининг раиси этиб тасдиқланди.

1995 йил 26 май куни Минскда МДХ давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Ўзаро туловларни тартибга солишга хизмат қиладиган давлатлараро валюта қўмитаси тузиш, коллектив ҳавфсизлик, МДХ чегараларини қўриқлаш, коллектив тинчликни сақлаш кучларнинг Тожикистон ва Абхазия каби кескин уноқларда туриш муддатини узайтириш, ихтилофларни бартараф этиш, Парламентлараро ассамблеяси, инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари, Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар фуқароларини Жуков медали билан мукофатлаш, иқтисодий суд фаолияти ва уни такомиллаштириш каби қўплаб масалалар муҳокама қилинди ва тегишли ҳужжатлар имзоланди.

МДХ умумий чегаралари ва уларни биргалашиб қўриқлаш тўғрисида томонларнинг фикри турлича бўлди. Мустақил давлатлар чегараларини Ҳамдўстликнинг умумий чегаралари деб тан олиш ва қўриқлаш тўғрисидаги шартномани 7 давлат имзолади¹³. Ўзбекистон томони имзоламади. Чунки МДХ нинг умумий чегараси бор ва ҳар бир давлат уни ўзи қўриқлаш керак, деб таъкидлади.

1996 йил 19 январ куни Москвада МДХ давлат бошлиқларининг Кенгаши бўлди¹⁴. Унда ўндан зиёд масалалар муҳокама қилинди. Божхона ва тулов иттифоқини шакллантириш. Ҳамдўстликка аъзо бўлган мамлакатлар маданият арбобларининг конгрессини ўтказиш. Ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам қўрилди ва тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

¹³ Кичкилов Ҳ. МДХ тарихи: ютуқлар, муаммолар ва зиддиятлар. (1989-2009). “Янги нашр” Т.2010.-Б 150

¹⁴ Кичкилов Ҳ., Файзуллаева М.Энг янги тарих (1945-2010 йй). Янги нашр. Т. 2011. –Б380

МДХ нинг давлат бошлиқларининг 1996 йил 17 май ва 1997 йил 28 март кунлари Москвада, 1997 йил 23 октябрда Кишиневда Кенгашлари бўлиб ўтди.

1998 йил 29 апрелда Москвада МДХ га аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда МДХ доирасида имзоланган ҳужжатларнинг самарадорлигини ошириш. Ҳамдўстлик фаолиятини яхшилаш, ҳафвсизлик ва барқарорлик, иқтисодий интеграция масалалар муҳокама қилинди. Кенгашда Б.Ельцин МДХ давлат бошлиқларининг 2000 йилгача раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Уткир Султонов МДХ мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари кенгашининг раиси, Борис Березовский МДХ ижроия кенгашининг раиси этиб тайинланди.

МДХ ташкил этилгандан бери ўтган давр ҳаммаси бўлиб иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий, ташкилий ва умумий соҳаларга оид 1300 га яқин масалалар муокама этилиб, тегишли ҳужжатлар имзоланди. Ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодий ва маданий алоқалари катта машақатлар ва секинлик билан мустаҳкамланиб бормоқда. Қабул қилинган ҳужжатларнинг аксарияти қоғозда қолиб кетди. Бунга сабаб томонларнинг муаммоларни ечишни истамаётганидан эмас. Аксинча узаро ҳамкорлик тенг ҳуқуқли асосда, ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда юритилишига интилаётганлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси МДХ доирасида сунъий равишда жорий этиладиган интеграцияга ҳамда давлатлардан юқори турувчи тузулмаларни-парламент, кўплаб амалдорлар ишлайдиган маъмурий идоралар, ҳарбий-сиёсий органларни ташкил этишга қарши. Ўзбекистон мустақиллик ва интеграцияни уйғунлаштириш тарафдори, МДХ ни ҳақиқий мустақил, суверен давлатлар интеграцияси сифатида кўришни хоҳлайди. Кейинги йилларда МДХ айрим аъзоларини Туртлар шартномаси (Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Беларус), Иккилар иттифоқи (Россия ва Беларус) тарзида қайта гуруҳланиши ҳам содир бўлди. Бу МДХ ни янада заифлаштиришга олиб бориши табиий.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатда Ҳамдўстлик мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш алоҳида ўрин тутди. Икки томонлама ҳамкорлик дейилганда икки давлат ўртасидаги яъни Ўзбекистоннинг бошқа бир мамлакат билан давлатлараро алоқаларни йўлга қўйиш ва чуқурлаштириш жараёни тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Россия Федерацияси билан давлатлараро тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. 191 йил 26 октябрда Ўзбекистон Президенти И.Каримов расмий давлат сафари билан Москвага борди. Учрашувда И.Каримов ва Б.Ельцин икки давлат ўртасида мухтор ваколатхоналар очиш, бир-бирларининг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, ташқи сиёсатда ва иқтисодий масалаларда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар. Шу сафар чоғида 1992 йил учун савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари бўйича битим имзоланди.

1992 йил 30 майда И.Каримов бошлиқ Ўзбекистон делегациясининг Россияга давлат ташрифи пайтида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Шартнома икки давлат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга ҳуқуқий асос солди. Икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди, элчихоналар очилди.

1992 йил май ойида Б.Ельциннинг Ўзбекистонга ташрифи пайтида икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш чораларини кўришга аҳдлашилди. 1993 йил 19 мартда Ўзбекистон ва Россия ўртасида маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди. Икки давлат ўртасидаги алоқаларни такомиллаштириш ва ривожлантиришда И.Каримовнинг 1994 йил март ойида Россия Федерациясига қилган расмий давлат ташрифи муҳим ўринни эгаллади. И.Каримов билан Б.Ельцин ўртасидаги музокаралар якунида 1994 йил 2 мартда Ўзбекистон

Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида, Декларация имзоланди. Шунингдек икки давлат Президентлари Ўзбекистон билан Россия ўртасида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида, ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоладилар.

Россия Федерацияси ҳукумати раиси В.С.Черномирдин 1995 йил 26-28 июл кунлари расмий сафар билан Ўзбекистонда бўлди. Сафар чоғида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

- Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш ва кенгайтириш тўғрисида меморандум:
- 1996-1997 йилларда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўналишлари тўғрисида ҳукуматлараро битим:
- “Ильюшин” транснационал молия-саноат қўшма гуруҳини барпо этиш ҳақида битим:
- Россия рубли ва Ўзбекистон сўмининг ўзаро алмаштрилиши ва уларнинг қийматларини барқарорлаштиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида ҳукуматлараро битим:
- Олий таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш, илмий-техник ҳамкорлик, “супа” халқаро радиоастрономик обсерваториясини ташкил этиш. Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар:
- Иккала мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, коммуникация, фан-техника, маданий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Украина 1992-1997 йилларда нефтни қайта ишлаш, коммуникация, фан-техника, саноат, савдо ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик бўйича 70 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланди. Ўзаро савдо ҳажми 1992 йилдаги 20 миллион АҚШ долларида 1997 йилда 350 миллион АҚШ долларига етди.

Икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ахборот алмашиш соҳасида ҳамкорлик қилинмоқда. 20 та ўзаро қўшма корхоналар ишламоқда.

Белорус Республикаси Олий Кенгашининг раиси С.Шушкевичнинг 1991 йил 6 ноябрда Ўзбекистонга расмий давлат ташрифи билан Ўзбекистон билан Беларус ўртасида давлатлараро алоқаларга асос солди. Ташриф пайтида Тошкентда И.Каримов ва С.Шушкевич Ўзбекистон Республикаси билан Беларус Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида шартнома имзоладилар. Шунингдек икки давлат ҳукуматлари ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисида битим имзоланди.

1994 йил 21-22 декабр кунлари Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг расмий ташриф билан Тошкентда бўлиши Ўзбекистон ва Белоруссия ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштиришда янги босқич бўлди. Ташриф пайтида давлатлараро, ҳукуматлараро ҳамда икки давлат муассасалари ўртасида 18 та ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон билан Беларус ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик қилиш янада мустаҳкамлаш ҳақидаги Декларацияни, маданият ва саънат соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномани И.Каримов ва А.Лукашенко имзолади. Ҳукумат ўртасида даромад ва мулклардан икки томонлама ўзаро солиқ олмаслик, автомобиль, темир йўл, ҳаво йўли ва почта алоқаси бўйича ҳамкорлик ҳақидаги битимлар имзоланди. Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув ҳақида протокол ҳамда тармоқлараро ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистоннинг Молдова, Грузия ва Озарбайжон республикалари билан ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бормоқда. Шунингдек ўз мустақиллигини қўлга киритган бошқа республикалар билан ҳам икки томонлама давлат алоқалари йўлга қўйилмоқда.

1995 йил 30-31 март кунлари Ўзбекистон Президенти И.Каримов Молдова Республикаси расмий сафарда бўлди. И.Каримов ва Молдова Президенти Сирча Снегур ўртасидаги музокоралар нихоясида Ўзбекистон Республикаси ва Молдова Республикалари ўртасида дўстона ҳамкорлик тўғрисида

шартнома имзоланди. Ҳукуматлар ўртасида эркин савдо муносабатларини ривожлантириш, фан-техника, маданият ва саноат, почта хизмати, алоқа банк соҳаларида ҳамкорлик, самолётлар қатновини йўлга қўйиш, икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисидаги ундан зиёд битимлар имзоланди. Бу ҳужжатлар издан чиққан алоқаларни тикланиши учун ҳуқуқий замин яратди.

Ўзбекистон учун шакар, дори-дармонлар, қишлоқ хўжалик техникаси, электро-техника, асбоб-ускуналари, суғоришда фойдаланиладиган насослар керак. Молдова саноати учун эса Ўзбекистоннинг пахтаси, кимёвий толаси, қаттиқ металлари керак. Бу зарурият икки мамлакат ҳамкорлигининг заминидир.

1995 йил 5 сентябрда Грузия давлат раҳбари, республика парламенти раиси Эдуард Шеварнадзе расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Бу ташриф Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги қадимий алоқаларни тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Икки томонлама муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди ва музокаралар ния\оясида И.Каримов ва Э.Шеварнадзе томонидан Ўзбекистон ва Грузия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Икки мамлакат ўртасида 20 дан зиёд ҳукуматлараро ва муассасалараро ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков ва Грузия ҳукуматлари ўртасида сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, фан-техника, банк, қишлоқ хўжалиги, божхона, халқаро транспорт алоқалари, эркин савдо ва ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик тўғрисида 10 дан зиёд битимларни имзоладилар.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазيري А.Комилов ва Грузия ташқи ишлар вазيري А.Чикваидзе ҳар икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол, маориф, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, атроф-муҳитни муҳофаза соҳаларидаги ҳамкорликка оид ҳужжатларни имзоладилар. Ўзбекистон солиқ қўмитаси билан Грузия қўшма ахборотида икки томонлама алоқаларни чуқурлаштиришга, Марказий Осиё

ва Кавказorti минтақалари хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

1996 йил 12 май куни Ашгабадда Ўзбекистон, Грузия, Туркменистон ва Озарбайжон Президентларининг учрашуви бўлди. Учрашувда тўртта республика ўртасида темир йўл транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида ҳамда транзит юк ташишни тартибга солиш соҳасида ҳамкорлик бўйича битим имзоланди. Мазкур битимни рўёбга чақиришда Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 1996 йил май ойида Грузия ва Озарбайжон Республикаларига расмий давлат ташрифи муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ислом Каримовнинг Грузияга сафари чоғида Э.А.Шеварнадзе билан халқаро Транс-Кавказ йўли, унинг Грузиядан ўтадиган қисмини барпо этиш, Грузиянинг Поти бандаргоҳи имкониятларидан Ўзбекистон юкларни ташишда фойдаланиш масалалари бўйича ахдлашиб олинди. И.Каримов ва Э.Шеварнадзе Ўзбекистон ва Грузия ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисида Декларацияни имзоладилар. Шунингдек Ўзбекистон билан Грузия ўртасида молия-саноат гуруҳини тузиш, ҳуқуқ-тартибот, почта алоқаси, савдо, солиқ. Божхона тизими каби 15 га яқин ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида давлатлараро алоқалари йўлга қўйилди ва ривожланиб бормоқда. 1996 йил 27 май куни И.Каримов бошлиқ Ўзбекистон давлат делегацияси Озарбайжонда бўлди. Икки давлат Президентлари Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида артнома имзоладилар. Сафар чоғида Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида савдо-иқтисодий, солиқ, божхона, ҳаво йўли, автомобиль ва темир йўли алоқалари, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш бўйича 20 га яқин ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1995 йил 6-8 июн кунлари давлат ташрифи билан Латвия Республикаси бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур ташриф чоғида И.Каримов Латвия

Республикаси Президенти гунтис Улманис билан Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Ўзбекистон ва Латвия ҳукумати ўртасида транспорт, ҳаво алоқаси, сайёҳлик ҳамда илмий-техника соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Латвия Президенти Гунтис Улманиснинг 1996 йил 23 майда Ўзбекистонга қилган давлат сафари икки мамлакат ўртасида алоқаларни янада чуқурлаштирди. Икки Президент Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш тўғрисида Декларация имзоладилар. Ҳукуматлараро фуқаролик, меҳнат, ҳуқуқ-тартибот, халқаро автомобиль қатнови, темир йўл транспорти, маданият, божхона ишида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Латвиядан электр машиналари, ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шакар ва қадолатчилик маҳсулотлари, эфир мойи, қора металл сотиб олади. Латвияга эса рангли металллар, ипак пахта ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Тошкентда “Дзинтарс” Латвия акционерлик жамиятининг Ўзбекистон-Латвия қўшма корхона қурилди. “Дзинтарс” фирма дўкони қурилиб, “Волида”, “Саодат”, “Истиқбол” сингари атирлар ишлаб чиқармоқда. Ўзбекистон ва Латвия ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро маслаҳатлашув тўғрисида Протокол имзоланди. 1994 йил ўзаро товар айрибошлаш 12,8 миллион сумни ташкил этди.

И.Каримов 1995 йил июн ойида Литвага ташрифи чоғида Президент А.Бразаускас Ўзбекистон Республикаси билан Литва Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма Декларацияни имзолади. Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати билан Литва ҳукумати ўртасида таълим, фан ва техника, сайёҳлик, маданият ва санъат, савдо-иқтисодий, ҳаво транспорти соҳаларида ҳамда божхона қонуни бузиш ҳолларига қарши кураш борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Литвадан электр ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, сут ва сут маҳсулотлари, мебель саноати маҳсулотларини сотиб олиб Литвага пахта, нефть, рангли металллар экспорт қилади. 1994 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 248,6 миллион сўмдан иборат бўлди.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки билан Литванинг Литимпекс банки ўртасида корреспондентлик муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистон Литванинг транспорт-хўжалик коммуникациясига. Денгиз йўлига, Клайпед бандаргоҳига, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига қизиқиш билдирди.

Ўзбекистон Президенти Минскдаги МДХ давлатлари раҳбарларининг саммитида нутқ сўзлади ва Украина муаммосига алоҳида тўхталди. «У (Порошенко) гўёки иккига ажралгандай ва МДХда иштирок этиш фойдалими ёки йўқлигини тушунмаётгандай таассурот қолдиряпти», - деди Ислом Каримов Минскдаги МДХ давлатлари раҳбарларининг йиғилишида. Саммит “Россия 24” канали орқали трансляция қилинди. «Агар у бугун шу ерда чиқиш қилганида, бу биз учун Украина муаммосини ҳал этишга янада кўпроқ аниқлик киритган бўларди... Аммо, афсуски, бу юз бермади», - дея давом этди Ўзбекистон раҳбари. Президентнинг сўзларига кўра, Порошенконинг Минскка келмаслик ҳақидаги қарорига “қўшилиш қийин”. Унинг қайд этишича, деярли бир йилдан буён бутун дунё Украинадаги вазиятни кузатиб бормоқда, ушбу зиддият қачон тугашини кутаётир. “Қайси биримиз жаноб Порошенко билан юзма-юз учрашганмиз?”, - дея мурожаат қилади И.Каримов МДХ бўйича ҳамкасбларига ва ўз саволига: “Айримлар, холос”, деган жавобни беради. Бироқ Порошенко “Европанинг кўпгина мамлакатларида, Брюсселда, бошқа мамлакатларда бўлди, уларнинг номларини айтиб ўтирмаймиз”¹⁵, - дейди И.Каримов. - Аммо Порошенко Украина расмий тарзда МДХ таркибидан чиқмаганига қарамасдан, Минскка ташриф буюриш ва МДХ саммитида қатнашиш имкониятидан фойдаланмади”. Ўзбекистон раҳбарининг фикрича, Украина муаммосини ҳал

¹⁵ ok.ru

етишга “фақат куч ишлатиш усулларида воз кечиш, фақат халқаро ҳуқуққа асосланган сиёсий воситалардан фойдаланиш ҳамда ўққа тутишни тўхтатиш бўйича Минск келишувларининг тарафлар томонидан сўзда эмас, амалда бажарилишигина” ёрдам беради. Каримов айнан шундай ҳаракатларгина “Украинада тинчликка эришиш бўйича музокаралар жараёни учун зарур шарт-шароитларни шакллантириши”ни таъкидлади. Қайд этиб ўтамиз, бугун Минскда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги саммити очилди. Унга Украина президенти Пётр Порошенкодан ташқари барча МДХ давлатларининг раҳбарлари ташриф буюрган. Украинани эса ушбу мамлакатнинг Минскдаги элчиси Михаил Ежель тақдим этмоқда. Бугун саммит доирасида Ислом Каримов Беларусь Президенти Александр Лукашенко билан музокаралар ўтказди. Олдин хабарберганимиздай, саммитнинг кун тартибидан гуманитар, хавфсизликни таъминлаш ва бошқа соҳаларда давлатлараро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган 17 та ҳужжат лойиҳаси ўрин олган.

Жаҳон ҳўжалик алоқаларининг моддий-ашёвий асосларини у ёки бу минтақавий гуруҳлар ёхуд иттифоқларга бирлашган мамлакатларнинг интеграциявий салоҳияти ташкил қилади.

Мамлакатнинг интеграцион салоҳияти деганда, фикримизча, халқаро иқтисодий интеграциянинг алоҳида томонлари-субъектлари (интеграциялашаётган мамлакатлар) амалга оширадиган халқаро ишлаб чиқариш-иқтисодий ҳамкорлик ва алмашув предмети бўлган миллий табиий, меҳнат, ишлаб чиқариш, молия-кредит, савдо ресурслари, илмий ходимлар ва одамларнинг ақлий қобилияти мажмуини тушуниш зарур. Ўзбекистоннинг интеграцион алоқаларини жадаллаштиришга хизмат қиладиган омиллар ва шароитлар орасидан республика интеграцион салоҳиятининг қуйидаги аниқ-равшан устунликларини санаб ўтиш мумкин, яъни:

- Ўзбекистоннинг Евроосиё қитъасидаги қулай геостратегик

жойлашуви;

- ер, минерал-хом ашё ва ўсимликларнинг анча катта захираси, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай бўлган тенги йўқ тупроқ-иқлим шароитлари;

- муҳим ташқи савдо ва экспорт салоҳияти;

- тегишли давлатлараро коопрециялашув ва биргаликдаги инвестициялар мавжуд бўлганда анча қисқа муддатлар ичида тайёргарликнинг юқори даражасига эга рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилишга имкон берадиган йирик ишлаб чиқариш салоҳияти;

- одамлар салоҳияти, тез кўпайиб бораётган меҳнат ресурслари, шунингдек, нисбатан арзон (жаҳон миқёсида олиб қараганда) иш кучи мавжудлиги;

- ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмаси, биринчи навбатда республикани МДХнинг бошқа минтақалари билан боғлаб турадиган, автомобил ва темир йўл магистраллари, телекоммуникация тизимининг мавжудлиги;

- республикада чет эл капиталини инвестиция қилиш, ўзаро фойдали ташқи иқтисодий ва интеграцион ҳамкорликнинг яхши кафолати бўлган барқарор сиёсат.

Юқорида кўрсатилган позициялар бўйича миллий иқтисодиётнинг бозор иқтисодиётига ўтаётган шароитида мамлакат интеграциявий салоҳиятидан самаралироқ фойдаланиш учун бу салоҳиятнинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш керак.

Биринчи навбатда, бу потенциалнинг таркибий қисмлари бўлган геостратегик жойлашув, табиий-хомашё ва меҳнат ресурслари, шунингдек экспорт имкониятлари кабиларни тавсифлаш лозим.

XXI аср кириб келиши билан жаҳон иқтисодиётидаги интеграциявий мойиллик жуда яққол намоён бўлди. Халқаро меҳнат тақсимооти шу даражага

етдики, миллий хўжаликлар тобора кўпроқ интеграциялашув хусусиятини касб этмоқда. Бу эса халқаро хўжалик фаолиятининг байналмилаллашувига олиб келаётганлиги ҳақида гапиришга имкон беради. Бу шароитларда ўзаро ҳамкорликнинг анъанавий шакллари — халқаро савдо, капиталларнинг кўчиши, иш кучинининг миграцияси - янги, аниқ ифодаланган институционал шакллarga эга бўлмоқда. Бир томондан, давлатларaro минтақавий бирлашмалар тузилмоқда (энг яққол мисол — Евроҳукумат ва Европарламентга эга бўлган Европа Иттифоқи), бошқа томондан — ўз фаолиятининг хусусияти бўйича ҳам алоҳида давлатлар, ҳам бутун минтақаларнинг ҳаётига жиддий таъсир кўрсатадиган йирик трансмиллий корпорациялар (ТМК) кенг миқёс олмоқда. Интеграция ҳақида гапира туриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек: "Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув иқтисодий жиҳатдан ривожланган бозор тизимига эга бўлган демократик давлатлар тушунчасига мувофиқ келгандагина мумкин бўлади. Айни пайтда мамлакатми замонавийлаштириш унинг, шубҳасиз, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, яъни халқаро меҳнат тақсимоотида ўзининг муносиб ўрнини топиши, минтақавий ва глобал хавфсизлик тизимини яратиш шартлари мавжуд бўлгандагина мумкин бўлади".

Ёш, мустақил давлат бўлган Ўзбекистон Республикаси учун ташқи иқтисодий фаолият ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув муаммоси айнан бугун, республикамиз давлатчилиги шаклланаётган, жаҳон хўжалик тизимида ўз ўрнини излаётган бир пайтда ва цивилизациялашган демократик жамият қуришда ўта муҳимдир.

Бунга шерикчилик ва ҳамкорлик қилишга интилаётган мамлакатларнинг бошланғич шарт-шароитлари турличалиги сабабдир. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда дунё миқёсида ва минтақа кўламида-интеграция жараёнларида қатнашса-да, аммо бир муҳим қоидага: "бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоклашмасликка амал

килади. Биз бир субъект билан шерикчиликнинг мустаҳкамланиши бошқалар билан шерикчилик муносабатларининг заифлашувига олиб келишига каршимиз. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серқирра жараёндин", деб алоҳида таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов¹⁶.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб катор минтакавий иқтисодий интеграция тузилмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришда фаол иштирок этиб келмоқда. Улар жумласига, Марказий Осиё Ҳамкорлик ташкилоти (МОҲТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ-ЕСО), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) кабиларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон бозори кенг интеграциялашган тузилмалардан бири Марказий Осиё Ҳамкорлик ташкилоти бўлиб, унга аъзо мамлакатлар билан Республикамизнинг миллий маданий-тарихий хусусиятлари ва табиий-географик шарт-шароитлари бир хиллиги муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур тузилма доирасида минтақа давлатлари мақсадларига мувофиқ келадиган қарорлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, уларнинг амалда ижроси талаб даражасида дейиш қийин. Чунки жараённинг чуқурлашуви иқтисодий кўрсаткичларда ўз ифодасини топади. Зеро, муайян минтақада иқтисодий интеграция жараёнлари чуқурлашаётганини, мамлакатлараро иқтисодий алоқаларнинг интенсивлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, уларга мамлакатларнинг ўзаро ташқи савдо айланмасини ва унинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳамда саноат ишлаб чиқаришидаги нисбатини киритиш мумкин. Бу кўрсаткичлар ичида интеграция масаласида ташқи савдо айланмасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига ва саноат ишлаб чиқаришига нисбати муҳимроқ бўлиб, улар

¹⁶И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. 6-том. Т.: «Ўзбекистон», 1997. 241-242 бетлар.

миллий бозорларнинг ўзаро очиқлик миқёсини, яъни, мамлакатларнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол борасида бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади.

Мамлакатимизнинг ушбу минтақада кечаётган интеграция жараёнидаги ўрни ва динамикаси савдо алоқалари бўйича маълумотлар асосида таҳлил қиламиз. Бу минтақа мамлакатлари ичида савдо алоқалари Қозоғистон билан салмоқли даражада ривожланган, қолганлари билан эса нисбатан чекланган даражада алоқалар ўрнатилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 2012 йилда 2000 йилга нисбатан МОҲТ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси ўртача 3,8 бараварга, экспорт ҳажми 4,1 бараварга ва импорт ҳажми 3,6 бараварга ортган¹⁷.

Тошкент шаҳрида 2017 йил 7 апрель куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Арманистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эдвард Налбандян, Беларусь Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Макей, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Кайрат Абдрахманов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Молдова Республикаси ташқи ишлар ва Европа билан интеграция вазири ўринбосари Лилиан Дарий, Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Халаф Халафов, Туркменистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Вепа Хажиев ва МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев иштирок этди. Мажлисга Россия томони раислик қилди.

Делегациялар раҳбарлари ташкилот фаолиятининг турли йўналишларидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш

¹⁷ И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 6-том. Т.: «Ўзбекистон», 1997. 241-242 бетлар.

истикболлари, халқаро ва минтақавий масалаларни ҳал этишдаги унинг роли ва аҳамиятини оширишни муҳокама қилди.

Тадбирда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда МДХ давлатларининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Кун тартибига кўра, МДХ давлатлари ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари томонидан 15 ҳужжат кўриб чиқилди. Улардан 9 таси шу йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтадиган Ҳамдўстликнинг Давлат раҳбарлари кенгаши ва май ойида ўтказиладиган Ҳукумат раҳбарлари кенгаши муҳокамасига киритилади¹⁸.

Ҳужжатлар Ҳамдўстлик мамлакатларининг ташқи сиёсат, ҳукукий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги масалаларини қамраб олган. Иштирокчилар христиан, мусулмон ва бошқа конфессияларни камситиш ва уларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишга йўл қўймаслик тўғрисидаги Баёнотни қабул қилди. Ҳужжатда диний мансублик ва эътиқодига асосланган ҳолда айрим шахсларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш, куч ишлатиш ва террорчилик ҳаракатини амалга ошириш ҳолатлари давом этаётганлиги сабабли хавотир билдирилган. Христиан, мусулмон ва бошқа конфессия вакилларига нисбатан муросасизлик қилиш, уларни камситиш, куч ишлатиш ҳамда террорчилик ҳаракатларининг барча кўриниши қатъий қораланади. Томонлар халқаро ҳамжамиятнинг мазкур йўналишдаги позицияларини бирлаштириш бўйича саъй-ҳаракатларни янада олға суриш мақсадини билдирди.

ТИВ раҳбарлари квоталар тақсимоти, Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиб ўринбосарларини ва МДХ бош қароргоҳидаги бошқа мансабдор шахсларни квота асосидаги амалларга тайинлаш ва алмаштириш тўғрисидаги МДХ Ижроия қўмитасининг ахборотини тинглади.

¹⁸ <http://xs.uz/>

Давлат раҳбарлари кенгашида кўриб чиқиш учун киритиладиган МДХ давлатларининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролиларини тарқатишга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлиги Концепцияси ҳамда жиноий ишларнинг моддий далиллари бўлган наркотик ва психотроп моддалар ҳамда уларнинг прекурсорларини, ўқотар қуролилар, уларнинг асосий қисмлари, ўқдорилар, портловчи моддалар ва портловчи қурилмаларни топшириш тартиби тўғрисидаги Баённома лойиҳалари маъқулланди.

2018 йилда «Ҳамдўстликнинг маданий пойтахти» давлатлараро дастурини амалга ошириш, МДХ мамлакатларининг қуроли кучлари метролог мутахассисларини ҳамда молиявий тергов органлари учун кадрлар тайёрлаш бўйича айрим таълим ва академик муассасаларга асосий ташкилот мақомини бериш масалалари муҳокама қилинди.

Мажлис конструктив муҳитда ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

Иштирокчилар ТИВК йиғилишини юқори даражада ташкил этганлиги ва Тошкент шаҳрида ўтказилган тадбир давомидаги анъанавий самимий меҳмондўстлик учун Ўзбекистон Республикасига миннатдорлик билдирди. ТИВК йиғилиши доирасида иштирокчи давлатлар ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг икки томонлама учрашувлари ўтказилди.

МДХ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2017 йил 10 октябрь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтади.

Миллий иқтисодиётимизнинг ташқи иқтисодий алоқалари йўналишлари қаторига Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги мамлакатлар билан олиб борилаётган муносабатлар ҳам киради. Бу тузилма доирасидаги мамлакатлар билан Ўзбекистон ҳамкорлигининг шаклланишида ижтимоий-тарихий ва табиий-географик шарт-шароитлар ҳам иқтисодий омиллар каби ўз таъсирини кўрсатган.

Модомики, иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш фаровонлиги муҳим аҳамият касб этар экан, унга салбий таъсир қиладиган омилларни

вақтида бартараф қилиш зарур. Жумладан, миллий бозорларда талаби кучли бўлган товарларнинг импортини кенгайтириш, экспортга товар чиқарувчиларнинг ташкилий ва молиявий жиҳатдан рағбатлантириш лозим. Натижада ички бозорларда эркин рақобат кучайиб ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш иқтисодиётларнинг юксалишига ва ўзаро интеграциялашувининг чуқурлашувига замин бўлади.

II.Боб.МДХ давлатлари таркибига кирган Марказий Осиё давлатлари билан яқин қўшничилик алоқалари

2.1.МДХ давлатлари билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши

Ўзбекистон истиқлолга эришган пайтдан бошлаб Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрига эга бўлишга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон кўпгина минтақавий ташкилотлар, чунончи Европа Иттифоқи, БМТ, ЭКО, НАТО, Ислом конференсияси ташкилоти, ЙХХТ, МДХ ва бошқалар билан смарали ҳамкорлик қилмоқда. 1991 йил 21 декабрда Алматида МДХ ни тузиш тўғрисидаги битимга Озарбайжон, Туркменистон ва Ўзбекистон ҳам имзо қўйдилар.

МДХ бир бутун давлат, федерация ёки мамлакат эмас, ҳарбий блок ҳам эмас, давлатлар ҳамдўстлигининг янгича шаклидир. Унга кирувчи ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқнинг мустақил ва тенг ҳуқуқли субъектидир. Бу ташкилот 1991-йил 8-декабрда Минск шаҳрида, собиқ СССРнинг барҳам топиши муносабати билан шакилланган. Унинг вужудга келишига дастлаб Россия, Украина, Белорусия асос солишиди.

МДХ аъзолари халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, ҳарбий харажат ва қуроолларни қисқартириш чора-тадбирларини амалга оширишда ҳамкорлик қилишга келишиб олганлар. Ҳозиргача юздан ортиқ норматив ва тавсифий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан бирга томонлар бир-бирларининг ядросиз зона ва бетараф давлат статусига эришиш учун олиб бориладиган ҳаракатларини ҳурматлайдилар.

1991-йил 19—22-август воқеаларидан кейин республикалар бирин-кетин ўзларини мустақил давлат деб эълон қилдилар.

Собиқ Иттифоқ чуқур сиёсий инқирозга учради ва парчалана бошлади.

1991-йил 8-декабрда Минскда уч славян республикаси — Россия, Украина, Белорус раҳбарлари— Б. Елсин, Л.Кравчук, С.Пушковларнинг учрашуви бўлди. Ўша куни **Беловежская Пушчада** уч давлат бошлиқлари

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)ни тузиш тўғрисида Шартнома имзо-ладилар. Шартномада ягона иқтисодий макон, ягона валюта ва молия-банк системаси бўлади, фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинади, ташқи сиёсат, армия соҳасидаги сиёсат келишилган ҳолда юритилади, деб белгиланган эди. Ҳужжат-да СССРнинг мавжудлиги ва унинг Конституцияси тўхтатилади, деб эълон қилинди.

Украина, Беларус, Россия парламентлари МДХни тузиш ҳақидаги шартномани ратификация қилдилар ва 1922-йил 30-декабрдаги СССРни тузиш тўғрисидаги шартномани бекор қил-дилар. Мазкур республикаларнинг СССР Олий Советидаги депу-татлари чақириб олинди.

МДХ олдида катта муаммолар турарди. Бу муаммоларни ечиш учун Ҳамдўстлик мамлакатлар давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқлари тез-тез учрашиб, муҳим ҳужжатлар ва тadbирлар ишлаб чиқдилар.

1991 йил 30 декабрда Минскда МДХ давлатлари бошлиқларининг Кенгаши бўлди. Кенгашда МДХ мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган муҳим масалалар кўриб чиқилди. Имзоланган ҳужжатлар орасида “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлар бошлиқлари кенгаши ва ҳукуматлар бошлиқлари кенгаши тўғрисида муваққат битим” алоҳида ўрин тутди¹⁹.

Битимда давлатлар бошлиқларининг Кенгаши олий орган бўлиб, унда Ҳамдўстликда қатнашувчи барча давлатларнинг вакиллари умумий манфаатлари соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун давлат бошлиқлари даражасида қатнашдилар, деб таъкидланди. Унда давлатлар бошлиқлари Кенгаши билан ҳукуматлар бошлиқлари Кенгашининг фаолияти ҳамдўстлик аъзоларининг давлат суверенитетини ва суверен тенглигини, ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат дахлсиз ҳуқуқини, ички ишларга аралашмаслик, куч ишлатмаслик ва дўқ қилмаслик, низоларни тинч бартараф этиш, оз сонли миллатларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида амалга оширилади, деб

¹⁹ Кичкилов Ҳ. МДХ тарихи: ютуқлар, муаммолар ва зиддиятлар. (1989-2009). “Янги нашр” Т.2010.-Б 150

белгилаб қўйилди. Битимда: “Кенгашда ҳар бир давлат бир овозга эга бўлади. Кенгашнинг қарорлари ҳамманинг розилиги – яқдиллик билан қабул этилади”, - деб таъкидлаб қўйилган²⁰. Давлатлар бошлиқларининг Кенгаши йи лида камида икки марта, ҳукуматлар бошлиқларининг Кенгаши эса 3 ойда камида бир марта мажлисга йиғилади. Ҳамдўстлигидаги давлатларининг давлат тиллари кенгашларининг расмий тилларидир, иш тили рус тилидир деб белгилаб қўйилди.

1992 йил 15 май куни Тошкентда МДХ мамлакатлари раҳбарларининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди. Унда бир қатор масалалар - Ҳамдўстлик доирасида молиявий аҳвол ва бу соҳадаги ҳамкорлик, ҳаво бўшлиғидан фойдаланиш, космик дастурларни бажариш, ягона бюджетни шакллантириш ва чегара қўшинларини пул билан таъминлаш тартиби, коллектив хавфсизлик, ягона ахборот макони ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Собиқ СССР даромадлари, қарзлари ва мол-мулклари тўғрисида ахборотлар тингланди. Тошкент кенгашида 13 та муҳим муаммо юзасидан битимга эришилди. Имзоланган ҳужжатлар орасида “Коллектив хавфсизлик, тинчликни сақлаш, коллектив кучларнинг макоми ҳақида битим”²¹ алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Ҳамдўстлик давлатлари хавфсизлигини кафолатлайди.

1993 йил январда Минскда МДХ давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлди. Унда МДХнинг Низоми имзоланди ва МДХ ни ҳуқуқий расмийлаштириш жараёни якунланди. Кенгашда давлатлараро банк ва иқтисодий ҳамкорлик маслаҳат кенгашини тузиш, Афғонистон билан Тожикистон ўртасидаги чегарани мустаҳкамлаш учун МДХнинг тинчлик ўрнатувчи ҳарбий бўлинмаларини юбориш масалалари муҳокама қилинди ва тегишли ҳужжатлар қабул қилинди. МДХнинг зарурлиги, уни мустаҳкамлаш кераклиги ҳамма Президентлар томонидан таъкидланди. Минскда имзоланган ҳужжатлар иқтисодий аҳволни барқарорлаштиришга, тинчликни мустаҳкамлашда, танглик жараёнларини бартараф қилишга қаратилди.

²⁰ Кичкилов Ҳ. МДХ тарихи: ютуқлар, муаммолар ва зиддиятлар. (1989-2009). “Янги нашр” Т.2010.-Б 78

²¹ Кичкилов Ҳ. МДХ тарихи: ютуқлар, муаммолар ва зиддиятлар. (1989-2009). “Янги нашр” Т.2010.-Б 78

1993 йил 24 сентябрдаги Москва шахрида бўлиб ўтган МДХ давлат бошлиқлари кенгашида МДХ доирасида Иқтисодий Иттифоқ барпо этиш масаласи муҳокама этилди ва шартнома имзоланди. Кенгашда бошқа масалалар кўриб чиқилиб, қатор баёнот ва низомлар қабул қилинди. Ҳар бир давлат ўзининг миллий валютасини жорий этди.

1993 йил 24 декабрда Ашгабатда бўлиб ўтган кенгашда Грузия МДХга аъзо бўлиб кирди. МДХ давлатлари ўртасидаги муносабатларда ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида Ашгабад Декларацияси қабул қилинди.

МДХ давлат бошлиқларининг кейинги кенгашларида ҳам коллектив тинчликни сақлаш масалалари, эркин савдо маконини барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги масалалар кўриб чиқилди ва тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

1994 йил 21 октябрда Москвада МДХ давлат бошлиқларининг кенгаши ва асосий эътибор МДХ мамлакатларининг иқтисодий интеграциясига доир масалаларига қаратилди. МДХ давлатлари ўртасида интеграцияни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида меморандум имзоланди. Унда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, интеграциявий тараққиётнинг истиқбол режалари белгилаб берилди. Иқтисодий Иттифоқнинг Давлатлараро иқтисодий Қўмитаси (ДИК) тузилиб, унинг мақсади иқтисодий иттифоқ фаолиятини шакллантириш ва самарадорлигини таъминлаш, МДХ аъзолари ўртасида иқтисодий алоқаларни тартибга солиш ва ҳоказолардан иборат деб белгиланди. ДИКнинг вазифаси иқтисодиётини, ислохотларнинг боришини таҳлил этиш, хўжалик қонунларини бир-бирига яқинлаштиришни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантиришни прогнозлаштириш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларни ривожлантириш бўйича қўшма дастурлар ишлаб чиқиш, транснационал характердаги тармоқлар (энергетика, транспорт, алоқа, газ ва нефть қувурлари) бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш каби умумий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдан иборатдир. ДИКнинг штаб-квартираси

Москва шаҳри деб белгиланди²². ДИКнинг тузилиши МДХ мамлакатлари ўртасида узилиб қолган алоқаларни қайта тиклашга, интеграцияни чуқурлаштиришга умид уйғотди.

Шундай қилиб, МДХ ташкил этилганидан бери ўтган даврда иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий, ташкилий ва умумий соҳаларга оид мингда ортиқ масалалар муҳокама этилиб, тегишли ҳужжатлар имзоланди. МДХ мамлакатларининг иқтисодий ва маданий алоқалари катта машаққатлар ва секинлик билан мустаҳкамланиб бормоқда. Қабул қилинган ҳужжатларнинг аксарияти қоғозда қолиб кетди. Бунга сабаб томонларни муаммоларни ечишни истамаётганида эмас, аксинча ўзаро ҳамкорлик тенг ҳуқуқли асосда, ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларини ҳисоб олган ҳолда юритилишига интилаётганлиги билан боғлиқ. Ўтган йиллар давомида эришилган аҳдлашувларни амалга оширишнинг самарали механизм яратилмади, ўзаро ҳисоб-китоблар мувофиқлаштирилмади.

Ўзбекистон МДХ доирасида сунъий равишда жорий этиладиган интеграцияга ҳамда давлатлардан юқори турувчи тузилмаларни – парламент, кўплаб амалдорлар ишлайдиган маъмурий идоралар, ҳарбий – сиёсий органларни ташкил этишга Қарши. Ўзбекистон мустақиллик ва интеграцияни уйғунлаштириш тарафдори, МДХни ҳақиқий, мустақил, суверен давлатлар интеграцияси сифатида кўришни хоҳлайди. Кейинги йилларда МДХ айрим аъзоларнинг Тўртлар шартномаси (Россия Қозоғистон, Беларусь) Иккилар иттифоқи (Россия ва Беларусь) каби қайта гуруҳланиши ҳам содир бўлди. Бу МДХни янада заифлаштиришга олиб бориши табиийдир.

Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси, Украина ва Беларусь билан алоқалари: Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида Ҳамдўстлик мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш алоҳида ўрин тутди. Икки томонлама ҳамкорлик деганда икки давлат ўртасидаги, яъни Ўзбекистоннинг бошқа бир мамлакат билан

²² Q.Usmonov. O'zbekiston tarixi. T. "O'qituvchi"2003.

давлатлараро алоқаларини йўлга қўйиш ва чуқурлаштириш жараёни тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Россия Федерацияси билан давлатлараро тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. 1991 йил 26 октябрда И.Каримов расмий давлат сафари билан Москвага борди. Учрашувда И.Каримов ва Б.Ельцин икки давлат ўртасида мухтор ваколатхоналар очиш, бир-бирининг суверентетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, ташқи сиёсатда ва иқтисодий масалаларда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

Кейинги йилларда Ўзбекистон-Россия ўртасида икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга ҳуқуқий асос солинди. Икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилди, элчихоналар очилди. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги алоқаларга Б.Ельциннинг (1992 йил май), В.Черномирдиннинг (1995 йил июлда)ги ташрифлари янгича сифат бағишлади. Иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида, ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик тўғрисида, «Ильюшин» транснационал молия-саноат қўшма гуруҳини барпо этиш тўғрисида, олий таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш каби битимлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди²³. Бу ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, коммуникация, фан-техника, маданий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан савдо оборотида Россия етакчи ўринни эгаллайди. 1998 йилга келиб Ўзбекистонда Россия сармоядорлари иштирокида ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони 260га етди.

И.Каримовнинг 1998 йил май ойида Россияга қилган расмий ташрифи ҳамкорликни янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу сафар чоғида ИЛ-самолётларини ишлаб чиқариш ва эксплуатация қилиш, ҳамда ИЛ-76 ва ИЛ-78 самолётларининг модернизация қилинишини таъминлаш

²³ Q.Usmonov,N.Jo'rayev. O'zbekiston tarixi. T. "Sharq" . 1999, 2011 .

соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Бу битим Тошкентдаги Чикалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасини янада кенгайтириш учун катта имконият яратди.

Россия Федерациясининг янги Президенти В. Путиннинг 2000 йил 18-19 май кунлари республикамизга амалий ташриф билан булганлиги иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар мустаҳкамланиб ва чуқурлашиб бораётганлигидан далолат беради. Икки давлат Президентлари шу куннинг долзарб масалалари, икки томонлама алоқаларнинг бугунги аҳволи истиқболлари борасида фикр алмашди. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий, хавфсизлик борасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди, тегишли ҳужжатлар имзоланди. Россия Ўзбекистоннинг йирик шериги ва иқтисодий ҳамкорлиги ҳисобланади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг Россияга етказиб берилиши ҳам муҳим савдо-иқтисодий омиллардан ҳисобланади.

Ўзбекистон билан Украина ўртасида давлатлараро муносабатларга асос солишда И.Каримовнинг 1992 йил август ойида Киевга расмий давлат ташрифи муҳим аҳамиятга эга бўлди. 25 август куни И.Каримов Президенти Леонид Кравчук икки давлат ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида протокол ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик битими ҳам имзоланди.

И.Каримовнинг Украинага иккинчи давлат ташрифи кунлари (1994 й. Ноябрь) Украина билан Ўзбекистоннинг ўзаро муносабатларини юқори поғонага кўтарди. Икки Президент – И.Каримов ва Леонид Кучма ўзаро ҳамкорлик борасида, халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Ўзбекистон ва Украина ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳақида баённома, маданий ҳамкорлик ҳақида ва бошқа битимлар имзоланди. Ўзбекистон ва Украина Президентлари алоқаларнинг янги шаклларни ривожлантириш, қўшма корхоналар, акционерлик жамиятларини барпо этиш, эркин савдо - сотиқ тартибини ўрнатишга

аҳдлашдилар. Юксак малакали мутахасислар тайёрлашда ҳамкорлик қилишга келишилди.

И.Каримов Украинадаги йирик саноат бирлашмаси - О.Антонов номидаги авиация илмий-техник мажмуасига ташриф буюрди. Авиация саноати бўйича ҳамкорлик қилиш масалаларида суҳбатлашди. Ўзбекистонда 30 тонна юкни 5 минг км. га элтиб боровчи самолёт ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ҳамкорлик қилишга келишилди. Украинанинг енгил саноати Ўзбекистон пахта толасига, оғир саноати эса Ўзбекистоннинг рангли металлларга муҳтож эканлиги, Ўзбекистондаги газ ва нефть конларини ўзлаштириш Украина ускуналарига муҳтож эканлиги қайд қилинди. Ўзбекистоннинг Қора денгиздаги Украина бандаргоҳлари орқали Фарб билан савдо-иқтисодий алоқалар олиб бораётганлиги таъкидланди. Ўзбекистон ва Украина ўртасида нефтни қайта ишлаш, коммуникация, фан-техника, саноат, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинмоқда, 20 та ўзаро қўшма корхоналар ишламоқда. 1998 йил 16 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенкони қабул қилди. 1999 йилнинг 7 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Украина Президенти Леонид Кучма таклифига биноан, Украина давлати раҳбарининг уз вазифасини ижро этишга киришиш маросимида иштирок этиш учун Киевга ташриф буюрди. 1993 йил февралда Украина ҳукумат делегацияси Ўзбекистонга расмий сафар қилди. Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида саноат ва кишлок хужалигининг турли тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар айрибош қилинмоқда. 1996 йилда товар айирбошлаш 200 млн доллардан зиёд, экспорт қарийб 36 млн, импорт 166 миллиондан ортиқ АҚШ долларини ташкил қилди. 1996 йилда экспорт қилинган маҳсулотлар ичида пахта толаси (10,5 фоиз), ип-газлама (10,1 фоиз), минерал ёқилғи, нефть (31,1 фоиз) устунлик қилди. Импортда эса шакар ва кандолат маҳсулотлари (24,1 фоиз), қора металл (19,7 фоиз), қора металлдан олинган маҳсулотлар (20,3 фоиз), механик ускуналар (7,9 фоиз), мис

ва ундан олинган махсулотлар (6,6фоиз) асосий уринни эгаллади²⁴. Бугунги кунгача Ташки иктисодий алоқалар вазирлигида Украина сармоядорлари иштирокида кўрилган 20 та корхона ўтган бўлиб, улардан 16 таси кушма корхона ва 4 таси фақат Украина сармояси ҳисобига курилган корхоналардир. Ўзбекистон ва Украина уртасида товар айирбошлаш ҳажми 300 млн АКШ долларида ортди. Ўзбекистон Украинага пахта, рангли металл, газ, тамаки, газлама ва бошқа турдаги матолар етказиб беради. Украинадан Ўзбекистонга техника асбоб-ускуналари келтирилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 20 дан ортиқ Ўзбек-Украина кўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Белорусь Республикаси Олий кенгашининг Раиси С.Шушкевичнинг 1991 йил 6 ноябрда Ўзбекистонга расмий давлат ташрифи Ўзбекистон билан Беларус ўртасида давлатлараро алоқаларга асос солди. С.Шушкевич билан И.Каримов давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида шартнома, савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисида битим имзолашди. 1994 йил 21-22 декабр кунлари Президент Александр Лукашенконинг Тошкентда бўлиши икки давлат ўртасида муносабатларни чуқурлаштиришда Янги босқич бўлди. Ташриф пайтида Ўзбекистон ва Беларус ҳукуматлараро ҳамда давлат муассасалари ўртасида 18 та ҳужжат имзоланди²⁵. Ўзбекистон билан Беларус ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақидаги Декларацияни, маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномани И.Каримов ва А.Лукашенко имзолашди. Ҳукуматлар ўртасида даромадлар ва мулклардан икки томонлама ўзаро солиқ олмаслик, автомобиль темир йўл, ҳаво йўли ва почта алоқаси бўйича ҳамкорлик ҳақида битимлар имзоланди. Ташқи ишлар вазирликлари ҳам тармоқлараро ҳужжатларни имзолашди.

Ўзбекистоннинг Молдова, Грузия ва Озарбайжон ҳамда Болтиқбўйи республикалари билан ҳамкорлиги: Ўзбекистоннинг Молдова, Грузия ва

²⁴ Кичкилов Ҳ. МДҲ тарихи: ютуқлар, муаммолар ва зиддиятлар. (1989-2009). “Янги нашр” Т.2010.-Б 111

²⁵ Кичкилов Ҳ. МДҲ тарихи: ютуқлар, муаммолар ва зиддиятлар. (1989-2009). “Янги нашр” Т.2010.-Б 118

Озарбайжон Республикалари билан ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бормоқда. 1995 йил 30-31 март кунлари И.Каримов Молдова Республикасида расмий сафарда бўлди. И.Каримов Молдова Президенти Мирча Снегур ўртасидаги музокаралар нихоясида ЎзР ва МР ўртасида дўстона ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Ҳукуматлар ўртасида эркин савдо муносабатларини ривожлантириш, фан-техника, маданият ва санъат, почта хизмати, алоқа, банк соҳаларида ҳамкорлик, самолётлар қатновини йўлга қўйиш, икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисидаги ўндан зиёд битимлар имзоланди. Бу ҳужжатлар издан чиққан алоқаларнинг тикланиши учун ҳуқуқий замин яратди.

Ўзбекистон учун шакар, дори-дармонлар, қишлоқ хўжалик техникаси, электротехника асбоблари, суғоришда фойдаланиладиган насослар керак. Молдова саноати учун эса Ўзбекистоннинг пахтаси, кимёвий толаси, қаттиқ металлари керак. Бу зарурият икки мамлакат ҳамкорликлгининг заминидир.

1995 йил 5 сентябрда Грузия давлат раҳбари, республика парламенти раиси Эдуард Шеварднадзе Ўзбекистонда бўлди. Ўзбекистон ва Грузия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланиб²⁶, қадимий алоқаларни тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Икки мамлакат ўртасида 20 дан зиёд ҳужжатлар имзоланди. Фан-техника, банк, қишлоқ хўжалиги, божхона, халқаро транспорт алоқалари, эркин савдо ва ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилди.

И.Каримовнинг Грузияга сафари чоғида халқаро Транс-кавказ йўли, унинг Грузиядан ўтадиган қисмини барпо этиш, Грузиянинг Потти бандаргоҳи имкониятлардан Ўзбекистон юқларини ташишда фойдаланиш масалалари бўйича аҳдлашилди. И.Каримов билан Э.Шеварднадзе Ўзбекистон билан Грузия ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларацияни имзоладилар.

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида давлатлараро алоқалар йўлга қўйилди ва ривожланиб бормоқда. 1996 йил 27 май куни И.Каримов бошлиқ

²⁶ Халқ сўзи. 1995 6 сентябр

делегация Озарбайжонда бўлди. Икки кардош мамлакатлар ўртасида давлатаро алоқалар йўлга қўйилди. Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида савдо-иқтисодий, солиқ, божхона, ҳаво йўли, автомобиль ва темир йўллар алоқалари, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш бўйича ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Халқаро Транс-Кавказ йўлини барпо этиш, унинг Озарбайжондан ўтадиган қисмини шакллантириш Ўзбекистон юқларини Озарбайжон орқали Европа томон чиқариш, Озарбайжон бандаргоҳларини таъмирлаш масалалари тўғрисида келишиб олинди.

1995 йил 6-8 июнь кунлари И.Каримов давлат ташрифи билан Латвия республикасида бўлди. И.Каримов ва Латвия Президенти Гунтис Улманис икки республика ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолашди. Ўзбекистон ва Латвия ҳукумати ўртасида транспорт, ҳаво алоқаси, саёҳлик ҳамда илмий – техник соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди²⁷. 1996 йил 23 майда Гунтис Улманис Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантириш тўғрисида Декларация имзоланди. Ҳукуматлараро фуқаролик, меҳнат, ҳуқуқ-тартибот, автомобиль қатнови, темир йўл транспорти, маданият ишида ўзаро ҳамкорлик битимлари имзоланди. Ўзбекистон Латвиядан электр машиналари, ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шакар ва қандолатчиликмаҳсулотлари, эфир мойи, қора металл сотиб олади. Латвияга эса рангли металллар, ипак, пахта ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Тошкентда «Дзинтарс» Латвия акционерлик жамиятининг Ўзбекистон Латвия қўшма корхонаси қурилди, «Дзинтарс» фирма дўкони қурилиб, «Волида», «Саодат», «Истиқбол» сингари атирлар ишлаб чиқарилмоқда. Икки давлат ўртасидаги савдо – сотиқ ўсиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2002 йил 17 июнь куни Оксаройда Латвия Республикаси ташки ишлар вазири Индулис Берзинни қабул қилди. Мамалакатимиз раҳбари меҳмонни

²⁷ . B.Tyurikov,R.Shog'ulomov. Mustaqil O'zbekiston Respublikasi.T.“O'zbekiston”.1998.

юртимизга таш рифи билан кутлар экан икки томонлама муносабатлар изчил ва баркарор ривожланиб бораётганидан мамнуниятини изхор килди. Хамкорлик кулами нечоглик ошганини куйидаги ракамлардан хам билишимиз мумкин. 1994 йили узаро товар айирбошлаш хажми 13,1 млн АКШ долларини ташкил этган булса, утган йили бу борадаги курсаткич 103,4 млн АКШ долларига етди. Хозир мамлакатимизда йигирмадан зиёд Ўзбекистон-Латвия кушма корхонаси фаолият юритиб келмокда. Хозирги кунга келиб Латвия Республикаси Президенти лавозимини Вайра Вике-Фрейка эгаллаб турибди.

1995 йил июнь ойида И.Каримов Литвага ташрифи чогида Президент А.Бразаускас билан икки томонлама хамкорликни ривожлантириш ва чукурлаштириш тўғрисида кўшма Декларацияни имзолади. Шунингдек, ҳукуматлараро таълим, фан-техника, сайёҳлик, маданият ва санъат, савдо-иқтисодий, ҳаво йўли соҳаларида битимлар имзоланди. Ўзбекистон Литвада электр ускуналар, эҳтиёт қисмлар, сут ва сут маҳсулотлари, мебель саноати маҳсулотларини сотиб олиб, Литвага пахта, нефт, рангли металллар, экспорт қилади. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки билан Литванинг Литимпекс банки ўртасида корреспондентлик муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистон Литванинг транспорт-хўжалик коммуникациясига, денгиз йўлига, айниқса Клайпеда бандаргоҳига, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига қизиқиш билдирди. 2002 йил 24 сентябрда (Вильнюс) шаҳрида Литва Президенти кароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни расмий кутиб олиш маросими булиб утди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2004 йил 30 март куни Оксаройда Литва Республикасининг собиқ Президенти Валдас Адамкусни қабул килди. Ўзбекистон-Литва муносабатлари ҳар томонлама жадал ривожланмокда.

2001-йил 29-30- ноябр кунлари Москвада МДХ ташкил этилган куннинг 10 йиллигига бағишланган юбилей саммити бўлиб ўтди. Саммит қатнашчилари Афғонистондаги воқеалар тўғрисида баёнот қабул қилдилар.

Баёнолда аксилтерввр оператсияси ижобий баҳоланди, унинг натижасида халқаро террорчиларнинг инфратузилмасига қаттиқ зарба берилгани ҳамда минтақавий ва дунёвий хавфсизликни янада мустаҳкамлашга йўл очилгани қайд этилди. Шу билан бирга, толиблар ҳукмронлиги тугатилганидан кейин Афғонистон тақдирини афғон халқининг ўзи белгилаши, мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириши ишлари БМТ раҳнамолигида амалга оширитиши қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон-Россия

1992- йил 30- майда И. Каримов бошлиқ Ўзбекистон делегациясининг Россияга давлат ташрифи пайтида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳам-корлик тўғрисида шартнома имзоланди. Шартнома икки давлат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ёйга қўйиш ва ривожлантиришга ҳуқуқий асос солди. Икки давлат ўрта-сида дипломатик алоқалар ўрнатилди, элчихоналар очилди

И.Каримов-Б.Елсин Ўзбекистон билан Россия билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Шартномада икки давлат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга ҳуқуқий асос солинди.Икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди, элчихоналар очилди.



Россия Федерацияси Президенти Б.Н.Елсин

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги товар айир-бошлаш ҳажми 2000-йилда 1-млрд АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда 520 та Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, шунингдек, Россия Федерацияси фирма ва компаниялари рўйхатга олинган. Россияда эса Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 250 га яқин қўшма корхона мавжуд. Ўзбекистон Россиядан машиналар ва жиҳозлар, кимё маҳсулотлари ва пластмасса, қора металл ва бошқа товарлар сотиб олиб, Россияга турли ма-шина ва жиҳозлар, пахта толаси, хизматлар, озиқ-овқат молларини экспорт қилади.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Қўшма баёноти ҳамда чегара масаласи бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комислигига қарши курашда ҳамкорлик, божхонага оид ҳужжатлар ва тартиб-қоидаларни ўзаро тан олиш, божхонадан ўтиш тартибини енгиллаштириш ва соддалаштириш, маданий соҳада 2001-2003- йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар қабул қилинди.



Ўзбекистон Президенти И.Каримов билан Россия Федерацияси Президенти В.Путин 2008 йил 5-6 феврал кунларидаги учрашуви.

Россия-Ўзбекистон муносабатларига келсак, ўтган йиллар ичида давлат ва ҳукумат даражасида 150 дан зиёд шартнома ва келишувлар имзоланиб, уларнинг энг муҳимлари 1998 йилнинг октябрида Тошкентда имзоланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда 2004 йилнинг 16 июнида

Тошкентда имзоланган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ҳақидаги битимдир.

Россия Ўзбекистоннинг илгаригидек йирик савдо партнёри бўлиб қолмоқда. Россиянинг Ўзбекистон ташқи савдо айланмасидаги улуши 1999-2000 йилларда 13% дан 17% гача ўсганлиги ҳам бунинг далилидир. Фақат 2003 йилнинг ўзида икки мамлакат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 26% га ўсиб, 1 млрд 150 млн АҚШ доллари ташкил этди. 2005 йил бу кўрсаткич 2 млрд. АҚШ долларига яқинлашиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентлари Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин Қўшма баёнотни имзолашди. Ўзбекистон – Россия муносабатларини изчил ривожлантириш, ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган ҳукуматлараро, идоралараро битимлар ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари олий даражадаги учрашув ва музокаралар якунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот берди. Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин музокаралар очиклик, ўзаро ишонч ва амалий руҳда ўтганини таъкидладилар. Ташриф асносида эришилган 50 дан ортиқ келишувлар, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Россия тараққиётига, икки мамлакат халқларининг фаровонлигини янада юксалтиришга, давлатларимиз ўртасида ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши қайд этилди²⁸.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг куни-кеча Москвага қилган давлат ташрифи ҳамон оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди. Ташриф томонидан ҳукуматлараро, идоралараро 16 миллиард АҚШ долларига яқин 40 дан ортиқ шартнома ва битимлар имзолангани бугун кўча-кўйда, жамоат транспортларида ҳам ватандошларимиз томонидан қизғин муҳокама этилаётганининг ўзи ҳам бу тарихий ташрифнинг аҳамияти нечоғлик юқори бўлгани, стратегик

²⁸ [Ўзбекистон](#) 06 Апрель 2017

шеригимиз ва иқтисодий ҳамкоримиз бўлган Россия Федерацияси билан бошланадиган ҳамкорликнинг янги босқичидан одамларнинг умид катта эканлигидан далолат бериб турибди. Ш.Мирзиёевнинг Москвага қилган ташрифи юртимиздаги барча оммавий ахборот воситалари, айниқса, интернет-нашрлар томонидан дақиқама-дақиқа ёритилиб борилганига гувоҳ бўлдингиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2017 йил 4-5 апрель кунлари давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлди.

Анъанавий дўстона, ишонч ва конструктив муҳитда ўтган музокараларда Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорликнинг ҳолати ҳамда уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва бир-бирларининг манфаатларини ҳисобга олиш принципларига асосланган давлатлараро мулоқотнинг юқори даражада эканлигини тасдиқладилар.

Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин икки томонлама муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги даражада ривожланишига имкон берадиган 2004 йил 16 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда 2012 йил 4 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияни амалга оширишнинг долзарблигини тасдиқладилар²⁹.

Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиги бундай муносабатларнинг муҳим таркибий қисми эканлигини таъкидладилар. Давлат раҳбарлари икки томонлама савдо айланмасини, энг аввало, юқори даражада қайта ишланган маҳсулотлар ва иккала томон учун қизиқиш

²⁹ Халқ сўзи. 2017 йил 7 апрел №69

уйғотадиган бошқа товарларни ўзаро етказиб беришни кенгайтириш ҳисобига кескин оширишни таъминлаш каби фаолиятга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссия фаолиятини юқори баҳоладилар.

Президентлар Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини Россия бозорларига, шу жумладан, «яшил йўлак» тизимини жорий қилиш орқали етказиб беришни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳамкорликнинг муваффақиятли ривожини мамнуният билан қайд этдилар.

Президентлар икки мамлакат минтақалари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни жадаллаштириш учун Минтақалараро ҳамкорликка қўмаклашиш тўғрисида битам имзоланишининг аҳамиятини таъкидладилар.

Икки мамлакат ўртасида туристик алмашинувни кенгайтириш истиқболлари қайд этилди. Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин Туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида битимнинг имзоланиши икки мамлакат туристик салоҳиятидан янада тўлиқроқ фойдаланишга, туризм саноати субъектлари ўртасида узоқ муддатли шериклик алоқаларини ўрна- тишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси халқлари ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳурматни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини тасдиқладилар. Ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш икки мамлакат ўртасида туристик ва гуманитар алмашинувни ривожлантиришга қўмаклашиши эътироф этилди.

Президентлар ташқи бозорларга энг қисқа ва самарали чиқишни таъминловчи транспорт ва транзит йўлаklarини ривожлантириш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг устувор хусусиятини қайд этдилар. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси темир йўллари иштирокида ташқи савдо юklarини ташишда рақобатдош тарифларни шакллантириш масалалари бўйича изчил ҳамкорлик қилиш амалдаги

транспорт йўлакларини самарали иш юкламаси билан таъминлашга имкон яратиши таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин нефть ва газ соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилишларини билдирдилар.

Давлат раҳбарлари Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисида битим, шунингдек, Миграция соҳасида ваколатли органларнинг ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисида битим имзоланишининг аҳамиятини юқори баҳоладилар ҳамда миграция соҳасида ҳамкорликнинг халқаро тан олинган шаклларини янада ривожлантиришга кўмаклашишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Президентлар соғлиқни сақлаш ва тиббий таълим соҳасида, бундай фаолиятнинг муҳим элементлари ҳисобланган икки мамлакатнинг илғор тиббий ва илмий-тадқиқот марказлари ўртасида алоқаларни кенгайтириш, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини амалга ошириш, тажриба алмашиш, шунингдек, Ўзбекистонда Россиянинг етакчи тиббий марказлари филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этишда яқин ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини таъкидладилар. Шу муносабат билан Соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва фан соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланишини олқишладилар ҳамда бундай ҳамкорлик икки давлат халқлари ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшишига ишонч билдирдилар.

Давлат раҳбарлари икки томонлама маданий-гуманитар ҳамкорлик ривожининг изчил хусусиятини қайд этдилар ҳамда фан, таълим, спорт, маданият, санъат ва туризм соҳасида апоқаларни фаоллаштиришдан ўзаро манфаатдор эканликларини тасдиқладилар.

Президентлар А. С. Пушкин номидаги давлат тасвирий санъат музейида ташкил этилган И. В. Савицкий номидаги давлат санъат музейи (Нукус шаҳри) фондидаги асарларнинг биринчи сайёр кўргазмасини муҳим маданий

тадбир сифатида баҳоладилар ҳамда 2017 йилда Россияда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш тўғрисида келишиб олдилар.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигини нишонлаш доирасида концертлар, фото ва бадий кўргазмалар ҳамда бошқа маданий ва ижтимоий тадбирларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Президентлар икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда, шунингдек, кенг жамоатчиликни Ўзбекистон ва Россия халқларининг тарихи, маданияти ва анъаналари билан таништиришда Ўзбекистон ва Россия давлат оммавий ахборот воситаларининг муҳим ролини қайд этдилар.

Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин апоқа ва ахборот технологиялари соҳасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоридирлар. Бунда Ўзбекистон фуқароларига давлат, маҳаллий ва бошқа хизматларни кўрсатиш самарадорлигини ошириш учун Россиянинг электрон ҳукумат технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш соҳасидаги сапмоқли тажрибасидан фойдаланиш мумкинлиги қайд этилди.

Россия Федерацияси Президента Ўзбекистон Республикасида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, турли элатларнинг тили, урф-одат ва анъаналарини асраш, ривожлантириш ҳамда келажак авлодга етказиш бўйича амалга оширилаётган сиёсатни юқори баҳолади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасида рус тили ҳамда рус тилида таълим бериш маконини сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти қайд этилди. Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикасида рус тили мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини таъминлаш, шунингдек, Россия Федерацияси етакчи олий таълим муассасаларининг филиаллари тармоғини кенгайтириш бўйича кейинги қадамларни олқишладилар. Томонлар бундан кейин ҳам икки давлат ўртасидаги талабалар алмашинувини кенгайтирадилар.

Президентлар ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликни

янада ривожлантириш, 2016 йил 29 ноябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида харбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги ўртасида 2017 йилга мўлжалланган икки томонлама ҳамкорлик дастурини амалга татбиқ, этиш тарафдоридирлар.

Президентлар томонларни қизиқтирган минтакавий ва халқаро кун тартибидаги долзарб масалалар бўйича фикр алмашдилар.

Терроризм, сепаратизм, экстремизмнинг барча шакллари, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик воситаларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва уларнинг муомапада бўлиши, куроллар, аслаҳа ва портловчи моддаларнинг ноқонуний савдоси ҳамда ноқонуний миграцияга қарши курашиш икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳамкорлигининг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолиши қайд этилди.

Давлат раҳбарлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти глобал хавфсизликни сақлашга қўмаклашадиган етакчи универсал ҳалқаро тузилма, давлатлараро ва халқаро муаммоларни ечиш учун асосий майдон бўлиб қолаётганини эътиборга олган ҳолда, халқаро муносабатларда унинг марказий мувофиқлаштирувчи ролини мустаҳкамлаш тарафдори эканликларини тасдиқладилар. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси, биринчи навбатда, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақдаш, давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, мустақиллик, тенглик, суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлик, чегарапар дахлсизлиги, ҳужум қилмаслик, ички ишларга аралашмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмасликка доир халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари ҳамда БМТ Низоми мақсад ва принципларига бундан кейин ҳам содиқ қолиш ниятидалар. Президентлар суверен давлатларда ҳокимиятни конституцияга зид равишда ўзгартиришни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳаракатларни халқаро масалаларда қабул қилиб бўлмайдиган ҳолат сифатида

баҳоладилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳамкорликни ривожлантиришга, шунингдек, ушбу кўп томонлама механизмлар афзалликларидан тўлақонли фойдаланишга интилишларини тасдиқладилар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги ҳамкорлик ўзаро манфаатларни ва яратилган шартномавий- ҳуқуқий базани ҳисобга олган ҳолда давлатлараро бевосита мулоқотни сақлаш, фикрлар алмашиш ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш бўйича муҳим инструмент ҳисобланиши қайд этилди. Ўзбекистон ва Россия МДҲнинг барча иштирокчилари олдида турган долзарб масалаларни ҳал этиш учун Ҳамдўстлик самарадорлигини ошириш ва салоҳиятини намоён қилишга фаол кўмаклашадилар.

Ўзбекистон ва Россия 2002 йил 7 июнда имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Хартияси, 2007 йил 16 августда имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг узоқ муддатли аҳил қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2025 йилгача Ривожланиш стратегияси ҳамда Ташкилотнинг бошқа асосий ҳужжатларида белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажариш учун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида конструктив ҳамкорликни амалга оширишни давом эттирадилар³⁰.

Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасига Шанхай ҳамкорлик ташкилотига тўла ҳуқуқли аъзолик тақдим қилиниши Ташкилот салоҳиятини кенгайтиришга ҳамда минтақада ҳозирги замон долзарб муаммоларини ҳал этиш, хавфсизлик, барқарорлик ва турғун ривожланишни таъминлашга кўмаклашадиган кўп томонлама механизм сифатида унинг халқаро майдондаги ролини янада оширишга кўмаклашиши қайд этилди. Уфада 2015 йилнинг июль ойида бўлиб ўтган ШХТ саммитида аъзо

³⁰ Халқ сўзи. 2017 йил 7 апрел №69

давлатлар раҳбарлари томонидан Ҳиндистон ва Покистонни Ташкилот аззолигига қабул қилиш процедурасини бошлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиниши ҳамда Тошкентда 2016 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган ШХТ саммити якунлари бўйича ШХТга аъзо давлат мақомини олиш мақсадида Ҳиндистон ва Покистоннинг мажбуриятлари тўғрисида меморандумлар имзоланиши ушбу жараённинг муҳим босқичлари ҳисобланади.

Президентлар Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка тезроқ эришиш Марказий Осиё ва қўшни минтақаларда хавфсизликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади, деган яқдил фикрдалар ҳамда бунинг учун зарур кўмак кўрсатишни давом эттиришга тайёрликларини таъкидладилар. Қарама-қарши курашаётган кучлар ўртасида миллий ярашув жараёнини илгари суриш, сиёсий тартибга солиш ва келишувга эришиш йўли билан Афғонистон ички можаросини ҳал этиш зарурлиги кўллаб-қувватланди. Ушбу саъй-ҳаракатлар афғонлар бошчилигида ва афғонларнинг ўзлари томонидан амалга оширилиши лозим. Афғонистондаги вазият билан боғлиқ халқаро ҳамкорликда, шу жумладан, ушбу давлат иқтисодиётини қайта тиклаш ва унинг аҳолиси фаровонлигини яхшилаш масалаларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти марказий мувофиқлаштирувчи ўрин тутиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Марказий Осиёда сувдан фойдаланишнинг ўзаро манфаатли ва адолатли тизимини халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари асосида ҳамда минтақанинг барча мамлакатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш тарафдори бўлишни давом эттирадилар.

Давлат раҳбарлари бўлиб ўтган самарали музокаралар, шунингдек, ташриф давомида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида анъанавий дўстона муносабатларни тенг ҳуқуқлилиқ ва манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш асосида янада мустаҳкамлашга кўмаклашишига ишонч билдирадилар.

Ўзбекистон томони Россия томони- га Ўзбекистон Республикасининг

Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасини абадийлаштириш — Москва шахрининг тарихий марказида Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси билан ёнма-ён жойлашган хиёбонга унинг номини бериш ҳамда хиёбон ҳудудида Ислом Каримовга ҳайкал ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги муносабати билан самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга ва барча Россия халқига Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган меҳмондўстлик ва самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президентига давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлишни таклиф қилди. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Ташриф муддатлари дипломатик каналлар орқали келишилади.

Ўзбекистон - Украина

Ўзбекистон билан Украина ўртасида давлатлараро муносабатларга асос солишда И.Каримовнинг 1992 йил август ойида Киевга расмий давлат ташрифи муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ташриф чоғида 25 август куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кравчук Ўзбекистон билан Украина ўртасида давлат-лараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик

тўғрисидаги шартномани имзолادилар. Шунингдек, икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида протокол ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик битими имзоланди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Украина ўртасида 1992—2002-йилларда нефтни қайта ишлаш, коммуникатсия, фан-техника, саноат, савдо, ахборот алмашиш, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик бўйича 130 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланди. ўзаро савдо ҳажми 1992-йилдаги 20 млн АҚШ долларидан 2001- йилда 400 млн АҚШ долларига етди. Ўзбекистон Украинага авиатсия, кимё ва енгил саноат моллари, пахта толаси, рангли металллар, газ экспорт қилмоқда. Украинадан газ ва нефт конларини ўзлаштиришда зарур

бўлган техника ускуналари, қора металлургия, кимё саноати моллари, шакар, писта ёғи импорт қилинмоқда. Ўзбекистоннинг Қора денгиздаги Украина бандаргоҳлари орқали Европа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалари йўлга қўйилди. Ўзбекистонда Украина сармоялари иштирокида барпо этилган 20 та қўшма корхона ишламоқда. Жумладан, „ТошВАЛЕО“ қўшма корхонаси бир кунда минг қутига яқин қандолат маҳсулотлари тайёрламоқда. Шунингдек, икки давлат ўртасида илм-фан, таълим, маданият соҳасида ҳамкорлик қилинмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Украина ўртасида 1992—2002-йилларда нефтни қайта ишлаш, коммуникатсия, фан-техника, саноат, савдо, ахборот алмашиш, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик бўйича 130 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланди. ўзаро савдо ҳажми 1992-йилдаги 20 млн АҚШ долларида 2001- йилда 400 млн АҚШ долларига етди. Ўзбекистон Украинага авиатсия, кимё ва енгил саноат моллари, пахта толаси, рангли металллар, газ экспорт қилмоқда. Украинадан газ ва нефт конларини ўзлаштиришда зарур бўлган техника ускуналари, қора металлургия, кимё саноати моллари, шакар, писта ёғи импорт қилинмоқда. Ўзбекистоннинг Қора денгиздаги Украина бандаргоҳлари орқали Европа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалари йўлга қўйилди. Ўзбекистонда

Украина сармоялари иштирокида барпо этилган 20 та қўшма корхона ишламоқда. Жумладан, „ТошВАЛЕО“ қўшма корхонаси бир кунда минг қутига яқин қандолат маҳсулотлари тайёрламоқда. Шунингдек, икки давлат ўртасида илм-фан, таълим, маданият соҳасида ҳамкорлик қилинмоқда. 1994- йил 21—22-декабр кунлари Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко расмий ташриф билан Тошкентда бўлди. Ташриф пайтида давлатлараро, ҳукуматлараро ҳамда ҳар икки давлат муассасалари ўртасида 18 ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон билан Беларус ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақидаги Декларацияни, Маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномани И. Каримов ва А. Лукашенко имзоладилар. Ҳукуматлар ўртасида даромад ва мулклардан икки томонлама

ўзаро солиқ олмаслик, автомобил, темирйўл, ҳаво йўли ва почта алоқаси бўйича ҳамкорлик ҳақидаги битимлар имзоланди. Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув ҳақида протокол ҳамда тармоқлараро ҳуижатлар имзоланди.


Ўзбекистон - Молдова

1995- йил 30—31- март кунлари Ўзбекистон Президенти И. Каримов Молдова Республикасида расмий сафарда бўлди. И. Каримов ва Молдова Президенти Мирча Снегур ўртасидаги музокаралар ниҳоясида **Ўзбекистон Республикаси ва Молдова Республикаси ўртасида дўстона ҳамкорлик тўғрисида шартнома** имзоланди³¹. Ҳукуматлар ўртасида эркин савдо муносабатларини ривожлантириш, фан-техника, маданият ва санъат, почта хизмати, алоқа, банк соҳаларида ҳамкорлик, самолётлар қатновини йўлга қўйиш, икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисидаги ўндан зиёд битимлар имзоланди. Бу ҳужжатлар издан чиққан алоқаларнинг тикланиши учун ҳукуқий замин яратди.

Ўзбекистон - Грузия

1995-йил,5-сентябр Грузияда виат раҳбари, республика парламентт раиси Едуард Шеварнадзе расмий ташрифбилан Ўзбекистонда бўлди. Бу ташриф Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги қадимий алоқаларни тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Икки томонлама муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди ва музокаралар ниҳоясида И. Каримов ва Э.Шеварнадзе томонидан Ўзбекистон ва Грузия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Икки мамлакат ўртасида сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, фан-техника, банк, қишлоқ хўжалиги, божхона, халқаро транспорт алоқалари, эркин савдо ва ишлаб чиқариш, маориф, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида 20 дан зиёд ҳукуматлараро ва муассасалараро ҳужжатлар имзоланди.

³¹ Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон. 2007.



Грузия-Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар 1994 йилнинг 19 августида ўрнатилди. Иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларнинг ривожланишига Э.Шевверднадзенинг 1995 йилнинг 4-5 сентябрларида Ўзбекистонга келиши ва Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 1996 йилнинг 28-29 майларида Грузияга расмий ташриф билан бориши асосий туртки бўлди.

Ўзбекистон - Латвия

Латвия Президенти Гунтис Улманиснинг 1996- йил 23- майда Ўзбекистонга қилган давлат сафари икки мамлакат ўртасида алоқаларни янада чуқурлаштирди. Икки президент Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш тўғрисида декларатсия имзоладилар. Ҳукумат-лараро фуқаролик, меҳнат, ҳуқуқ-тартибот, халқаро автомобил қатнови, темирйўл транспорти, маданият, божхона ишида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Латвиядан электр машиналари, ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шакар ва қандолатчилик маҳсулотлари, эфир мойи, қора металл сотиб олади. Латвияга эса рангли металлар, ипак, пахта ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Тошкентда „Дзинтарс“ Латвия акционерлик жамиятининг Ўзбекистон-Латвия қўшма корхонаси қурилиб, „Волида“, „Саодат“, „Истиқбол“ сингари атирлар ишлаб чиқармоқда ва „Дзин-тарс“ фирма дўкони орқали сотилмоқда. Ўзбекистон ва Латвия ташқи ишлар

вазирликлари ўртасида ўзаро маслаҳатлашув тўғрисида Протокол имзоланди. Икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ ўсиб бормокда. 1994 йил ўзаро товар айирбошлаш 121,8 миллион сўми ташкил этди.

Латвия республикаси ўзининг Болтиқбўйидаги қўшнилари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, Европа Иттифоқига яқинлашиш сиёсатини олиб борди. ЕХХТда иштирок этиб, Россиянинг империячилик кайфиятидан ҳимояланиш мақсадида НАТОга аъзо бўлишга интилди. Натижада 2004 йилнинг 29-мартида НАТОга, 2004 йилнинг 1-майида Европа Иттифоқига аъзоликка қабул қилинди. Республика ҳукумати 40-йилларда Россияга қўшиб олинган ерларга даъвогарлик қилишдан воз кечди. Мамлакат парламенти ва ҳукумати Россия билан иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ниятида, аммо Россия Федерациясининг Латвиядаги рус миллатига мансуб бўлган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга интилиши туфайли иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар мураккаблигича қолмокда.

Латвия-Ўзбекистон муносабатларига тўхталсак, Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 1995 ва 2004 йилларда Латвия Республикасига, Латвия Республикаси Президентининг 1996 йилда Ўзбекистонга расмий ташриф билан келиши иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишини янги босқичга кўтарди.

Агар икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 1994 йилда 13 млн 165 минг, 1995 йилда 18 млн 700 минг, 1996 йилда 26 млн 123 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2003 йили бу кўрсаткич 106 млн АҚШ долларида ошиб кетди.

Ўзбекистон Республикасидан Латвияга пахта толаси, органик кимёвий бирикмалар, шойи, мева ва сабзавотни қайта ишлаш маҳсулотлари, газлама ва калава иплар юборилса, Латвиядан қанд-шакар ва қандолат, қора металл буюмлари, транспорт воситалари, буг қозонлари, механик ускуналар, қоғоз ва картон, трикотаж кийимлар, электр асбоб-ускуналари, кимё маҳсулотлари, каучук ва резина буюмлар, кофе, чой, ун ва мебеллар олинади.

Ўзбекистон - Литва

И.А.Каримовнинг 1995 йил июн ойида Литвага ташрифи чоғида Президент А. Бразаускас билан Ўзбекистон Республикаси ва Литва Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқуриштириш тўғрисидаги кўшма Декларатсияни имзоладилар. Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати билан Литва ҳукумати ўртасида таълим, фан ва техника, сайёҳлик, маданият ва санъат, савдо-иқтисодий, ҳаво йўли ва ҳаво транспорти соҳаларида ҳамда божхона қонунини бузиш ҳолларига қарши кураш борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Литвадан электр ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, сут ва сут маҳсулотлари, мебел саноати маҳсулотларини сотиб олиб, Литвага пахта, нефт, рангли металллар экспорт қилади. 1994 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 248,6 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич уч баробарга кўпайди. Ўзбекистон Литванинг транспорт-хўжалик коммуникацияси, денгиз йўли, айниқса, Клайпеда бандаргоҳи орқали ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқармоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил 23—25-сентябр кунлари Литва Республикасига ташриф буюриши икки давлат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтарди. „Ўзбекистон билан Литва ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома“, икки давлат ташқи ишлар вазирликлари, божхона хизматлари ҳамда миллий университетлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Ўзбекистон-Литва ҳукуматлараро савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича комиссия тузилди ва у фаолият кўрсатмоқда.

Литва Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг 5-августидан ўрнатилди. 1995 йили И.Каримовнинг Литвага расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантирди. 2003 йилнинг март ойида Литвада президент сайловлари ўтказилди ва Роналдас Паксас президентликка сайланди. Бироқ у мамлакат президентлиги лавозимида 13 ойдан кўпроқ вақт

турди холос. Чунки, Роналдас Паксасни Конституцияга хилоф иш қилишда айблаб, Литва сеймининг кўпчилик депутати унга ишончсизлик билдиришди.

Унга Россиялик Юрий Борисовга ноқонуний равишда Литва фукаролигини бериш, давлат сирини ошкор қилиш ва хусусий бизнесга ноқонуний равишда тазйиқ қилиш каби айблар қўйилди. Литва Конституцион суди ишни кўриб чиқиб, уни парламентга оширди ва Роналдас Паксас кўпчилик овоз билан президентликдан четлатилди. 2004 йилнинг июнь ойида Литвада муддатидан олдин президент сайловлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон -Озарбайжон

Ҳукукий жиҳатдан Тоғли Қорабоғ Озарбайжоннинг бир қисми бўлгани учун уни БМТ ҳам тан олади. Ўзини бир томонлама мустақил деб эълон қилган Тоғли Қорабоғ маъмурияти эса ўз қароридан қайтмоқчи эмас. Расмий Степанокерт мустақиллиги Озарбайжон тарафидан тан олинисига эришмоқчи. Боку эса ўлкани ўз ихтиёрига қайтариш ниятидан қайтмайди. 1996 йилги Лиссабон саммитидан бери жаҳоннинг уч йирик давлати- Россия, АҚШ ва Франция ЕХХТ Минск гуруҳининг ҳам-раислари вазифасини бажариб туриб, можарони бартараф қилишнинг таклифларини берди. Бироқ ҳар икки томоннинг қайсарлиги туфайли бажарилмай қолмоқда. 1999 йил АҚШ маъмуриятининг ташаббуси билан Озарбайжон ва Арманистон президентлари ўртасида учрашувлар бошланди. Бундай учрашувлар кейинчалик Россия президенти В.Путин ташаббуси билан Москвада, МДҲ давлатлари раҳбарларининг саммити даврасида, Женева, Истанбул, Париж, Давос ва бошқа шаҳарларда ўтказилди. Бироқ бундай учрашувлар ҳам можаронинг ечимини топаолмаётир.

Озарбайжон билан Ўзбекистон ўртасида 1995 йилнинг 2 октябрида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1996 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Озарбайжонга, 2004 йилнинг март ойида Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга расмий ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқди. Ўзбекистон Озарбайжонни Жанубий Кавказдаги стратегик шериги

деб ҳисоблайди. Иккила мамлакат ҳам ТРАСЕКА лойиҳасининг фаол катнашчилари ҳисобланади. 2004 йил мартида Ўзбекистон Озарбайжон давлатлари ўртасида стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида Декларация имзоланди. 2004 йили Тошент шаҳрида Низомий Ганжавий хайкалининг ўрнатилиши ўзбек ва озарбайжон халқлари азалий муштараклигининг исботидир.

Ўзбекистон - Белоруссия

Ўзбекистон Белоруссия муносабатларига келсак, икки ўртада 1993 йил 21-январида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Белорусс Республикаси ҳукумат делегацияси 2004 йилнинг ноябрида Ўзбекистонга келиб, унда савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ҳозир Ўзбекистонда 20 га яқин қўшма корхоналар Белорусс сармояси иштирокида ишламоқда. Белоруссия-Ўзбекистон ўртасидаги йиллик савдо айланмаси 2004 йилда 40 млн АҚШ долларини ташкил этади.

Шарқий Европада 6 та суверен республиканинг пайдо бўлиши, СССРнинг таназзулга юз тутиши ва миллий-либерал ҳамда демократик кучлар фаоллашувининг натижаси эди. У Европанинг сиёсий тузилишини ўзгартирди. Аммо бу мамлакатларда давлатчиликнинг шаклланиши ва «реал социализм» харобалари устида ислохотлар ўтказиш, Марказий ва ҳатто Жануби-Шарқий Европа давлатларида ислохотлар ўтказишга нисбатан ҳам мураккаброқ ва қийинроқ бўлди.

2.2.Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликнинг ривожланиши ва истиқболлари

Мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади. Биз ўзимизнинг яқин қўшниларимиз Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз.

Ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бу – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан алоқаларимизни мустаҳкамлашдан иборат. Биринчи навбатда, Россия Федерацияси билан Стратегик шериклик, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар ва бошқа муҳим келишувлар асосида дўстона алоқаларни изчил ривожлантириш ва кучайтириш икки мамлакат манфаатларига жавоб беради ва минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Марказий Осиё республикалари СССРнинг Европа қисмидаги ва Кавказorti республикаларидан этник, ижтимоий- иқтисодий ва мафкуравий-сиёсий жиҳатдан катта фарққиларди. Бошқа иттифоқдошларига нисбатан улардаги турмуш даражасининг пастлиги ва аҳоли ўсишининг юқорилиги конформизм (бефарқлик, лоқайдлик) нинг ҳукмрон бўлишига ҳалақит беролмас эди. Улардаги саноат қолоқроқ ва тарқоқроқ эди. Якка ҳокимлик (монокултура)га асосланган қишлоқ хўжалиги иттифоқ маркази учун хом ашё тайёрлаб беришга мослаштирилган эди. Ислom дини ва уруғ-аймоқчилик таъсири кучлилигича қолди, аммо кўп асрлик маданият ва миллий ўзликни англашга аввал Чор Россияси, сўнгра Совет мустабид тузум амалга оширган оммавий қатағонлар, ёзувнинг ўзгартирилиши ва этник чегараларнинг ёпилиши ёрдамида мисли кўрилмаган даражада зарар етказилди. Ўхшаш тақдирлар ва советча «тенглаштиришга» қарамасдан 80-йилларда бу республикалардаги аҳвол турлича эди ва уларнинг тараққиёт йўли ҳам бир-биридан кескин фарқ қиларди³². Тожикистонда «реал социализм»ни сақлаб қолишга уринишдан тортиб, Қирғизистонда либерал - демократик ислохотларнинг ўтказилишигача, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш усулидан тортиб, Қозоғистонда «бошқариладиган демократия» орқали иқтисодиётни либераллаштиришгача ва Туркменистонда миллий-авторитар тузумнинг барпо этилишигача бўлган йўлларни кўриш мумкин. Иқтисодиёт самарадорлигининг пастлиги, аҳоли катта қисмининг қашшоқлиги ва янги давлатчиликни шакллантириш

³² Кичкилов Ҳ. МДҲ тарихи: ютуқлар, муаммолар ва зиддиятлар. (1989-2009). “Янги нашр” Т.2010.-Б148

кийинчиликлари, хусусан, Тожикистонда, Ўзбекистон ва Қирғизистонда агрессив ислом фундаментализмининг ва экстремизмининг фаоллашувига олиб келди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатнинг таъсирли йўналишларидан бири Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон билан ҳамкорлик, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Минтақадаги бешта давлат ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, дилимизнинг бирлиги, томирлари-мизнинг тутшиб кетганлиги бу мамлакат халқларини бир-бирига янада яқинлаштиришнинг заминидир.

Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг биринчи учрашуви 1990-йил июнда **Алмати** шаҳрида бўлиб ўтди. Учрашув собиқ Иттифоқ ҳали мавжудлиги шароитида, унинг аҳволи тобора ёмонлашиб бораётган, халқ хўжалигининг барча соҳаларида танглик кучайиб бораётган, пул қадрсизланаётган, нарх-наво қимматлашиб бораётган шароитда бўлган эди.

Шунинг учун ҳам Марказий Осиёдаги беш давлат иқтисодий тангликдан чиқиш учун ресурсларни бирлаштириш зарур деган хулосага келдилар. Бешта республика давлат бошлиқлари — И.Каримов, Н.Назарбаев, А. Масалиев, Қ. Маҳкамов ва С. Ниёзовлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларига мурожаатнома ҳамда республикалар раҳбарларининг Баёноти номли ҳужжатларни имзоладилар.

Марказий Осиё давлатлари президентларининг навбатдаги учрашуви 1991 йил 13— 15-август кунларида Тошкент шаҳрида бўлди. Унда учрашув якунлари хусусида Ахборот ҳамда республикалараро Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисида битим имзоланди. Маслаҳат кенгашининг вазифаси бешта мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун шарт-шароит яратишдан, бозор муносабатларига ўтишда минтақа манфаатларини ҳимоя қилувчи келишилган сиёсат юритишдан, иқтисодиётнинг умумий

муаммоларини ҳал этишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқишдан иборат деб белгиланди.

1991 йил 13 декабрда Ашгабатда Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон давлат бошлиқларининг учрашуви бўлиб, унда Тажан-Серахс темирйўл қурилиши бўйича иқтисодий ҳамкорлик қилиш ҳақида битим имзоланди. Уни Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон президентлари И.Каримов, Н.Назарбаев, А.Акаев ва С.Ниёзовлар имзоладилар. Темирйўл қурилиши ҳақидаги бу битим ягона Осиётранс магистралини яратишда муҳим аҳамиятга эгадир. Беш давлат бошлиқлари Чернобил ҳалокати, Орол фожиаси оқибатларини тугатиш масаласида биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Ҳалокат зоналари аҳолисига тезликда гуманитар ёрдам жўнатишга аҳдлашдилар.

1993- йил 4- январда И.Каримов ташаббуси билан Тошкентда ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон президентларининг йиғилиши бўлди. Унда Марказий Осиё атамаси тилга олинди ва бундан кейин Марказий Осиё деганда ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон тушуниладиган бўлди. Учрашув қатнашчилари минтақа давлатларидаги сиёсий ва иқтисодий аҳволни муҳокама қилдилар. Минтақа мамлакатлари ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар, савдо-иқтисодий битимлар қандай бажарилаётганлиги таҳлил этилди.

1993-йил март ойида Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Россия давлат делегатсияси иштирокида анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш, Орол минтақаси экологиясини соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш соҳасида биргаликда қилинадиган ҳаракатлар тўғрисида битим имзоланди. Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шуғулланувчи Давлатлараро кенгаш тузилди. Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси таъсис этилди.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон президентлари-нинг 1994- йил июл ойи бошида Алмати шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви ҳам бу уч қардош

мамлакатлар халқлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда яна бир янги қадам бўлди. Унда ўзаро интегратсияни кучай-тириш бўйича, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини тузиш тўғрисида битимлар имзоланди. Томонлар давлатлараро кенгаш ҳамда унинг доимий ижроия органини, шунингдек Бош Вазирлар кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Мудофаа вазирлари кенгашини таъсис этдилар. Бундай ягона мувофиқлаштирувчи бошқарув органларининг пайдо бўлиши Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида интегратсия учун ҳуқуқий заминни янада мустаҳкамлади. Марказий Осиё ҳамкориик ва тараққиёт банки ташкил этилди. Шу тариқа Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти (МОИХ) ташкил топди.

2002- йил 28- феврал куни Алмати шаҳрида Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлиб ўтди. Музокаралар якунида президентлар Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шу тариқа МОҲ ташкилоти ҳуқуқий жиҳатдан расмийлашди. МОҲ ташкилотининг раиси этиб Ислом Каримов сайланди³³. Мазкур ташкилот энди нафақат иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, шунингдек сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа турдаги алоқалар кўламини кенгайтириш масалалари билан шуғулланади. Ҳар бир аъзо мамлакатдан бевосита давлат раҳбарига ҳисобот бериб турадиган биттадан мувофиқлаштирувчи вакил тайинланди. 4 та вакил МОҲ ташкилоти фаолияти самарадорлигини ошириш, аъзо мамлакатларининг интегратсия жараёнларини фаоллаштириш борасидаги нуқтайи назарларини яқинлаштириш, қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш ва умумий вазиятни ташкил этиш билан шуғулланмоқда. МОҲ ташкилотининг ташкил этилиши, унинг аъзолари бўлган 4 та мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янги поғонага кўтарди.

Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан икки томонлама муносабатлари 1992-йил 24-июнда Туркистон шаҳрида Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга расмий давлат ташрифи пайтида Н. Назарбаев билан И.

³³ Кичкилов Ҳ. МДҲ тарихи: ютуқлар, муаммолар ва зиддиятлар. (1989-2009). “Янги нашр” Т.2010.-Б150

Каримов томонидан имзоланган „Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома" асосида мустаҳкамланиб бормоқда.

Назарбоевнинг «кўп йўналишли ташқи сиёсати» МДХ доирасидан ҳам ташқарига чиқди. Қозоғистон Германия ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари, ҳамда Туркия, Эрон, Япония ва Малайзияга ўз хомашёсини бериш, улардан кредитлар, инвестиция ва юксак технологияларни келтириш йўли билан ҳамкорлик қилади. У 10 та Осиё мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлиги (МОҲ)да иштирок этмоқда. 2004 йилнинг 28 майида МОҲнинг Остона шаҳрида саммити бўлиб ўтди. Унинг ишида Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари кўрилди. Саммитда 1-чи бор Россия ҳам иштирок этди. Қозоғистон - ЕХХТ аъзоси, НАТО билан ҳамкорлик қилади, Хитойнинг «Шанхай форуми» аъзосидир. Кенг ва кўп томонлама алоқалар ислохотлар ва иқтисодий ривожлантириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш, жумладан ислом фундаментализмининг таҳдидини бартараф этишга имкон бермоқда.

Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар иккала давлат раҳбарларининг ўзаро расмий ташрифлари ва МОҲ ҳамда ШХТ ташкилотлари давраида ривожланмоқда. 2006 йилнинг кузида И.А.Каримовнинг Қозоғистонга расмий ташрифи ва 2006 йилнинг ноябр ойидаги Н.Назарбоевнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи иккала мамлакат ўртасида иқтисодий, маданий, илмий-техникавий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган кўплаб битим ва шартномаларнинг имзоланишига олиб келди.

1993-йил 10-ноябрда И. Каримов Алматига сафар қилди. Ўзбекистон ва Қозоғистон президентлари икки мамлакат интеграциясига оид алоқалар масаласини, иқтисодий сиёсатини муҳокама қилишди. ўзаро сармояларни амалга ошириш йўллари ва усуллари, қўшма корхоналар, юксак технологиялар яратиш ҳақида кели-шиб олишди.

Томонлар пул тизимига доир масалани муҳокама қилиб, иккала томон бир вақтда миллий валютани жорий этиш ҳақида аҳдлашдилар. Иккала мамлакат пул тизимини биргаликда мустаҳкамлашнинг принципиал масалалари бўйича келишиб олишди. Аҳолининг иккала мамлакат пуллари эркин алмаштириш учун пул алмашув тар-моқларини вужудга келтиришга эътибор қилиш зарурлигини таъкидладилар, ҳукуматларга ва банкларга банклараро ҳисоб-китоблар, эркин савдо, божхона бўйича амалий чоралар кўриш тўғрисида кўрсатма берилди. Икки давлат ўртасида савдо-сотиқ, иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузилди. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида иқтисодий интеграцияга оид алоқалар, ўзаро сармоялар алмашиш, қўшма корхоналар ва юксак технологиялар яратиш ишлари йўлга қўйилди.

Ўзбекистон республикаси билан Қозоғистон республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва аҳил қўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистон Республикасига амалга оширган давлат ташрифи доирасидаги икки томонлама музокаралар натижаларига кўра, 1998 йил 31 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома ҳамда 2013 йил 14 июнда имзоланган³⁴.

Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома қоидаларига амал қилган ҳолда, ўзаро ҳурмат, ишонч ва ошкоралик принципларига асосланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги мустаҳкам тарихий алоқалар, икки мамлакат халқларининг кўп асрлик қардошлик ва ҳамкорлик ришталарига таяниб, Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги аҳил қўшничилик, дўстона ва

³⁴ <http://xs.uz/>

Ўзаро манфаатли муносабатларнинг стратегик шериклик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш асосида жадал суръатда ва изчил ривожланаётганини мамнуният билан қайд этиб, икки томонлама кенг қамровли ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиш икки қардош халқларнинг узок муддатли манфаатларига жавоб беришига ҳамда Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва ривожланишни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирган ҳолда, халқаро майдонда янада узвий ҳамкорлик қилиш ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришга ўзаро интилишларини тасдиқлаб, икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш учун олий ва юқори даражаларда мунтазам икки томонлама ташрифлар ва сиёсий маслаҳатлашувларни қўллаб-қувватлашга ҳамда ҳукуматлар, парламентлар ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга содиқ қолган ҳолда, қуйидагилар тўғрисида баёнот берадилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қозоғистон Республикаси Президенти дипломатик муносабатлар ўрнатилган пайдан бошлаб чорак аср мобайнида ҳамкорликнинг турли соҳаларида эришилган салмоқли натижаларни юқори баҳолайдилар ҳамда икки давлат стратегик шериклик муносабатларининг янги тарихий даврга кираётганини таъкидлайдилар.
2. Томонлар Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва ривожланишни таъминлаш масалалари бўйича позицияларининг мос келишини тасдиқлаган ҳолда, минтақа ички муаммоларининг барча жабҳалари бўйича ўзаро мақбул қарорларни келишиш ва қабул қилиш, энг аввало, ушбу минтақа давлатлари томонидан тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро манфаатдорлик ва бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қилиш асосида амалга оширилиши лозимлигини таъкидлайдилар.
3. Томонлар халқаро сиёсатнинг муҳим масалалари бўйича позицияларининг яқинлиги ёки мос келишини қайд этдилар, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга ўзаро интилишларини таъкидладилар ҳамда халқаро майдонда, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай

хамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни жадаллаштириш ниятларини тасдиқладилар.

4. Ўзбекистон Қозоғистоннинг 2017-2018 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашига муваққат аъзолиги доирасида Марказий Осиё мамлакатлари учун умумий бўлган устувор масалаларни илгари суриш бўйича амалга ошираётган савий-ҳаракатларини -олқишлайди ҳамда минтақада барқарорлик, хавфсизлик ва ривожланишни таъминлаш масалалари, шу жумладан, халқаро -сиёсатнинг томонларни қизиқтирган долзарб масалалари юзасидан Қозоғистон билан яқиндан ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир.

Томонлар Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона мақомини янада кўтариш тарафдоридирлар.

5. Томонлар МДХ давлатларини қизиқтирган барча масалалар бўйича ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ривожини таъминлаш мақсадида МДХ доирасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва Ҳамдўстлик механизмларидан янада самарали фойдаланишдан ўзаро манфаатдор эканликларини билдирдилар.

6. Президентлар хавфсизлик ва барқарорликка замонавий хуруж ва таҳдидларга қарши курашиш ҳамда иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга кўмаклашадиган ташкилот сифатида ШХТ кун тартибидаги муҳим масалалар бўйича позицияларининг яқинлиги ёки мос келишини таъкидладилар. Томонлар Ташкилот Хартиясига мувофиқ, ШХТ келгусида ҳам долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда блокли, мафкуравийлашган ва зиддиятли ёндашувларни истисно қиладиган йўлдан боришга содиқ қолишини тасдиқлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Қозоғистон Республикасининг ШХТга раислиги доирасида ҳамда 2017 йил 8-9 июнь кунлари Остона шаҳрида Давлат

рахбарлари кенгаши йиғилишини муваффақиятли ўтказиш бўйича унинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

7. Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси иштирокчилар ҳисобланган халқаро шартномалар асосида халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, наркотик ва куролларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик ҳамда бошқа хавфсизликка хуруж ва таҳдидлар билан курашишда маслаҳатлашувлар ўтказиш орқали икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва жадаллаштириш заруриятини қайд этдилар.

Ушбу мақсадларда Марказий Осиё минтақасида радикализм кўринишлари ва экстремизм тобора авж олишининг олдини олиш ва уларга қарши курашишда Ўзбекистон ва Қозоғистон тегишли идораларининг биргаликдаги ҳаракатларини такомиллаштириш бўйича барча зарурий чоралар кўрилади.

8. Президентлар афғон халқининг миллий келишувга эришиш, мамлакатни тинчлик йўли билан тиклаш ва қайта барпо этишдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайдилар ҳамда сиёсий-дипломатик усуллардан кенг фойдаланиш орқали Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларда БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчи ролини мустаҳкамлаш тарафдоридирлар.

Томонлар Афғонистондаги вазиятни тезроқ барқарорлаштириш ҳамда ушбу мамлакатда тинчликка эришиш минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

9. Давлат раҳбарлари Марказий Осиё трансчегаравий дарёларининг сув ресурслари халқларнинг умумий бойлиги ва мулки эканлигини ҳамда миллионлаб инсонлар тақдири, бутун минтақа барқарорлиги ва фаровонлиги улардан оқилона ва адолатли фойдаланишга боғлиқ эканлигини қайд этдилар.

Томонлар Марказий Осиё трансчегаравий дарёларида янги гидротехник иншоотлар барпо этишни бошқа манфаатдор давлатлар манфаатларига зиён етказмайдиган конструктив ёндашув ва мурося асосида, шунингдек,

трансгегаравий таъсирга эга бўлган барча лойиҳаларни холис халқаро экспертизадан ўтказиш ва қуйи оқимда жойлашган мамлакатлар билан келишишни назарда тутувчи БМТ конвенцияларида белгиланган халқаро сув ҳуқуқининг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ амалга ошириш лозимлиги тўғрисидаги фикрни қўллаб-қувватлайдилар.

10. Томонлар экология ва сув хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш масалаларига устувор аҳамият берадилар, махсус қўшма дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, ишчи гуруҳлар ташкил қилишга кўмаклашадилар, атроф-муҳит ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш, табиатдан оқилана фойдаланиш учун зарур чоралар кўрадилар ҳамда ҳудудлар ва аҳолининг ҳаёт фаолиятига таҳдид соладиган экологик ҳалокатлар ва фавқулодда вазиятларда ўзаро ёрдам кўрсатадилар.

Томонлар Оролни қутқариш халқаро фондига Орол ҳалокати таъсири остида қолган ҳудудларни экологик соғ-ломлаштиришга, шунингдек, минтақа ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган экологик ва илмий-амалий лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича минтақа мамлакатларининг биргаликдаги ҳаракатлари учун универсал платформа сифатида қарайдилар.

11. Томонлар Ислом ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ), биринчи навбатда, фан-таълим, маданий-гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда мусулмон давлатларининг янада фаол биргаликдаги ҳаракатларига кўмаклашадиган ҳамда бу орқали халқаро ҳамкорлик ва хавфсизликни илгари суришга ҳисса қўшадиган нуфузли форуми сифатидаги ролини мустаҳкамлаш мақсадида мазкур ташкилот доирасидаги шерикликнинг муҳимлигини қайд этдилар.

Қозоғистон Республикаси 2016 йил 19 октябрь куни Тошкент шаҳрида «Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» мавзуида 43-сессияси муваффақиятли бўлиб ўтган ИХТ Ташқи ишлар вазирлари

кенгашига Ўзбекистон Республикасининг раислиги доирасида унинг саъй-харакатларини тўлақонли қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон томони 2017 йил 10-11 сентябрь кунлари Остона шаҳрида Фан ва технологиялар бўйича ИХТ биринчи саммити ўтказилишини олқишлайди ҳамда ушбу тадбирда иштирок этишга тайёрлигини билдиради.

12. Қозоғистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Президентига Ўзбекистон томони «ЭКСПО — 2017» халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасида иштирок этишга қизиқиш билдиргани учун миннатдорчилик изҳор қилди.

Томонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик тоза технологияларни жорий қилиш, барқарор ривожланиш мақсадлари принциплари асосида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда юқори технологияли соҳалар ва экологик тоза ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича икки мамлакат устувор қарашларининг мос келишини мамнуният билан қайд этадилар.

13. Томонлар парламентлараро алоқаларнинг фаоллашувини мамнуният билан қайд этадилар. Бу соҳада, хусусан, икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари палаталари ўртасида янада фаол ва кенг қамровли амалий ҳамкорликни йўлга қўйишда мавжуд захиралар аниқлаштирилди.

14. Президентлар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ривожининг ижобий тенденцияларини мамнуният билан қайд этдилар ва икки томонлама савдо ҳажмларининг доимий ўсишини таъминлашга, икки мамлакат бозорларида харидоргир бўлган юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни товар айланмасига жалб қилиш орқали икки томонлама савдони диверсификация қилишга ҳамда иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг узоқ муддатли шакллари ривожлантиришга ўзаро интилишларини билдирдилар.

Томонлар ташриф давомида имзоланган 2017 — 2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини изчил амалга ошириш иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ва ўзаро товар айланмасини 2020 йилгача 5 миллиард АҚШ доллариغا кўтаришга

туртки берган ҳолда, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга -хизмат қилишини қайд этдилар.

15. Икки давлат раҳбарлари жорий йилнинг 22-23 февраль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг ўн олтинчи мажлиси якунларини ижобий баҳоладилар ҳамда савдо-иқтисодий соҳада, энг аввало, кенг кўламли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали аниқ натижаларга эришиш мақсадида унинг ролини янада кучайтириш заруриятини таъкидладилар.

Томонлар транспорт ва коммуникация, қазиб чиқариш ва қайта ишлаш саноатлари, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, автомобиль, кимё ва енгил саноат, соғлиқни сақлаш ва туризм каби устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни жадаллаштириш ниятидалар.

16. Томонлар икки мамлакат минтақалари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни жадаллаштиришга кўмаклашадиган Минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланганини қайд этдилар.

Томонлар икки мамлакат минтақалари ҳамкорлигининг янги шаклини амалга ошириш механизмини яратиш имкониятини ўрганадилар.

17. Президентлар икки давлатнинг улкан транзит-транспорт салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, ташқи бозорларга энг қисқа ва самарали чиқишни таъминловчи транспорт ва транзит йўлакларини ривожлантириш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг устувор хусусиятини қайд этдилар.

Бу борада Томонлар ўз ҳудудларидан ташқи савдо юklarини транзит ташишда икки мамлакат темир йўл маъмуриятлари томонидан ўзаро преференциялар ва қўшимча чегирмаларнинг тақдим этилиши бу соҳадаги ҳамкорликни тубдан кенгайтиришга ҳамда транзит юklarнинг салмоқли ҳажмларини жалб қилишга имкон беришини таъкидладилар.

Томонлар «Бейнеу — Акжигит — Ўзбекистон чегараси» автомобиль йўли лойиҳаси, шунингдек, минтақа мамлакатларининг халқаро денгиз

коммуникациялари ва салоҳиятли бозорларга муқобил чиқишини таъминлайдиган бошқа қўшма лойиҳаларнинг тез орада амалга ошишидан ўзаро манфаатдор эканликларини билдирдилар.

18. Томонлар икки мамлакат халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, қардошлик ва ҳамкорликни сақлаш ва мустаҳкамлашда ўзларининг тарихий масъулиятини англаган ҳолда, фан ва таълим, маданият ва санъат, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга содиқ эканликларини тасдиқладилар.

Томонлар бундан буён ҳам икки давлат ҳудудида истиқомат қилаётган ўзбек ва қозоқ диаспоралари учун она тили, миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш масалаларида қулай шароитлар яратиб берадилар.

19. Президентлар ишонч ва ўзаро англашув муҳитида ўтган музокаралар яқунларини мамнуният билан қайд этадилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиладиган ҳамда икки мамлакат қардош халқлари ўртасида ўзаро англашувни чуқурлаштиришга кўмаклашадиган икки томонлама олий даражадаги учрашувларни мунтазам равишда ўтказиб боришга келишиб олинди.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевга ва барча Қозоғистон халқига ўзбек делегациясига кўрсатилган меҳмондўстлик ва илиқ қабул учун миннатдорчилик билдирди ҳамда Қозоғистон Республикаси Президентига ўзи учун қулай бўлган вақтда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюришни таклиф қилди. Ташриф муддатлари дипломатик каналлар орқали келишилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ
Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон НАЗАРБОВ

Остона, 2017 йил 23 март

И. Каримовнинг 1993- йил августида Қирғизистонга қилган расмий давлат ташрифи пайтида ўш шаҳрида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида 1994—2000-йилларга мўлжалланган иқтисодий интеграл-сияни ривожлантириш тўғрисида Баёнот имзоланди. Бу ҳужжат иккала республикада ишлаб чиқилган миллий дастурларни мувофиқлаш-тиришга, хомашё ва ишчи кучидан, илмий салоҳиятдан унумли фойдаланишга қаратилган. Икки давлат ўртасида иқтисодиёт, савдо, маданият, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, спорт ва туризм бўйи-ча ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақида битимлар имзоланган.

Қирғизистон Россия Федерацияси ва МДХ нинг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлиги билангина чекланмади. Унинг раҳбарияти нафақат Ўзбекистон, балки Хитой билан ҳам муносабатларни мустаҳкамлашга уринмоқда. Мамлакат Марказий Осиё давлатлари иқтисодий интеграцияси ва Осиёнинг 10 давлати иқтисодий ҳамкорлигида иштирок этмоқда, кўпгина юқори даражада ривожланган мамлакатлар: АҚШ, Россия, Япония, Европа Иттифоқи ва бошқалар билан молиявий-иқтисодий ва техник ҳамкорлик ҳамда савдони ривожлантирмоқда. Мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қўшнилар билан мос келишувлар ва ШХТда иштирок этишга имкон берди. 2003 йилда Қирғизистон ҳудудидан Россиянинг ҳарбий базаси учун жой берилди.

Қирғизистон билан Ўзбекистон ўртасида 1993 йил 16 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан кейин ўзаро ҳамкорлик ривожланиб келмоқда. Иккала давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар 1994-1996 йилларда ўзаро товар айланмаси йилдан-йилга ўсиб борди. Бироқ, 1997 йилдан бошлаб у кескин пасайди. Ҳозирги кўрсаткич икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг реал имкониятларини акс эттирмайди.

Кейинги йилларда сув-энергетика соҳасида ижобий силжишлар юз берди, газ етказиб бериш ва электроэнергия, сув ресурслари, транспорт ҳисоб-китоблари бўйича кўплаб муаммоли масалалар ҳал этилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 2002-2006 йилларга мўлжаллаб тузилган савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва инсонпарварлик ҳамкорлиги дастури сезиларли ижобий рол ўйнамоқда.

Ўш ва Андижон шаҳарларида консуллик пунктларини очиш тўғрисида келишиб олинди. 2006 йилнинг ноябрида Қ.Бакиев Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди ва икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг янада ривожланиши масаласида келишувлар бўлди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 1 октябрда ўрнатилгандан кейинги ўтган йиллар ичида иккала давлат ўртасида ҳар томонлама аълоқалар ривожланмоқда. Фуқаролар уруши даврида қочоқларга айланган юз минглаб кишилар Термиз орқали ўз ватанларига қайтарилди.

1997- йилда Москвада Тожикистоннинг расмий ҳокимияти билан муҳолифат кучлар ўртасида тузилган миллий мурса ҳақидаги шартнома Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари учун айнаи муддао бўлди. Тожикистоннинг қўшни мамлакатлар билан алоқалари яна жонланди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан 1998-йил 4- январ куни Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Ўзбекистонга амаУй ташриф билан келди. Икки мамлакат раҳбарлари ташриф якунлари бўйича қўшма ахборот имзоладилар. Ўзбекистон ва Тожикистон Бош вазирлари соғлиқни сақлаш, маданият ва гуманитар соҳа, фан, техника ва ахборот соҳалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида битимларни имзоладилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида юк ташиш ҳамда газ етказиб бериш, Тожикистоннинг қарзи бўйича ўзаро ҳисоб-китоб тўғрисидаги битимлар ҳам имзоланди. Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари ўзининг янги, мустаҳкамланиш ва тараққиёт даврига ўтди.

Ўзбекистон Душанбедаги МДХ давлатлари бош вазирлари кенгашига юбориладиган делегация таркиби борасида ҳали бир тўхтамга келмади.

Тожикистон президенти 2015 йил 30 октябрда МДХ давлатлари ҳукуматлар раҳбарлари кенгаши иштирокчиларини қабул қилади ва улар олдида нутқ сўзлайди³⁵, деб хабар берди Тожикистон ҳукуматидаги манба.

Манбанинг айтишича, Тожикистон етакчисининг МДХ давлатлари бош вазирлари билан учрашуви Душанбедаги Миллат саройида бўлиб ўтади. МДХ давлатлари бош вазирлари кенгаши йиғилиши эса 2016 йил сентябрь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлатлари раҳбарлари саммити бўлиб ўтган пойтахтдаги Коҳи Наврўз мажмуасида бўлиб ўтади. Кенгаш йиғилишлари аввал тор, кейин кенгайтирилган таркибда ўтади. МДХ давлатлари раҳбарлари кенгаши йиғилишидан сўнг ОАВ вакиллари учун йиғилиш қатнашчиларининг иштирокидаги матбуот-анжумани бўлиб ўтади.

Душанбега Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон, Молдова, Озарбайжон ва Беларусь бош вазирларининг ташрифи кутилмоқда, уларга тожикистонлик ҳамкасблари Қоҳир Расулзода қўшилади.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон ва Туркменистонгина ўз делегацияларининг таркиби борасида ҳали бир тўхтамга келишгани йўқ. Украина МДХ давлатлари раҳбарлари кенгаши йиғилишида иштирок этмайди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўзбек, қозок, қирғиз, қорақалпоқ, тожик, туркман ва минтақада яшовчи барча халқлар ўртасидаги қадимий дўстлик алоқаларини янги шароитда мустаҳкамлашни назарда тутиб **„Туркистон — умумий уйимиз“**³⁶ деган ғояни илгари сурди.

³⁵ <http://kun.uz/>

³⁶ Кичкилов Ҳ. МДХ тарихи: ютуқлар, муаммолар ва зиддиятлар. (1989-2009). “Янги нашр” Т.2010.-Б151

Минтақажамоатчилик вакиллари, биринчи навбатда, ижодкор зиёлилар—ёзувчилар, тарихчилар ва бошқаларнинг эътиборини Туркистон туйғусини—тарихий бирлик туйғусини қайтадан тиклашга қаратди.

1995- йил 21- ноябр куни Тошкентда Марказий Осиё зиёлилари иштирокида „Қардош халқлар учрашуви“ мавзусида халқаро қурултой бўлиб ўтди. Қурултойда „Туркистон—умумий уйимиз“ ҳаракатини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган оламаро машҳур бўлган қирғиз ёзувчиси **Чингиз Айтматов** маъруза қилди. Маърузачи ва сўзга чиққан қардош халқлар вакиллари минтақада яшаб ўтган аجدодларимиз руҳи билан олис истиқболда туғилажак авлодлар боғлиқлиги, минтақа яхлитлиги, ягона Туркистон туйғусининг муқаддаслиги ҳақида сўзладилар. Қурултойда „Туркистон халқлари маданияти Ассамблеяси“ ташкил этилди. Чингиз Айтматов Ассамблея Президенти, **Одил Ёқубов** Ассамблея вitse-президенти этиб сайланди. Ассамблеянинг қароргоҳи Тошкент шаҳрида боииб, Бишкек ва Алматида унинг бўлимлари ташкил этилди.

„Туркистон—умумий уйимиз“ ғоясини тўғри тушуниш лозим. Унинг тагида Марказий Осиё мамлакатларини бирлаштириш ёки улар тепасида турувчи янги бир тузилмани яратиш каби мақсадлар қўйилаётгани йўқ. „Туркистон—умумий уйимиз“ деганда барча туркий давлатлар, ҳамма туркий халқлар назарда тутилаётгани ҳам йўқ. Гап Туркистон деб номланган сиёсий-жуғрофий ҳудуд устида, ҳудуддаги мамлакатларнинг ўзаро бирлигини мустаҳкамлаш, уларнинг халқларини яқинлаштириш ҳақида бормоқда. Марказий Осиё давлатларининг ҳар бири ўз доирасида, ўз тараққиёт йўлидан ривожланиб бораверади.



2008-йил 10-март Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи.

Туркменистон-Ўзбекистон билан 1993 йил 7 январда дипломатик муносабатларни ўрнатгандан кейин ўзаро қўшничилик алоқаларини олиб бормоқда³⁷. Ўзбекистон ва Туркменистон рақбарларининг бир неча бор олий даражадаги учрашувлари муносабатларнинг ривожланишига асос бўлди.

Туркманбошининг 1997 йили Ўзбекистонга ташрифи чоғида Хива шаҳрида буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқулининг ҳайкали очилди. 2004 йилнинг 19 ноябрида Туркменистон давлати раҳбари Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Президенти И.Каримов билан муносабатларни янада ривожлантириш борасида музокаралар олиб борди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида ўзаро товар айрибошлаш ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Агар 2003 йили бу борадаги кўрсаткич 90 млн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2004 йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич-146,5 млн долларни ташкил этди. 2003 йили Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркменистонга тегишли 1 млн 894 минг тонна, 2004 йилнинг 8 ойи давомида 1 млн 255 минг тонна юк ташиб ўтилди.

³⁷ Q.Usmonov. O'zbekiston tarixi. T. "O'qituvchi"2003.

Ўзбекистоннинг Туркменистон ҳудуди орқали ўтган экспорт-импорт юклари ҳажми 2004 йилнинг 8 ойида 2 млн 666 минг тоннани ташкил этди.

Ўзбекистон-Туркменистон ўзаро муносабатларининг асосий тамойиллари асосий эътибор билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома асосий аҳамиятга эгадир. 2004 йил 19 ноябрдаги Бухоро шаҳридаги учрашувда иккала Президентлар Ўзбекистон-Туркменистон чегарасини кесиб ўтиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларга имзо чекдилар.

Дўрмон қараргоҳида Туркменистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Президент И.Каримовнинг 2007-йил октябр ойидаги Туркменистонга давлат ташрифи асносида эришилган келишувларнинг ижроси қўриб чиқилди.

Музокара чоғида иккала давлатнинг чегарага оид масалаларни оқилона ҳал қилиб келадигани қайд этилди. 2007-йилда бўлиб ўтган Ашхобод саметида эса давлат чегаралари орқали ўтказиш пунктлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланган эди. Ўзбекистоннинг Туркменистон орқали ўтадиган юк ҳажми 2млн.тоннадан ошади. Бу эса халқаро транзит соҳасидаги шериклик алоқаларини ривожлантириш учун замин бўлиб хизмат қилади. Нефт-газ соҳаси икки мамлакатда юқори суръатда ривожланмоқда.

Ўзбекистон ва Туркменистон энергетик консорсиумлар тузиш, янги қувир магистраллари барпо этиш, нефт ва газ ташиш, транзит қилиш, янги конларни ўрганиш ва ўзлаштириш йўлида ҳамкорлик учун яхши имкониятларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухаммедовнинг таклифига биноан 2017 йил 6-7 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 6 март куни бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари аввал яккама-якка, кейин икки мамлакатнинг кенгайтирилган таркибдаги расмий делегатсиялари иштирокида музокара ўтказдилар. Уларда

савдо-иқтисодиёт, нефт-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.



Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухаммедов Қўшма баёнотни, икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзолашди. Икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва кимё саноати, темир йўл транспорти, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни, ҳудудлараро алоқаларни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухаммедов Туркманобод шаҳрига боришди. Бу шаҳар яқинида Амударёда қурилган Туркманобод-Фараб автомобил ва темир йўл кўприklarининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Автомобил кўпригининг узунлиги - 1600, темир йўл кўпригининг узунлиги - 1750 метр. Уларни қуришда туркменистонлик ва украиналик қурувчилар иштирок этган, Германия, Норвегия технологияларидан фойдаланилган. Президентлар кўприklar олдидаги майдонда ташкил этилган ўзбек ва туркман амалий санъати намуналари, ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирдилар.

Шавкат Мирзиёев мазкур кўприklar минтақа учун геостратегик аҳамиятга эга эканини қайд этар экан, Ўзбекистонда ҳам транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга

оширилаётгани, хусусан, ўтган йили қурилган Ангрен – Поп темир йўли Марказий Осиёни Хитой билан темир йўл орқали боғлаганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон ва Туркменистон темир йўллари ўзаро интеграциялашиб, қайта тикланаётган Буюк ипак йўлининг муҳим бўғинини ташкил этади, минтақа ривожини ва халқларимиз фаровонлигига хизмат қилади.



Гурбангули Бердимухаммедов Туркменистон транспорт ва транзит соҳаларини ривожлантириш бўйича ташаббусларни илгари сураётгани, ушбу кўприклар бу борадаги савийи-ҳаракатларнинг амалий ифодаси эканини таъкидлади. Қурилиш ишларининг сифати ва аҳамиятини юқори баҳолаб, курувчи ва пудратчиларга миннатдорлик билдирди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов билан видолашув маросимида Гурбангули Бердимухаммедов Туркменистонда Буюк Йўлбошчимиз хотирасини абадийлаштирилишини таъкидлаган эди. Шу мақсадда Туркманобод шаҳридаги марказий кўчалардан бирига Ислом Каримов номи берилди. Ушбу кўчада ёдгорлик мажмуаси барпо этилди ва Биринчи Президентимизнинг бюсти ўрнатилди. Мажмуада Ўзбекистон ва Туркменистон давлат байроқлари акс эттирилган. Уларнинг ёнидаги гранитда Ислом Каримовнинг «Биз кадрлашимиз ва юксалтиришимиз зарур бўлган муҳим бойлик – бу мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишончдир» деган сўзлари ўзбек ва туркман тилларида битилган.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухаммедов Буюк Йўлбошчининг ушбу ўгитига амал қилиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаб, ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда.

"Ислом Каримов буюк сиёсатчи, улуғ давлат арбоби, ўз халқини жонидан ортиқ севган ватанпарвар инсон эди", -деди Гурбангули Бердимухаммедов. - У Ўзбекистоннинг янги ҳаётида дуч келган турли муаммо ва қийинчиликларни оқилона енгиб ўтди. Бутун минтақа тинчлиги ва ҳамкорлигига, жумладан, Ўзбекистон билан Туркменистон алоқалари ривожига улкан ҳисса қўшди. Ислом Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш қарзимиз эди. Бугун ушбу вазифани адо этар эканмиз, у кишининг меросини асрашимиз, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз зарур"³⁸.

"Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирганингиз учун чуқур миннатдорлик билдирамыз, - деди Шавкат Мирзиёев. –

Ислом Каримов буюк давлат арбоби, узоқни кўра оладиган доно сиёсатчи, замонамизнинг ёрқин, улуғ шахсларидан эди. Мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов Ўзбекистонда кучли давлат барпо этди, жамиятимизни демократия йўлидан изчил ривожлантирди. Шу билан бирга, бутун минтақамизда тинчлик, хавфсизлик ва аҳиллик муҳитини яратишга улкан ҳисса қўшди. Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида қарор топган алоқалар дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларининг намунасига айланди"³⁹.

Президентлар Ислом Каримов ёдгорлик мажмуасига гуллар қўйишди. Ислом Каримов номидаги кўча бўйлаб сайр қилишди.

Ўзбекистон ва Туркменистон ҳукуматлари аъзолари, дипломатик корпус, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам Биринчи Президентимиз ёдгорлиги пойига гуллар қўйди.

³⁸ kun.uz. 2017 yil 8 mart

³⁹ kun.uz. 2017 yil 8 mart

Туркманобод шаҳридаги «Рухият» саройида Ўзбекистон ва Туркменистон санъат усталарининг концерти намоиш этилди. Бу ўзбек ва туркман халқларининг бир-бирига яқинлигини яққол намоён этди, мамлакатларимизнинг замонавий ва мумтоз санъати билан кенг танишиш учун қулай имконият бўлди.

Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга ташрифи ва унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар, бўлиб ўтган маданий тадбирлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик ва қардошлик тамойиллари асосида ривожланиб бораётганини яққол намоён этди.

ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатини амалга ошириш – давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир.

Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш - давлат фаолиятининг янги ва амалда қўлланилмаган йўналишларидан биридир. Яккаҳокимлиқ тизими шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан-тўғри ва очиқ чиқиш имкониятидан маҳрум этилган бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий давлат идораларига, етарлича дипломатларига ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларига эга эмас эди. Сўнгги вақтларгача республикада шундай кадрлар тайёрлайдиган биронта ҳам институт йўқ эди.

Ўзбекистон жамиятни янгилаш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, одамлар учун фаровон турмуш шароитларини яратиш йўлидан бормоқда. Бу, бир томондан, шарафли бўлса, иккинчи томондан мураккаб бўлиб, бир қанча муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтиш билан боғлиқ йўлдир. Бу йўлни ҳар томонлама чуқур англашда Президент Ислам Каримовнинг асарларини ўрганиш катта аҳамиятга эгадир.

Мамлакатнинг жаҳондаги нуфузи унинг иқтисодий ва интеллектуал салоҳияти, дунё цивилизацияси, фан ва маданият ривожига қўшган ҳиссаси, айни вақтда, умумэътироф этилган халқаро меъёрларга нечоғлиқ амал қилиши, халқнинг турмуш даражаси билан белгиланади.

Дунё ҳамжамиятидан ўзига хос ўрин эгаллаб бораётган Ўзбекистон ўз ички ва ташқи сиёсатида ана шу мезонларга таянади.

Мамлакатимизнинг ички сиёсати "Инсон ва унинг манфаатлари ҳар нарсадан улуғ" деган тамойил асосида амалга оширилади. Бу жараён ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, унинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, озчиликнинг кўпчилик иродасига бўйсунishi,

шу билан бирга, озчилик фикрининг ҳам кўпчилик томонидан ҳурмат этилиши каби демократик қоидаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида барча давлатлар билан тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, тинчлик ва хавфсизликни асраб-авайлаш, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлиги каби тамойилларга амал қилади.

Минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш, уни ядро қуролидан ҳоли маконга айлантириш, минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, халқаро террорчилик ва ақидапарастликка қарши кураш мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан ҳамкорлигида ҳудудий меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув имкониятларидан тўла фойдаланиш лозим. Шундагина ишлаб чиқариш кооперациясини қайта тиклаш ва ягона иқтисодий макон даражасига эришиш мумкин. Шу мақсадда эркин савдо минтақалари ва экспортга йуналтирилган чегарабўйи иқтисодий ҳудудларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалик соҳасида ҳамкорлик қилиш, ёқилғи-энергетика соҳасида қўшма лойиҳаларни, умумий иқтисодий, демографик ва экологик дастурларни амалга ошириш, умумий бозор ва мустақкам иқтисодий иттифоқни шакллантириш зарур.

МДХ мамлакатлари олдида уларнинг узоқ муддатли стратегик манфаатларига жавоб берувчи интеграцион ривожланишнинг янги модели ва механизмини мшлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси турибди. Ҳамдўстликда ғайри оддий ҳолат вужудга келдики, бунда интеграцияни тезлаштириш ва ривожлантиришга йўналтирилган ҳужжатлар амал қилмаяпти, ташкил қилинган тузилма ҳам интеграцион жараёни мувофиқлаштиришда жиддий натижалар бермаяпти. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, ҳозирда бутунлай янги методологик ёндашув зарурдир – яъни микродаражадан, айниқса мамлакатлар иқтисодиётларининг тузилмавий соҳаларининг корхоналари ва компанияларининг

манфаатдорлиги зарур: шундагина МДХда интеграция, хўжалик субъектлари манфаатларидан келиб чиқиб тез ривожланадиган ва ўзаро манфаатли жараёнга айланиши мумкин.

МДХни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишларидан бири – Россия билан чуқур интеграцияланган иқтисодиёти ва стратегик сиёсий шерикчилик билан боғланган давлатларни ўз ичига олган эркин савдо зонасини яратишдир. Ҳозирги босқичда МДХ ҳудудидаги иқтисодий ҳамкорлик миллий мустақилликдан воз кечмаган ҳолда амалга оширилади. Ўзаро интеграцион фаолиятнинг кўп босқичли тузилмаси айниқса устивордир. Шунини хулоса қилиб айтиш мумкинки, XX1 асрнинг бошланишида МДХ мамлакатларининг божхона, тўлов-ҳисоб ва иқтисодий иттифоқидан ташкил топган янги иқтисодий маконини яратиш айниқса долзарб масаладир.

Ўзбекистон Республикасининг минтақавий интеграцион жараёнлар ривожланиши, унда миллий иқтисодиёт ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш натижасида қатор хулоса ва таклифлар келиб чиқмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркибини изчил такомиллаштириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали товарларни ташқи бозорларда рақобатбардошлигига эришиш. Шунингдек, ишлаб чиқариш асосларини замонавий техника ва технология билан қайта қуrollантириш йўли билан маҳсулотларнинг янги турларини минтақа ва жаҳон бозорларига таклиф қилиш ҳамда тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш талаб этилади.

Минтақа мамлакатлари бозорларининг талаби тадқиқ қилиниши ва мамлакатимизда ана шу товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини ва мамлакатлар географиясини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, минтақа мамлакатлари бозорлари конъюктурасидаги ўзгаришларишлар, истиқболлибозорлар, рақобатчилар билан боғлиқ жараёнлар ва у

тадқиқотлар натижасида қилинган хулосалар экспортчиларга етказилиши керак.

Жаҳон бозорларида маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишда экспорт қилувчи корхоналарнинг товар тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайитиришда кўмаклашиш, транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш ва янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини пасайитириш лозим бўлади.

Миллий экспорт ҳажмини ошириш ва экспортга чиқарилаётган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, экспортчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тартибларни янада мукаммаллаштириш самарали натижаларга замин яратади.

Ташқи савдони диверсификация қилиш ва иқтисодиётимиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш, таркибини такомиллаштириш, умуман сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатдошлигини мустаҳкамлаш орқали миллий иқтисодиётнинг юксалиш мақсадларига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухаммедовнинг таклифига биноан 2017 йил 6-7 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 6 март куни бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари аввал яккама-якка, кейин икки мамлакатнинг кенгайтирилган таркибдаги расмий делегатсиялари иштирокида музокара ўтказдилар. Уларда савдо-иқтисодиёт, нефт-кимё, транспорт коммуникатсиялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Республиканинг минтақа мамлакатлари бозорлари билан иқтисодий интеграциялашуви миллий бозор салоҳияти даражасида эмас. Шунинг учун минтақа иқтисодиётига интеграциялашувни такомиллаштириш учун ташкилий ва молиявий тузилмаларни янада эркинлаштириш лозим.

Шунингдек, чет эл сармоясини самарали ўзлаштириш ва муҳим тармоқларга жойлаштириш, модернизацияни жадаллаштириш учун инвестицион банклари ташкил этилиши лозим.

Мамлакатимизнинг ташқи савдосини, хорижий инвестицияларни ўзлаштиришни ва минтақа бозорлари билан интеграцион алоқаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланиб, узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режалар ишлаб чиқирилиши ва изчил тарзда амалда жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1.Каримов И.А. Халқимизнинг оташқалб фарзанди//Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд.-Т.:Ўзбекистон,1996.-

2.Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли//Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-1-жилд.-Т.:Ўзбекистон,1996.

3.Каримов И.А. Ҳаллоллик ва фидойиллик – фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд.-Т.:Ўзбекистон,1996.

4.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари//Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд.-Т.:Ўзбекистон,1996.

5.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида//Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд.-Т.:Ўзбекистон,1996.-

6.Каримов И.А. Тараққиётнинг қудратли қаноти//Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.-Т.:Ўзбекистон, 1996.

7.Каримов И.А. Минтақада хавфсизлик ва ҳамкорлик учунг Бунёдкорлик йўлидан.4-жилд.- Т:Ўзбекистон,1996.

8.Каримов И.А. Янгича тафаккурга кенг йўл//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.6- жилд.-Т.:Ўзбекистон,1998.

9.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.6-жилд.-Т.:Ўзбекистон,1998.

10.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Т.:Ўзбекистон, 1998

11.Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда.- Т.:Ўзбекистон, 1999.

12.Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз// Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз.7-жилд.-Т.:Ўзбекистон,1999.

13.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.//Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз.7-жилд.-Т.:Ўзбекистон,1999.

14.Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин //Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.7-жилд.-Т.:Ўзбекистон,1999.

15.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ//Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.7-жилд.-Т.:Ўзбекистон,1999.

16.Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир //Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.8-жилд.-Т.:Ўзбекистон,2000.

17.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.8-жилд.-Т.:Ўзбекистон,2000.

18.Каримов И.А. Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи//Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.9-жилд.-Т.:Ўзбекистон,2001.

19.Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида//Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.10-жилд.-Т.:Ўзбекистон,2002.

20.Каримов И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ.// Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ.12-жилд.-Т.:Ўзбекистон,2004.

21.Каримов И.А. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўрнини эгаллаши лозим (Президентнинг янги тузилаётган сиёсий партия ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувдаги нутқи) // Ўзбекистон овози.- 2003.- 9 октябрь.

22.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.-Т.:Ўзбекистон, 2005.

23.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон,2003.

24.Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили.-Т.:Шарк, 1997.

25.Ўзбекистон тарихи.-Т., 1999.

- 26.М.С. Гафарли А.Ч. Касаев. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. Т. ”Ўзбекистон”.2001-Б.42.
- 27.Тюриков В. Шоғуломов Р “Мустақил Ўзбекистон Республикаси” Тошкент:“Ўзбекистон”.1998.-Б.25.
- 28.У.Носиров, Президент Ислон Каримов: “Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик учун”,2002.
- 29.Ғуломов С. Убайдуллаева Р. Аҳмедов Э. “Мустақил Ўзбекистон” .Т.2003.-Б.9.
- 30.Ражабов Қ. Ҳасанов Б. Қандов Б. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик солномаси. Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” 2011.
- 31.Кичкилов Ҳ. МДҲ тарихи:ютуқлар, муаммолар ва зиддиятлар. (1989-2009). “Янги нашр” Т.2010.-Б68
- 32.Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи. Т. “Ўқитувчи” 2003.
- 33.Қ.Усмонов,Н.Жўраев. Ўзбекистон тарихи. Т. “Шарқ” . 1999,2011 .
- 34.Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи. Т. “Ўқитувчи”2003.
- 35.А.Жалолов.Қ.Хоназаров.Мустақиллик изоҳли оммабоп луғат. Т. ”Шарқ”.2000
- 36.Н.Жўраев. Ўзбекистон тарихи. Т. ”Шарқ”.2004.
- 37.Б.Тюриков,Р.Шоғуломов. Мустақил Ўзбекистон Республикаси.Т. “Ўзбекистон”.1998.
- 31.“Жамият ва бошқарув”№2,2010.
- 32.“Халқ сўзи”1995-2017.
- 33.“Ўзбекистон овози”1995-2013.
34. <http://fikir.uz/>
- 35 kun.uz